

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ



Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланма

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ)

Кучга кириш санаси: 5 ноябрь 2020 йил

9 сентябр, 2021 йил янгиланган

Мундарижа

<i>Акронимлар (Қисқартмалар)</i>	3
<i>Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси Цикли</i>	5
Лойиха Цикли тұғрысіда Маълумотлар	6
1. <i>Қишлоқ Танланиши</i>	8
2. <i>Жамотчилик Таргиботи ва Дастлабки Сафарбарлик</i>	9
3. <i>Маҳалла Тараққиёт Гурұхы Сайловлари</i>	14
4. <i>Ижтимоий-Иқтисодий Тахжил</i>	16
Фаровонлик Тахжили	16
Мавсумий календарь	17
Саломатлык Тахжили	17
Таълим Тахжили	18
5. <i>Қишлоқ Тараққиёти Режаси</i>	18
6. <i>Кенг қамровли Маҳаллий институтларни Ислоҳ қилиши, камбагалларни құллаб-құвватлаш Жамоавий Ҳаракатини ташкилаштыриш ва Аёллар Иштирокини күчайтириш борасида иш олиб бориши</i>	19
Маҳаллий институтларни Күчайтириш	19
Үзаро Күмак/Хайрихоҳлик гурұхлари	20
Гендер масалаларини Жамоатчилик доирасида құтариш	20
7. <i>Мониторинг, Баҳолаш ва Ижтимоий Аудит</i>	21
Жамоатчилик Мониторинги Гурұхи ва Уларнинг Фаолияти	21
Жамоатчилик Мониторингидан күзланған мақсад	21
ЖМ Гурұхи	22
ЖМ Гурұхи фаолияти	22
Ижтимоий аудит	22
Ижтимоий Аудит Жараёни	23
<i>Илова №2: Жамоатчилик Таргиботи ва Дастлабки Сафарбарлик Таdbiri</i>	29
<i>Илова №3: Жамоа Манбалар Харитаси</i>	40
<i>Илова №4: Жамоа Манбалар Харитаси билан Үртоқлашыши ва МФЙ Паспортини Текшириши</i>	46
<i>Илова №5: Сайловолди Учрашуви</i>	49
<i>Илова №6: МТГ сайловолди Учрашуви 2</i>	57
<i>Илова №7: МТГ Сайловлари ва МТГ масъуллари Сайловлари</i>	58

<i>Илова №8: МТГ Салоҳиятини ошириши: Етакчилик маҳорати.....</i>	64
<i>Илова №9: Фаровонлик Таҳлили</i>	67
<i>Илова №10: Саломатлик Таҳлили ва ФТ ни Тасдиқлаш</i>	75
<i>Илова №11: Таълимни Баҳолаши ва ФТ ни Тасдиқлаш (2-қисм)</i>	80
<i>12-Илова: ФТ билан Ўртоқлашиши ва Мавсумий Календарь</i>	83
<i>Илова №13: МТГ нинг ёшлар қуи кенгаши билан(аёллар ва эркаклар) Қишлоқ Таракқиёти режалаштиришолди учрашуви.</i>	89
<i>Илова №14: Қишлоқ Таракқиёти Режаси ва ЖМ ни Ташкил этилиши</i>	90
<i>Илова 15: ТЛҚ билан ҚИРЛ молиялаштириши учун тақлиф қилинган Суб-лоийхаларни кўриб чиқши</i>	106
<i>16 илова: ҚТР якунлаши ва жамоатчилик/аҳолига тақдим этиши</i>	107
<i>Илова 17: Жамоатчилик Мониторинги.....</i>	109
<i>Илова №18: Маҳаллий Институтларни Мустаҳкамлаши: МТГлар билан ишилаш</i>	111
<i>Илова №19: Ўзаро Кўмак/Ҳайриҳохлик гурӯҳларини ташкил қилиши ва улар билан ишилаш</i>	113
<i>Илова №21: Гендер масалаларини кўтариши</i>	117
<i>Илова №21: Ижтимоий Аудит</i>	123
<i>Илова №22: МТГларни; ЖМ Шикоятларни кўриб чиқши қўмитасини; Ўзаро кўмак гурӯҳларини кузатиб бориш/қўллаб қувватлаши.....</i>	131
<i>Илова №23: Институционал Етуклик Индекси.....</i>	134

Акронимлар (Қисқартмалар)

ЖМ	Жамоатчилик Мониторинги
ТЛҚ	Туман лойиха қумитаси
АМИМ КХ	Атроф мухит ва ижтимоий мухофаза Кўмакдош ҳамкорлар
ЎРҲ	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
МФЙ	Маҳалла Фуқаролар Йиғини
МТГ	Маҳалла Тараққиёт Гурӯҳи
ИТВ	Иқтисодий тарроқиёт ва кабагалликни қисқартириш Вазирлиги
ЭТХ	Эксплуатация ва техник хизмат
МШ	Мансабдор шахслари
ҚИРЛ	Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси
ҚТР	Қишлоқ Тараққиёти Режаси
ҚИ	Қишлоқ Мухандиси
ҚФ	Қишлоқ Фасилитатори
МК	Мавсумий календар
ФТ	Фаровонлик Тахдили
АМИМЧБАМ	Атроф мухит ва ижтимоий мухофаза чораларини бошқаришнинг асосий модел

Ушбу жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланмада катта/ўрта лавозимлардаги ҳукумат ва кўмакдош ҳамкорлар ходимлари, шунингдек КҲ катта тренерлари ва жамоа фасилитаторлари (Машқларни қай тарзда ўтказишга доир иловалар) учун мўлжалланган. Унда нафақат Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси таркибий қисмлари борасида (Жамоавий машғулотлар, МТГ сайловлари ва Қишлоқ Тараққиёти Режаси) бўлиб қолмасдан, балки шаффоф, ҳисобдор ва кенг қамровли ривожланиш жараёнларини кафолатлаш учун турли иштирокчиларни жалб қилиш жараёнлари тўғрисида ҳам фикр юритилади. Асосий матнда нима қилиниши кераклигига умумий ургу берилган, иловаларда эса КҲ ҚФлар ва ҳукумат ҚФларга жамоатчилик билан йиғилишлар ўтказиш юзасидан босқичма-босқич кўрсатмалар берилган.

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси Цикли



Лойиха Цикли тұғрисида Маълумотлар

1. Қишлоқ Таңланиши

2. Жамоа Сафарбарлығы

- i. Жамоатни Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси Билан Таништириш
 - a. Истиқбол режаси, Мақсадлар ва Тамойиллар
 - b. Инфратузилма Ривожи
 - c. Қамров ва камбағаллик Даражасини Қисқартыриш
 - d. ҚИРЛ амалда: Асосий Ижрочиларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари
- ii. Жамоаларни Үрганиш:
 - a. МФЙ Паспорти
 - b. Жамоа Манбалар Харитаси

3. Маҳалла Таракқиёт Гурухи Сайловлари

- iii. Сайловолди Тадбирлар
 - a. Сайлов Жараёнини ўртоқлашиш учун Катта Йигилиш
 - b. Сайлов Қўмитасини Ташлкиллаштириш
- iv. Сайловлар
 - a. Умумжамоа Сайлови
 - b. МТГ Масъуллари Сайлови
 - c. МТГ Масъуларининг Вазифалари ва Мажбуриятлари

4. Манбалар/Ижтимоий-Иқтисодий Таҳлил

- v. Ижтимоий Таҳлил
 - a. Фаровонлик Таҳлили
 - b. Мавсумий Календар (айрим жамоаларда)
 - c. Саломатлик Таҳлили
 - d. Таълим Таҳлили

5. Қишлоқ Таракқиёти Режаси (ҚТР)

- vi. Жамоа Таракқиёти Режаси
 - a. Жамоатчилик иштирокидаги Жамоа Таракқиёти Режасини Таништириш
 - b. Асосий Натижаларни Кўриб Чиқиш

- c. Истиқбол режасини Шакллантириш (Эркаклар ва аёллар)
 - d. Истиқбол режасини Босқичларга Айлантириш
 - e. Босқичларни Ҳаракатларга Айлантириш
 - f. Истиқбол режаси ва Босқичларга Нисбатан Устуворликларни Белгилаш
6. **Субложихани амалга ошириш - ЛАОҚ ва Техник Құлланмада Қамраб Олинган**
7. **Кенг қамровли Махаллий институттарни Ислоҳ қилиш, камбағалларни қўллаб-қувватлаш Жамоавий Ҳаракатини ташкилаштириш ва Аёллар Иштирокини кучайтириш йўлида Ишлаш**
- a. МТГ Вазифа ва Мажбуриятларини Кўриб Чиқиши
 - b. МТГ Арапашувлари изчилигини ва ҳ.к.з.ларга оид Қоидалар Жорий қилиш
 - c. ҚТР Истиқбол режаси, Босқичлари ва Ҳаракатларини ҳамда МТГ ларнинг асосий Босқичлар ва Ҳаракатларга бўлган Жавобгарликларини Белгилаш
 - d. Босқичларни (ёки уларнинг бир қисмини) амалга оширишда зарурий бўлган инсон/жисмоний/моддий захираларни инобатга олиш
 - e. Асосий Ҳаракатлар учун Даврий Жадвални Тузиш
- vii. Ўзаро Кўмак/Хайрихоҳлик гурухлари
- a. Салоҳиятга эга бўлган хайрихоҳлик/Ўзаро кўмак гурухларини яратиш (Отапоналар ва бошлангич синф ёшидаги мактаб болалари;)
 - b. Хайрихоҳлик/ўзаро кўмакни ташкил этиш ва сафарбар қилиш
 - c. Асосий фаолият майдонига диққатни қаратиш ва уларга эришиш учун (босқичлар ёки босқичларнинг муайян қисмлари) 1-3 кишилик гурухлар билан ишлаш
- viii. Гендер масалаларини Жамоатчилик доирасида кўтариш
- a. ҚФ лари барча худудлардаги ёш хотин-қизлар билан учрашиб уларни ҳозиргача бажарилган машғулотлар билан танишитиради ҳамда уларни ҳам жараёнга ҳисса қўшишларига эришади
 - b. Аёллар билан уларнинг асосий масалалари тўғрисидаги ҚФ мухокамалари
- ix. Лойихани амалга ошириш учун МТГ Салоҳиятини Ўстириш (**бошқа қўлланмага қаранг**)
- a. Лойиҳа жамоасини тайёрлаш
 - i. харидлар
 - ii. лойиҳа менежменти
 - iii. АМИС(АМИМЧБАМ, КРАМ)
 - iv. ЭТХ

8. Мониторинг, Баҳолаш ва Ижтимоий Аудит

- x. Жамоатчилик Мониторинги Гуруҳи
 - a. Гуруҳни ташкил қилиш
 - b. ҚИРЛ, ва Ижтимоий Аудит бўйича ЖМ Гуруҳини Салоҳиятини Ошириш
- xi. ЖМ Жараёни
 - a. ЖМ кўрсаткичларини белгилаш
 - b. ЖМ Режасини лойиҳалаштириш
 - c. Маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баёнот бериш
 - d. Натижалар билан Оммавий Йиғилишда ўртоқлашиш
- xii. Шикоятларни кўриб чиқиши
 - a. ШКЧМнинг оммавийлигини таъминлаш (ишонч телефони билан)
 - b. Шикоятлар қутиси ва шикоятлар реестрини яратиш

1. Қишлоқ Танланиши

ҚИРЛ доирасида Туман Танланиши учун Туман Лойиҳа Қўмитаси (ТЛҚ) масъул бўлади. Улар ҳар бир иштирокчи туманда ташкил этилади ва туманнинг "Обод Қишлоқ" давлат дастури ишчи гуруҳи (штаби) аъзоларидан иборат бўлиб, улар ўз навбатида 29 марта 29 марта 3630 сонли Президент қарорига кўра фаолият юритади. Туман ҳокимлари ТЛҚ раиси этиб тайинланади.

Қишлоқни танланишидан аввал КҲ бош тренери (ёки Ҳукумат бошқарувидаги худудлар ЛАОГ ходимлари) ТЛҚга Лойиҳа Амалиётлари Қўлланмаси ва Жамоани сафарбар қилиш бўйича қўлланма бўйича йўналиш беради, қолаверса истиқбол режалариидора, мақсад ва лойиҳа тамойилларини сингдиради ҳамда турли манфаатдор томонларингвазифа ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтади.

ТЛҚ ҚИРЛ дастурига киришиб олгач, КҲ бош тренери ва ЎРҲ ЛАОГ ходимлари (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати КҲ ларсиз ижрони амалга оширадиган худудларда) танланган худудларда Туман Лойиҳа Қўмитаси билан қўйидагиларни аниқлаштириш ишларинии бошлайди

- 1."Обод Қишлоқ" ёки "Обод Марказ" "давлат дастури амалга оширилаётган қишлоқларда ҚИРЛ доирасида молиялаштирилмаётганини;
- 2.Туман марказигача бўлган масофа; масофа минтақа рельефи ва (тоғлар худудлар в.б.) ва/ёки воситалар (йўллар), иқлимий шароитларга (табиат инжиқликлари в.б.) анчагина боғлиқ бўлиши мумкинлигини
- 3.Узлуксиз ва яроқли артезиан ичимлик сувларисиз хўжаликлар сони (тумандаги давлат дастури мавжуд бўлмаган ва олис бошқа қишлоқларга нисбатан) бўйича нисбатан юқори фоизга эга қишлоқларни

Батафсил мұхокама учун Илова 1 га қаранг. Қишлоқларни танлаб олишда баҳолаш мезонларига урғу берувчи(олислик ва ичимлик сувидан фойдаланиш имконидан келиб чиқкан) 3.2шаклгакаранг.

2. Жамотчилик Тарғиботи ва Дастлабки Сафарбарлик

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳасини қабул қилиб олинишида Жамоатчилик Тарғиботи ва Дастлабки Сафарбарлик тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ишнинг асосий таркибий қисмлари ҚИРЛ истиқболли режалари, мақсадлари тамойилларини ҳамда Инфратузилма таклифларини жамоатчилик билан ўртоқлашиш, қолаверса турли жалб этилувчи тарафларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиришВазирлиги, Туман Ҳокимитятлари, Кўмакдош ҳамкорлар, МФЙ ва МТГ, шунингдек фуқаролар) аниқлаб олишдир.

Жамоатчиликни таништириш тадбири З соатлик мажлисдан иборат бўлиб, унда ҳудудлардаги хўжаликларнинг энг камида ярми қатнашиши керак. Мажлисда турли хил плакатлардан мавзуларни ўртоқлашишда фойдаланиш ва ҚФ лари ҳар бир мавзу бўйича жамоатчилик ичига вақти-вақти билан кириб туриши мақсадга мувофик. Ўзаро мұхокамалар ва савол-жавоблар жараёни учун фуқароларга зарурӣ шароит яратиб берилиши керак. Ҳар битта плакат билан танишиб чиқилгач, ҚФ лари иштрокчилар ичидагилардан ўзлари тушунган нарсалар ҳақида қисқача айтиб ўтишни сўрашлари лозим Шу йўл билан ҚФ лар маълумотларни иштирокчиларга қандай етиб борганини аниқлаб, тушунмаганлар бўлса савол беришлари учун имконият яратади.

ҚФ лар ушбу мажлис Ҳар қандай катта бўлсада барча хўжаликларни қамраб ололмаслигидан келиб чиқиб, кейинги учрашувларда (Жамоа Манбалар Харитаси ва сайловолди учрашувларида) баъзи мавзуларга такрор тўхталиб ўтишлари мақсадга мувофик.

ҚФ лар жамоаси (6 та жамоа/қишлоқни қамраб олувчи) плакатлар жамланмасининг биттасини тайёрлаши мумкин, аммо, айрим плакатлар танишиб чиқиш эҳтиёжи юзасидан жамоатчиликда қолдирилади. Тарғибот-ташвиқот мажлиси учун инфратузилма менюсини тавсифлаб берувчи плакат жамоатчиликда қолдирилиши ва мувофик жамоат жойига осиб қўйилиши керак. **ҚФ лари Мажлис учун Плакатлар бўйича 1-Иловага қаранг.**

Тарғибот тадбирлари Таркибий Қисмлари

Фаолият 1: ҚИРЛ нинг Истиқбол режаси, Мақсад, ва Тамойиллари
1-Иловадаги 1-плакатга қаранг

Истиқбол режаси: ҚИРЛ қишлоқларни ривожлантиришга хисса қўшиш, Ҳукумат ва ахоли ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, ривожлантириш жараёнларида фуқаролар иштирокини қучайтириш ва асосий хизматлардан фойдаланиш сифатини ошириш орқали камбағалликни камайтиришга интилади.

Хукумат Инфратузилмани яратиш ва ислоҳ қилиш учун ва энг муҳим хизматларни яхшилаш йўлида ресурслар ажратади Жамоатчилик қўйидагиларни ўз ичига олган рўйхатдан танлов қилиш имконинига эга бўлади:

- оммавий ва ижтимоий инфратузилмани реконструкция қилиниши ёки катта бўлмаган кўламдаги қурилиши (шу жумладан мактаблар),
- ичимлик суви ва санитария, йўллар,
- йўлкалар, тротуарлар,
- қишлоқ йўлларини дренаж ва тошқинларга мослашувчанлик тизими,
- кўприклар (10 метргача бўлган узунликдаги)
- кўчаларни ёритиш тизими,
- каттиқ чиқиндиларни тасарруф қилиш,
- антенналар ва симсиз интернет хизматлари хариди,
- автобус бекатлари ва терминалларини қуриш ёки таъмирлаш
- энергия таъминоти ишлари.

Маън қилувчи рўйхат эса бино қурилиши ва таъмирлаш ёки одамларни кўчириш ва кўчишини талаб қилувчи ҳар қандай сармояни ўз ичига олади; бундан ташкари, ҳар қандай қўриқланувчи худуд, ўта муҳим аҳамиятга эга муайян майдон ёки маданий ва ижтимоий-нозик участкалар учун лойиҳалаштирилган суб-лойиҳалар, қолаверса ҳалқаро сув йўлларига таъсири бўлган сублойиҳалар ушбу маън қилувчи рўйхатдан жой олади. Жамоатчилик энг зарурӣ деб топилган хизматларни қишлоқнинг барча маҳаллаларини (кўчаларини) жалб қилувчи жамоавий жараён орқали долзарблигига кўра белгилаб олади.

Лекин, Хукуматнинг харакатлари Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳасининг факатгина бир қисми холос, Маҳалла Фуқаролар Йиғинлари (МФЙ лар) ва Маҳаллани Ривожлантириш Бўлимлари (МТГ лар) ҳамда Жамоаичидаги шахсларнинг ҳам бажариши керак бўлган вазифалари талайгина. Ишнинг энг салмоқлиси – хизматлар ҳар бир оиласга кириб боришида хукуматга кўмак бериш, инфратузилмани қураётган пудратчиларни назорат қилиш, кенг қамровли маслаҳатлар беришга тайёр туриш, ҳамда аҳолининг камбағал қисми манфаатларини ҳимоя қилиш – МФЙ лари ва МТГ ларга боғлиқ. МФЙ лари вазифалари ўз жамоалари манфаатларини юқорироқ доираларга олиб чиқиши туман ҳокимиятларига ҚИРЛ лойиҳалари тўғрисида ҳисбот бериш, маҳаллий ҳамжамият аъзоларига дастурни тушунишга ёрдамлашиш ва инфратузилмани тегишли муассасаларга топширишдан иборат. МТГ лар вазифалари Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) бўйича қишлоқдаги барча маҳалла вакиллари иштирокида кенг қамровли ва аҳолининг камбағал қатламига қаратилган маслаҳатлар берилишига ишонч ҳосил қилиш, кенг қамровли йиғилишлар ўтказиш, жамоатчилик таҳлилини тушуниш ва тақдим этиш, сублойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда суб-лойиҳа бўйича тендер Қўмитаси аъзоси бўлиш кабилардан иборат.

ҚИРЛ Хукумат ва Ўзбек ҳалқининг ҳамкорлиги бўлиб, камбағаллик даражасини камайтириш ва қишлоқларда яшовчиларни ўзини тиклаб олиши учун ҚИРЛ вакиллари томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватланади. Бу хукумат ва ҳалқнинг мажбуриятлари мавжудлиги ва уларнинг энг асосийлари қўйидагилардан иборат эканини англатади: Хукумат ресурслар билан таъминлайди, қўллаб-қувватлаш ва йўл-йўриқ кўрсатади, МФЙ

лар ва МТГ лар эса жамоавий муассасалар ўлароқ сайланган аёл ва эркакларнинг ҳамжиҳатлиқда ишлаётганига, улар орқали ресурсларнинг ҳаққоний ва адолатли тақсимланишига ва камбағал аёллар, эркаклар ва болалар ўзига тўқ эркаклар, аёллар ва болалар каби ҳукуматнинг жадвал, дастур ва хизматларидан манфаат кўраётганига ишонч ҳосил қилмоғи лозим. Сайланган хотин-қизлар аъзоларини МТГ лар ва жамоалардаги ижтимоий таҳлил ва режалаштириш мажлислари таркибига киритиш аёлларнинг замон билан ҳамнафас эҳтиёжларини ривожланиш жараённига алоқадор ҳолда кўрилиши ва инобатга олинишига ишонч ҳосил қилиш учун жуда муҳимдир. Шу билан, Ҳукумат жараёнда иштирок этаётган жамиятлардаги барча фуқароларнинг соғлом хаёт кечиришлари, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари ва фаровон келажак қура оладиган ўқимишли болаларни тарбиялашлари учун энг муҳим ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олади.

Мақсадлар: Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси (i)асосий инфратузилма ва хизмат турларини яхшилашга ҳамда (ii) кўзланган қишлоқ аҳоли пунктларидаги жамоа иштирокидаги маҳаллий бошқарувни қучайтиришга интилади.

Ресурсларни йўналитириш ва қўллаб-қувватлаш орқали Ҳукумат танланган қишлоқларга керакли воситалар етиб боришига ва МФЙ лар ва МТГ лар ривожланиш жараёнларига бошқош бўлишига ҳамда барча эркаклар, аёллар, ёшлар ва болалар ривожланиш ташабbus ва ҳаракатларига қатнашаётганига ишонч ҳосил қиласди. Жамоалар ривожланишни режалаштириш ва мониторинг жараёнларида шу жумладан ҳукуматнинг асосий хизматларини тақдим этишда қатнашадилар. Шу билан бир пайтда, МТГ турли гурӯхлар (шу жумладан кам таъминланган оилалар) билан ишлаб, ўрганиш ва маълум бир гурӯх вакилларининг ривожланишига ёки оёққа туришига ҳалақит берадиган муҳим муаммоларни аниқлаш ва биргаликда ушбу тўсикларни ҳал қилиш чораларини топишга ҳаракат қиласди.

Тамойиллар: ҚИРЛ ва Ҳукумат фаолияти (турли босқичларда), сайланган субъектлар (МФЙ лар ва МТГ лар), Кўмақдош ҳамкорлар ушбу тамойилларга биноан иш олиб боради:

1. Фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ривожланиш йўлида ҳамкорлар сифатида ўзаро ҳамжиҳатлиқда иш кўрадилар
2. МФЙ лар ва МТГ лар ўзларига қарашли бўлган жамоаларда ривожлантириш жараёнларини олиб борадилар ва назорат қиладилар ҳамда барча ташки ресурсларни улар вакили бўлган субъектлар, ҳукумат ва донорларга тақсимланиши ва улардан фойдаланиш юзасидан ҳисобот бериб борадилар.
3. Ресурсларнинг адолатли ва ҳаққоний тақсимланиши ҳамда хизматларни етказиб бериш кафолатланиши, қолаверса элитани эгаллаб олинишининг (оз сонли кишилар учун ресурслар ажратилиниши ва тақсимланиши) олди олиниши зарур.
4. Ижтимоий жавобгарлик ва ҳалоллик мукофотланади, фирибгарлик ва маблағларни сустеъмол қилинишининг эса олдини олиш керак ва бу ҳукумат томонидан молиялаштиришни бехуда кетишига олиб келиши мумкин.
5. Жамоаларда ривожланиш жараёнлари жамоавий, комплекс, ўкув-машғулотлари ва ҳаракатга ундовчи кўринишда ҳамда шаффоғ, мақсадли бўлади

6. МТГ сайловлари ошкора ва ҳаққоний бўлиши шарт
7. Қишлоқ Тараққиёти Режаси аёлларнинг муаммоларини ҳам инобатга олиши керак, шу жумладан камбағал, уйда эътиборсиз қолиб кетаёган ва ҳимоясиз аҳоли қатламларини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Инфратузилма ва Хизматлар Менюси

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Иқтисодий Тараққиёт ва Қамбағалликни Қисқартириш ...Вазирлиги халқ маблағларини оммавий инфратузилмаларни қуриш ёки мавжудларини яхшилишга йўналтиради. Жамоалар асосий хизматлар менюсига эга бўладилар ва ундан қуйидагиларни танлашлари мумкин:

Асосий ва иқлимга мослашувчан инфратузилма ва хизматлар субвойиҳаларига оид сармоялар қуйидагилардан иборат: (i) мавжуд қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва санитария тизимларини янгилаш улардан фойдаланиш миқёсини кенгайтириш учун инновацион, қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва санитария хизматлари кўрсатилишини муқобил моделлар орқали ислоҳ қилиш; (ii) жамоат биноларини энергия унумдорлиги йўлида қайта жихозлаш; (iii) ижтимоий инфратузилмани реконструкция қилиш; (iv) учламчи йўллар, йўлкалар ва трутуарларни реконструкция қилиш; (v) йўл дренаж тизимлари ва қишлоқ йўлларининг тошқинларга мослушувчанлигини мустаҳкамлаш; (vi) кўприкларни таъмирлаш ва қуриш (vii) кўчаларни ёритиш тизимини такомиллаштириш (viii) жамоат жойларига қулайликлар киритиш; (ix) қаттиқ чиқин билан ишлаш тизимлари; (x) жамоатчиликка қулайликлар яратा�ётган воситаларни кичик ўзгаришлар билан қайта қуриш ; (xi)симсиз интернет хизматлари таъминоти учун антенналар ўрнатиш; (xii) автобус терминаллари ва бекатларини қуриш ёки янгилаш; ва ниҳоят (viii) энергия таъминоти ишлари.

Маблағ ажратилиши қишлоқ учун жон бошига ўртача 124 АҚШ доллари(танланган қишлоқлардаги аҳоли сони аниқлангандан кейин маблағ миқдори ўзгариши мумкин) миқдорида маблағни ажратиш қоидасига асосланади. Бу маблағлар Қишлоқ Тараққиёти Режасида кўрсатилган турли субвойиҳаларни молиялаштиришда ишлатилиниши мумкин (ҚФлари биринчи йигилишданоқ ҳар бир қишлоққа ажратилган маблағларни эълон қилишлари ва ажратилган маблағлар билан постер тайёрлаб, қишлоқда қолдиришлари шарт).. Қишлоқлар ресурсларни бирлаштиришлари ва керакли жойларга ҳамда экологик ва ижтимоий хавсизлик чоралари сиёсати доирасида сарфлашлари мумкин. Танланган субвойиҳалар инфратузилмага бўлган эҳтиёжлар ва уларга нисбатан қарашлардаги жамоаларнинг шахсий баҳолари ва таҳлили асосида амалга оширилади, ундан сўнг маҳаллий ҳамжамиятни таҳлил қилиш, режалаштириш (шу жумладан субвойиҳаларга приоритетлар белгилаш), ҚИРЛ субвойиҳалари мониторинги ва ижтимоий инфратузилмани сақлаб туриш (жамоаларга) ва юқорига (ҳукумат ва донорларга) йўналган қарорларни инобатга олувчи комплекс, жамоавий, шаффофф жараёнлар орқали амалга оширилади.

Қамров ва Қамбағалликни даражасини қисқартиришнинг Долзарблиги

Ўзбек қишлоқларидаги инфратузилмаларнинг катта қисми нотўғри таъмирланиш ва ҳатто нотўғри фойдаланиш муаммоларига дучор қилинган. Натижада, айрим уй хўжаликлари саломат ҳаёт кесиришлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга жаоат инфратузилмалари ва

хизматлариға эга эмас. Масалан, ичимлик суви ва санитария, жамоадан одамлар ва товарларни олиб чиқиш ёки олиб кириш учун транспорт хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи йўлкалар ва йўллар, жамоаларни тоза ва туриб қолувчи кўлмакларсиз сақлаш учун самарали дренаж ва қаттиқ чиқиндишларни бошқариш тизими, одамларнинг мол-мулкини яхши сақлаш учун тошқинларга мослашувчанлик тизими; хавфсиз электр уланишлари ва кўчуларни ёритиш тизими. Камбағал қатламлар хизмат кўрсатишдаги бу узилиш ва бўшлиқлардан турлича даражада азият чекадилар ва мустақил равишда улар учун хизмат ҳақи тўлайдиган ҳоллари ҳам йўқ; айни дамда ўзига тўқ уй хўжаликлари эса кўл насослари, ҳожатхоналар ўрнатиши, ўз уйлари атрофидаги дренаж тизимини яхшилаш учун маблағ ажратишлари мумкин.

АСОСИЙ МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ВАЗИФА ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу қисм Иқтисодий тараққиёт ва Камбағалликни Қисқартириш Вазирлиги, Вилоят ва Туман Ҳокимиятлари, МФЙ лари ва МТГ лар, Танланган Қишлоқлар фуқаролари, Кўмақдош Ҳамкорлар (Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Муҳандислари), ЯМХИК ва Курилиш Компаниялари Вазифа ва Мажбуриятларига эътибор қаратади.

Жамоаларни Тушуниш: ҚФ лар ва ҚМ фаолияти дастлабки йўлга қўйиш ишларида

Бу фаолиятдан мақсад сайловчилар сонини аниқлаш (МТГ сайлои учун) ва Маҳалла ва улардаги хўжаликлар сонини билиш учун аҳоли ҳақида маълумот тўплашдир. Бу жамоатчилик таҳлил иши(харатилаш, фаровонлик таҳлили, таълим ва саломатлик таҳлили) барча худудлар ва хўжаликларни қамраб олиш имконини беради Юқорида кўрсатиб ўтилган келтирилган ҚИРЛнинг Жамоатчилик Тарғиботи ва Огоҳликни Кучайтиришдан кейинги КХ ҚФ лари ва Муҳандисларининг ҳаракатлар изчиллиги қўйидагича бўлади:

1. Муҳим маълумотларга эга бўлиш учун МФЙ паспортини кўриб чиқиш (1-ташриф амалиётларинг таркибий қисми):
 - a. хўжаликлар сони
 - b. мактаб ёшидаги болалар сони
 - c. боғча ёшидаги болалар сони
 - d. хусусий фермерлик ерларида гектарлар сони
 - e. нафакадаги Кексалар сони
 - f. бевалар сони
 - g. имконияти чекланганлар сони
 - h. муҳожир ёки кўчиб кетганлар сони (бу маълумот кейинчалик ҳар бир маҳалла учун аниқланиши ва ушбу шахслар сайловчилар рўйхатидан ўчириб юборилиши учун керак)

(Изоҳ: Жамоадан келиб чиқиб, МФЙ паспортидаги айрим маълумотлар бутунлай тўғри бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин; лекин ҚФ лар учун барибир жамоатчилик тўғрисида кенг тушунча ҳосил бўлиши учун энг яхши йўл шу) Шу боисдан ҳам, маълумотларни таҳлил қилиш давомида умумлаштириш/текшириш зарур. Тўпланадиган маълумотлар Уй хўжаликларини текшириш 3.4 шаклида келтирилган.

2. Жамоа Манбалар харитаси (2- Ташириф)

Қишлоқни Хариталаштириш топширилган ҳудуддаги лойиха/дастур ҳаракалтарини ташкиллаштиришдаги асосий қадамдир Шу каби харита манбаларнинг жисмоний жойлашувины акс эттиради мактаблар (оммавий, хусусий, диний), асфалтлаштирилган ва асфалтлаштирилмаган йўллар, сув манбалари, электр тармоқлари, ва ҳ.к.з.лар. Шу жумладан сайланган вакиллар ва жамоада ишлаб турган ҳар қандай ташкилот қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Хариталаш жараёни бир нечта мақсадларга хизмат қиласди: а) асосий статистикага эга бўлиш: Уй хўжаликлари сони, б) жамоа аъзолари билан самарали, шаффоғ ва аниқ тарзда жамоа манбалари ва асосий манфаатдор тарафларни хариталаш, с) МФЙ раиси, котибияти ва бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро ва уларнинг жамоалари билан бўлувчи муносабатларини кузатиш. Энг муҳими, бу харитадан режалаштириш мажлисларида ҚИРЛ нинг ривожлантириш маблағларини адолатли тақсим қилиниши ва ҳеч қандай ҳудудда режалаштириш жараёнларига оид нохолисликлар бўлмаслигини кафолатлашда фойдаланиш мумкин.

ҚФ лари диққатига: жамоаларда Жамоа Манбалар Харитасини яратиш учун 2-Иловага ҳамда маълумотларни тасдиқлатиш ва харитани якунлашни қандай амалга оширишнинг босқичма-босқич йўл-йўриқлари учун 3-Иловага қаранг.

3. Маҳалла Тараққиёт Гурухи Сайловлари

Тавсифлар

Сайлаш ҳуқуқига эга Сайловчилар:

- Ўзбекистон Фуқаролари бўлишлари керак
- 18 ёшга тўлган бўлишлари керак
- Маҳаллий ID га (паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий ID, туғилганлик ҳақида гувоҳнома) эга бўлишлари ёки 2 нафар Сайлов Комиссияси аъзолари ушбу шахсни ушбу ҳудудда яшашини тасдиқлаши керак.
- Тегишли жамоада бевосита МТГ сайловлари олдидан камида 1 йил доимий яшаш жойига эга бўлиши керак (Яқинда муҳожирлиқдан қайтганлар истисно бўлади ва уларнинг доимий яшаш муддати талаби 3 ойгача қисқартирилгандир);
- Сайловчининг асосий истиқомат жойи ушбу жамоада бўлиши керак.

МТГ аъзолиги Мезонлари:

- Юқорида келтирилган сайловчига хос барча сифатларни ўзида жамлаган бўлиши;
- МТГ аъзоси сифатида ишлаш учун етарли вақт ва истакка эга бўлиши;
- МТГ аъзоси вазифа ва мажбуриятларини зиммасига олишни имзолашга тайёр бўлиши лозим

- Миллий мажлис ва вилоят кенгашида тайинлаган лавозимга эга бўлмаслиги лозим;
- Жамоа аъзолари ўртасида бажарган ишларида адолатлилик, ишончлилик, очиқлик, хисобдорлик бўйича яхши нуфузга эга даб танилган бўлиши керак;
- Етакчилик сифатларига эга бўлиши
- Ўзи вакил бўлаётган жамоанинг ва бошқа бўлинма МТГ ларининг барча аъзолари билан ишлашга лаёқатли бўлиши керак

Сайлов Қоидалари

- 1) Ҳар бир ҳудуд Сайлов Комиссияси аъзоси сифатида 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл кишига эга бўлади
- 2) 50 тагача уй хўжаликлари яшаётган ҳудудлар учун МЛҚ га бир нафар эркак ва бир нафар аёл аъзо бўлади. 51-100 уй хўжаликлари учун эса, икки нафар эркак ва икки нафар аёл, 101-150 уй хўжаликлари учун эса уч нафардан эркак ва аёл аъзолар бўлади.
- 3) Сайлов Комиссияси аъзолари кўнгиллilar сафида бўлишлари ва МТГ аъзолигига сайланана олмасликлари керак (манфаатлар тўқнашуви сабабидан)
- 4) Ҳар бир уй хўжалиги сайлов вақтидан бирмунча аввал хат кўринишида огоҳлантириб қўйилади.
- 5) Маҳалла Таракқиёт Гуруҳи (МТГ) вазифа ва мажбуриятлари жамоатчилик ичида осиб қўйилади ва сайловолди учрашувларида намойиш этилади ҳамда нусхалари сайланган кишиларга тарқатиб берилади.
- 6) Ҳар бир ҳудуд сайлаш ҳукуқига эга фуқаролар/салоҳиятга эга МТГ аъзолари рўйхатини сайловдан икки кун олдин жамоат жойига осиб қўйиши лозим. Сайлов Комиссияси аъзолари аниқ ва тиник белгилаб қўйилишлари одамлар янглишиб уларга овоз бериб юбормаслиги учун ўта муҳим.
- 7) Ҳеч қандай сайловолди кампанияси рухсат берилмайди
- 8) Ҳар бир сайловчи фақатгина ўзининг сайлов ҳудудида овоз беради
- 9) Сайловчилар фақатгина ўз ҳудудида яшовчи шахсларга овоз бера олади
- 10) Овоз бериш кабинкаси 2 соатга очик бўлади
- 11) Овоз бериш одамлар учун қулай, шу жумладан кунбай ишловчилар ва кам маошли ёки химоясиз хўжаликлар эгалари учун ҳам қулай бир кунга белгиланиши жоиз.
- 12) Ҳар бир ҳудудда битта МТГ нинг аёл аъзолари ва яна битта, МТГ нинг эркак аъзолари учун бюллетен қутилари бўлади.
- 13) Ҳар бир бюллетен қутиси сайлов олдидан бўш эканига ишонч ҳосил қилиниши учун Сайлов Комиссияси аъзоси томонидан текширилиши шарт.
- 14) Бюллетен қутилари олдидаги Сайлов Комиссияси аъзолари ҳудуд сайловчилари рўйхатидан ким овоз бераётганини белгилаш, овоз берганлардан ўзларининг исмлари қаршисида имзоларини олиб қолишида фойдаланади.
- 15) Агар сайловчининг исми рўйхатдан чиқмаса, шахсини тўғри тасдиқлаб, унинг исми ҳам рўйхатга киритиб қўйилади.
- 16) Ҳар бир сайловчи ўз бюллетенини ўзи тўлдиради ва кутига ташлайди
- 17) Ҳар бир сайловчи муҳрланган, сайлов бюллетенлари бланкини қабул қилиб олади

- 18) Сайловчилар бюллетенга ундаги фақат бир кишининг исмини тўлиқ ёзади. (Хар бир бюллетен учун бир исм)
- 19) Барча тўлдирилган бюллетенлар махсус қутига солиниши керак
- 20) Сайлов яроқли деб топилиши учун ҳудуддаги овоз бериш ҳуқуқига эга кишиларнинг камидаги 60 % қисми овоз берган бўлиши шарт.
- 21) Сайлов комиссияси аъзолари ва ҚФ лар овозларни санаб, сайлов ўтказилган кун натижаларни ҳам эълон қиласидар.
- 22) Бюллетенлар билан тўлдирилган сайлов қутилари бирор бир марказий ерга (масалан масжид)олиб борилиши ва саноқ ишлари ўша ерда олиб борилиши керак.
- 23) Агар энг кўп овоз олган номзод лавозимидан бош тортса, лавозим овозлар сони бўйича ундан кейинги одамга ўтади.
- 24) Агар 2 киши бир лавозим учун бир хил овоз тўпласа, ва уларнинг иккиси ҳам бу ўринга даъвогар бўлса, демак иккинчи босқич сайловини зудлик билан ўтказиш жоиз.
- 25) Сайловлардан сўнг, етакчилар ўзларини жамоатчиликка таништиришади.
- 26) Ютиб чиққанлар таништирилгач, агар вақт етарли бўлса, янги сайланган МТГ аъзолари раис, унинг муовини ва котибиятни яширин бюллетенлар ёрдамида тайинлашади.
- 27) Раис ва раис муовини эркак ва аёллардан иборат ва котибият ҳар қандай таркибда бўлиши мумкин.
- 28) МТГ аъзолари уч йиллик муддатга эга бўлади

Сайлов Жараёни:

Сайловлар ҳудудлар бўйлаб ташкил қилиниб, қишлоқдаги ҳар бир ҳудуд аҳолиси фақат 1 эркак ва бир аёлга уларни Маҳалла Тараққиёт Гуруҳи (МТГ) вакили сифатида танлаб олиш учун овоз беради. Бир ҳудуддаги ҳар 50 хўжалик учун қўшимча 1 эркак ва 1 аёл сайланади. Сайловлар ҚФ лар томонидан бир нечта ташрифларни (2 сайловолди ва 1 сайлов куни ташрифи) ва амалга қўйилиши керак бўлган қадамлар йигиндинсини талаб қиласиди. (қўйироқда батафсилроқ кўринг): ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ сайлов жараёни ва АБТга юклашланадиган натижаларни хужжатлаштирган 3.7 шаклни тўлдиришлари керак.

4. Ижтимоий-Иқтисодий Таҳлил

Фаровонлик Таҳлили

Фаровонлик Таҳлили жамоани тушиниш учун жуда муҳим. Унинг камбағаллик даражаси, жамоадан узилиш ва камбағалликни турли кишиларга таъсирлари билан ҳисоблашиш зарур. Фаровонлик Таҳлили инсонларнинг камбағаллик борасидаги қарашларини ўзида акс эттирувчи муаммолар ва кўзда тутилган фаолиятларни улар ёрдамида тадқиқ қилиш мумкин бўлган турли синфлар ва Ҳайриҳохлик гуруҳларини аниқлашнинг муҳим жамоавий методидир. Бу ерда урғу берилаётган Фаровонлик Таҳлили субъективдир, чунки ҳар бир Жамоабуни ўзининг мезонларига таяниб белигилайди. Нима бўлганда ҳам, лойиҳаларга бу ерда урғу берилаётган таҳлиллар хўжаликларнинг қуий

икки ёки уч тоифасидан ўнинг "таъсир" доирасига кирувчиларни аниқлаш имконини беради. (ҚФ лар дикқатига: босқичма-босқич йўл-йўриқлар учун 5-Иловага қаранг)

Мавсумий календарь

Мавсумий календарь турли гуруҳлар ёки бутун жамоага таъсир қилиб турувчи даврий юз берувчи муаммолар таъсирини аниқлаб олиш учун яхши машғулот бўла олади. У шу жумладан, турли гуруҳлар қачон камроқ банд бўлиши ва танланган ҳаракатларни амалга ошириш учун киришишга мос вақтларни аниқлашда ҳам кўмак беради. Бизнинг мақсадимиз йўлида, мавсумий календарьдан энг камбағал уй хўжаликлари меҳнат мавсумининг авжида қайси экин турларини етиштиришини аниқлашда, қолаверса иш ҳам, даромад ҳам бўлмайдиган суст мавсумларни белгилашда ва уй хўжаликларининг иқтисодий тангликни енгиб ўтиш стратегияларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. У яна шуниси билан муҳимки, учрашувлар сонини одамларнинг бандлигига қараб ташкиллаштириш ва улар банд пайтда бироз чеклашлар киритиш ёки улар бўшроқ пайтлари изчиликда ишлаш бўйича режаларни ҳам тузиб олишга ҳисса кўшади.

Ушбу жараён инкиroz пайтида етарлича ер майдонига эга бўлмаган ва бундай шароитда уларнинг кимлардан ёрдам кутишларини аниқлашда ҳам асосий воситадир. Яхши ўзлаштирилганда ушбу машғулот ўзига тўқ ва камбағал кишилар орасидаги муносабатни ҳам илғаб олишга сабаб бўлади. (ҚФ лар: босқичма-босқич йўл-йўриқлар учун 6-Иловага қаранг)

Саломатлик Таҳлили

Саломатлик таҳлили камбағал оиласалар турмушидаги саломатликка таъсири бўлган жиҳатларни тадқиқ қилишнинг ажойиб йўли. Бу каби таъсирлар иқтисодий, ижтимоий, жисмоний ва руҳий фаровонликни ўз ичига олади ва ишда сарф бўлган кунлар, йўл кира билан боғлиқ ҳаражатлар, тибиёт, шифохона/шифокорларга кетган чиқимлар, ҳаражатларни қоплаш учун олинган кредитлар, пул тўланмайдиган ишларни (ишлаб чиқаришдаги топшириқлар) бажаришга олиб келувчи жисмоний ҳолсизлик, ва танани астасекин емирилиши, ўз оиласи рўзгорини тебрата олмаслиқ, жамоадан узилиб қолганлик, ҳимоясизлик ҳисси ва айрим ҳолларда умидсизлик ва аччиқланиш кабиларни ҳам қамраб олиши мумкин. Камбағал уй хўжалиги ичимликка яроқсиз сувлар оқибатида тез-тез даврий/муттасил сув орқали ўтадиган касалликлардан азият чекади (Ўзига тўқ ва ўртаҳол аҳоли эса етарли маблағлари сабаб қўл насослари ўрнатишга кўпроқ мойил бўлишини ҳам назардан қочирманг).

Ўзбекситоннинг пахта атрофидаги ўтмиш тажрибалари (кимёвий моддалар, мажбурий меҳнат, ичимлик суви инфратузилмаларига маблағ ажратмаслик, арзимас бадал пуллари) пахта ишчилари ва теримчиларнинг саломатлигига жиддий таъсир қўрсатган. Шу боисдан ҳам жамоалардаги пахта ишларида кунлик ишчилар сифатида меҳнат қилаётган кишиларни бошқаларга нисбатан батафсилроқ ўрганишимиз мақсадга мувофиқроқдир. Бу жамоанинг ривожланиш режаларига ҳисса қўшувчи таҳлилнинг муҳим қисми бўлади. ҚФ лар дикқатига: (босқичма-босқич йўл-йўриқлар учун 7-Иловага қаранг)

Таълим Таҳлили

Таълим таҳлили ҳар бир уй хўжалигидаги мактабгача (болалар боғчаси) ва мактаб ёшидаги болаларнинг сонини ва улар ўзлари қатнайдиган мактабга боришлари учун қанча масофани босиб ўтишини аниқлашда фойдаланилади. Маълумотлар МТГ томонидан тўпланади ёки маълумотлар тўпланishiни у томонидан назорат қилиб борилади. МТГ кўнгиллилардан маҳсус бланкларни тўлдиришда ёрдам қилишларини сўраши мумкин. (ҚФ лар диққатига: босқичма-босқич йўл-йўриқлар учун 8-Иловага қаранг)

5. Қишлоқ Тараққиёти Режаси

Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) ни тузишдан мақсад жамоаларни умумий узоқ муддатни кўзлаган истиқбол режасини қабул қилишини, шу жумладан унга эришиш йўлидаги стратегия ва фаолиятларини кафолатлашдир. ҚТР **кўпчилик билан ўтказилган** (турли қатламлар иштирокида) жамоатчилик ўрасидаги турли машғулотларга асосланган бўлиши керак(Манбалар Харитаси ва Фаровонлик Таҳлили), қолаверса, кичикроқ, бир-бирига яқин гурухлар машғулотларига ҳам таянади (**Саломатлик Таҳлили ва Таълим Таҳлилини Баҳолаш**). (қуйироқда ҚТР плакатига қаранг)

Барча ҳудудларнинг МФЙ ва МТГ аъзоларини ўз ичига олган каттароқ учрашувларда (200 гача иштирокчи бўлганлари) таҳлиллар умумлаштирилади ва асосий натижалар МТГ аъзолари томонидан келишиб олинади. Ҳар бир таҳлил учун асосий натижалар (мисол учун, ичимлик сувисиз уй хўжаликлари/ҳудудлар сони) ҳар бир машғулот учун плакатда акс эттирилиши лозим.

Режалаштириш гурухларида ҳар бир таҳлилга алоҳида битта катта плакат учун натижаларни умумлаштириш керак.

- Манбалар Харитаси инфратузилмаларни аниқлайди/жамоадаги бўшлиқларни тўлдиради
- Фаровонлик таҳлили камбағал ва ўта камбағал оиласаларни алоҳида белгилаб, жамоадаги камбағаллик хусусиятларини аниқ ва тиниқ қайд этиб ўтади.
- Мавсумий календарь (камбағал қатлам вакиллари гурухлари томонидан ўтказиладиган) ишсизлик ва даромадсизлик вақтларидағи қийинчиликларни енгиб ўтиш механизмлари ва стратегияларини алоҳида қайд этади.
- Саломатлик таҳлили жамоадаги саломатликка оид жиддий муаммоларга ургу бериб ўтади
- Таълим даражасини Баҳолаш мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, уларнинг мактабларидаги аҳвол ҳақида тўхталади

Истиқбол режаларини шакллантириш

Ҳар бир плакат тақдимоти ва муҳокамасидан сўнг ва асосий масалалар бўйича бир тўхтамга келингач, каттароқ гурухда жамоатчилик масалалари ва эҳтиёжлари борасида турли ракурслардан нуқтаи назарлар шаклланади. Каттароқ гуруҳ энди кичикроқ гурухларга

бўлиниб, улардан бирор қарашни ифодаловчи таъкидни шакллантириш сўралади ва ўз навбатида гурухлар тақдимотдаги умумлаштирилган турли таҳлилларни инобатга олган ҳолда ишлашлари лозим. Турли нуқтаи-назарлар кейинроқ бир тушунча ёки қарашни шакллантириш йўлида жамланади.

Истиқбол режаларини Босқичларга Айлантириш

Истиқбол режалари кейинчалик маълум ўлчовларга эга босқичларга бўлиб олинади (Бунда аёлларнинг нуқтаи-назарлари асосида шаклланган босқичлар ҳам бўлмоғи жоиз).

Босқичлари Рейтинглаш Мезонлари:

1. Хизматлардан фойдалана олмаётгандар ва сармоялар киритилгач улардан фойда олаётган инсонлар сони.
2. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган худудлар/майдонларга устуворлик беринг, масалан ичимлик сувидан қисилган ёки хавфсиз электр тармоқларига эга бўлмаган муаммоли нуқталар.
3. камида бир (ёки ундан кўпроқ босқич) аёлларнинг танлови асосида бўлиши керак
4. Инвестиция/Босқич фуқаролар учун салбий ижтимоий ва иқтисодий таъсир кўрсатмаслиги

Босқичларни Ҳаракатларга айлантириш (масъул манфаатдор тарафлар)

(ҚФ лар диққатига: ҚТР бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар учун 9-Иловага қаранг)

6. Кенг қамровли Маҳаллий институтларни Ислоҳ қилиш, камбағалларни қўллаб-куватлаш Жамоавий Ҳаракатини ташкилаштириш ва Аёллар Иштирокини кучайтириш борасида иш олиб бориш

Маҳаллий институтларни Кучайтириш

МТГ лар янги тузилган ташқилотар бўлиб, МФЙ лари билан қишлоқларни ривожлантиришда ҳамжиҳат фаолият юритади. МТГ лар шунингдек, ўзларининг вазифа ва мажбуриятларини амалга ошириш учун салоҳиятни ўстиришни ҳам талаб қиласди ҳамда ўзаро муносабатларни ўрнатиб ушбу муносабатлар изчиллигини мувофиқлаштириб борди. Бундан ташқари, улар ҚТР ни кўриб чиқиш ва жамоатчилик билан келишиб олинган ҚТР истиқбол режалари, босқичлари ва ҳаракатларига нисбатан ўз жавобгарликларини аниқлаб олишлари зарур. ҚТР га эришиш йўлида улар моддий захиралар/ кўмаклар қай тариқа жалб қилинишига оид масалаларни ҳам инобатга олиши зарур, чунки бу жиҳат ҳам ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайдиган жамоаларни ривожлантириш мақсадларига эришиш учун муҳим. Ва нихоят, МТГ лар ҳаракатлар учун вақт графиги ўрнатиб, вақти-вақти билан уларнинг иш суръатларини текшири бориши зарур.

МТГ ташкилотчилигини шакллантириш жараёнинининг муҳим қисмларидан бири МТГ нинг аёл аъзоларининг ўзлари вакил бўлаётган жамоадаги аёллар заруратларини кўтариб

чиқа олишлари масаласини кафолатлашдир. Бу аёллардан журъатлироқ бўлишларига, фикрларини инобатга олиниши ва қарор қабул қилинишида иштирок этишга эришишларини талаб қиласди. Буни назарда тутган ҳолда, МТГ ҳар йили ўзларидаги ўсишни (етуклик) баҳолаш учун Институционал Етуклик Индекси Механизмини ўтказиб туради. ҚИРЛ нинг ИЕИ нафақат МТГ ларни баҳолаши учун ишлаб чиқилган механизм, балки ўрганиш жараёнига айланадиган ўз-ўзини баҳолаш инструментидир. Унинг ёрдамида сайланган аъзолар ўз фаолиятлари ва муносабатларини кўриб чиқиш учун ўз-ўзини англашда қатнашади.¹ МТГ лар сайланганларидан (ташкил топганларидан) 6 ой ўтиб ва дастур ниҳоясига етгунча ҳар йили бир маротаба ўз-ўзини баҳолаш жараёнини ўтказишлари керак МТГ ни ИЕИ жараёнидан олиб ўтиш ҚФ лари зиммасидадир. (ҚФ лари диққатига: босқичма-босқич кўрсатмалар учун 11-Иловага)

Ўзаро Кўмак/Хайриҳоҳлик гурухлари

ҚФ жамоатчилик ичидаги ишлар экан, жамоатчиликнинг ўзини ўзи ташкиллаштириш шакллари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар мавжудлигини гувоҳи бўлади. Бу масалалар жамоадан жамоага ўзгариб бориши мумкин, лекин қуидагиларнинг эҳтимоли кўпроқ

- a) Мактаб дарсларини яхши ўзлаштира олмаган ёки равон ўқиши ва ёзиши учун етарли даражада мактабга қатнай олмаган ўсмир ёки ёшлар
- b) Болалар боғчалари озлиги ва ҚИРЛ ҚТР да буларни ҳал этиши учун етарли воситалар мавжуд эмаслиги. Бу Жамоа бошқа инфратузилма/хизматлардаги бўшлиқларни тўлдиришни танлагани билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин.
- c) Соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилмайдиган уй хўжаликлари/алоҳида шахслар (эмлаш ёки муайян ҳолатлардаги даволанишлар (булар саломатлик таҳлилида келтирилади)
- d) Носоғлом озуқаланувчи ва етарлича сабзавотлар истеъмол қила олмаётган уй хўжаликлари (саломатлик таҳлилидаги аёллар камқонлиги билан боғлиқ одатий муаммоларга қаранг)

ҚФ МТГ нинг эркак ва аёл ёшлари қуий қумиталари билан биргаликда ишлашлари ва жамият ёки МТГ аъзолари билан таҳлил ёки мунозарада юзага келадиган асосий муаммоларни ҳал қилишлари керак (ҚФ лар диққатига: Бу ишни бажариш учун 12-иловага қаранг).

Гендер масалаларини Жамоатчилик доирасида кўтариш

Ўзбекистон аёллар сафарбарлиги ва уларнинг кенг жамоатчилик билан муносабатларига келганда нисбатан очиқ бўлса ҳам, айрим жойларда, ёш хотин-қизлар (ўша жамоадан турмушга чиқсанлар) одатда кимнидир химоясида ва кўпинча оммавий учрашувларга қатнашмайди. Бошқача айтганда, бундай аёллар оммавий жараёнларнинг катта қисмига

¹ ИЕИ Норман Ухофнинг "Аҳолини Жамоавий Ўзини ўзи Баҳолаш Соҳа Методологияси" Жамоавий Даствури ва Гурухларо Ассоцасияси Ижросининг мослаштирилган талқинидир. Қаранг: Ухов.Н. 1989 Инсон ресурслари ва Қишлоқ Хўжалиги Испоҳоти Бўлинмаси, (ОАТ)

(КИРЛ ташвиқоти ва огоҳликни ошириш, ижтимоий таҳлил, ҚТР жараёни в.б.) жалб этилмаган, ваҳоланки каттароқ ёшлилари одатда бундай учрашувларда кўпроқ иштирок этади. Шу сабабдан, аёл ҚФ лар жамоадаги (ҳамма худудлар) ёш хотин-қизлар иштирокида мажлислар ўtkазиши ва уларга ишларни таништириши керак Бу ўз ичига КИРЛ Истиқбол режалари, Мақсадлар, Тамойиллар, вазифа ва мажбуриятлар Ижтимоий Таҳлиллар натижалари ва ҚТР ни ўз ичига олади. Қолаверса, ўзаро кўмақ гурӯхлари ишлари билан ҳам ўртоқлашиш керак. Мажлисларда аёлларнинг изоҳлари, қўшимча фикрлари ёки ҳозиргача амалга оширилган ишлар юзасидан мулоҳазалари учун вақт ажратилиши лозим.

Шунингдек, вақти-вақти билан ёш хотин-қизлар билан уларни ташвишган солған масалалар юзасидан мажлислар ўтказиб турилиши керак. Булар саломатлик, таълим, тоза ичимлик сувини ўз ичига олиши мумкин. Бу тадбирларни ўтказиш бўйича маълумотлар учун 20-Иловага қаранг.

Ушбу ишдан кўзланган мақсад ёш хотин-қизларни жалб этиш ва уларни ўзларининг жамоаларида бўлаётган ҳаракатлардан хабардор бўлишларига сабаб бўлиш, ушбу ишлар юзасидан фикрларини тинглаш, қолаверса ўзларини ташвишлантираётган нарсаларни жамоатчиликка олиб чиқиш имконини беришдир. МТГ лар билан асосий муаммолар бўйича фикр алмасиш мухим (нозик, репродуктив саломатлик масалаларида ҚФ лари маҳаллий клиникадаги аёллар шифокорига боғланиб гурӯх билан учрашишини сўраши лозим). (ҚФ лар диққатига: босқичма-босқич йўл-йўриқлар учун 13-Иловага қаранг)

7. Мониторинг, Баҳолаш ва Ижтимоий Аудит

Жамоатчилик Мониторинги Гурӯхи ва Уларнинг Фаолияти

Жамоатчилик Мониторинги (ЖМ) жамоатчилик даражасидаги амалиётлардир ва МТГ ёки МФЙдан мустақил ҳисобланади. Улар орқали бенефициарлар лойиҳа сифати мониторингига жалб қилинади ва сайланган кенгашларни давлат маблағларини ажратиш учун ҳисобдор бўлишга ва Қишлоқ Тараққиёт Режаларини шаффоф ва ҳисобдор, ЭИС га мувофиқ равища бошқарилишига хизмат қиласди. .

Жамоатчилик Мониторингидан кўзланган мақсад

- Лойиҳаларнинг сифатини яхшилаш ва коррупция хатарини камайтириш.
- Ижтимоий ва Экологик Хавфсизлик чораларини тадбиқ қилинишини кафолатлаш
- МФЙ/МТГ, жамоалар ва бошқа жалб қилинган томонлар ўртасида шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш
- Тузатиш чораларини кўриш учун алоқа механизмини яратиш.
- Маҳаллий жамоанинг салоҳиятини ва лойиҳаларни мониторинг қилиш кўнижмаларини яхшилаш.
- Жамоага ўз овозларини, фикрларини, умидлари ва интилишлари ҳақида гапиришга ундаш.

ЖМ Гурұхи

- ЖМ жамоаси доимий орган бўлади. Айни аъзолар тренинг амалиётлари туфайли МТГ нинг бутун фаолият цикли давомида хизмат қиласидар
- Жамоа барча ҳудудлардан вакилларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилган ва ўз ичига керак 10-12 кишини олган ҳолда шакллантирилиши керак.
- Эркаклар ва аёллар сони тенг бўлиши лозим. Улар алоҳида ёки биргалиликда кузатув олиб боришлари мумкин, лекин натижаларни ўзаро ўртоқлашишлари керак.
- Жамоа ҳеч қандай МФЙ ёки МТГ аъзоларини ўз ичига олмайди, чунки мақсад мустақил мониторинг механизми сифатида хизмат қилиш саналади.

ЖМ Гурұхи фаолияти

ЖМ Гурұхи МТГ лар ишини ҳар 6 ойда ЖМ 5та шаклидан фойдаланиб мониторинг қилиб боради; Қишлоқни Лойихалаштириш, жамоат жойида эълон қилинаётган хизматлар инфратузилма/менюси, МТГ аъзолари учрашуви ва муҳим нуқталари;; Эксплуатация ва техник хизмат; иш кучини ёллаш инфратузилмани қуришдаги сифат ва маҳорат.

ЖМ маълумотларни тўплайди, қайта ишлайди ва қисқа ҳисобот орқали ҳисоб беради ва жамоавий учрашувларда ўз натижалари билан ўртоқлашади. (ҚФ лар диққатига: босқичмабосқич йўл-йўриқлар учун 10-Иловага қаранг)

Ижтимоий аудит

Жамоатчилик Мониторинги/Шикоятлар билан ишлаш Кўмитаси Ижтимоий Аудитга ҳар 6 ойда ташкиллаштириб туради. Жамоа учун (барча ҳудудлар бўйлаб) Ижтимоий Аудитдан мақсад русурслар тақсимланиши ва МТГ нинг умумий қўлган киритган ютуқлари(ҚТР билан мавофиқликда) ҳақида эшлиши имконига эга бўлишdir. 6 ойлик ижтимоий аудитлар МТГ ларнинг ўзларини сайлаган инсонлар олдида шаффоф ва ҳисобдор эканига ишонч ҳосил қилдиради.

Кўйидаги ўринларда Ижтимоий Аудит жараёнига изоҳ бериб ўтилади ва ҚФ лари ЖМ/Шикоятлар билан ишлаш жамоасига ёрдам бериши лозим, қолаверса Ижтимоий Аудит ўтказилган вақтда улар ҳам ҳозир бўлишлари керак. ҚФ лар МТГ га жамоатчилик учун ўз тақдимотларини тайёрлашда ҳам ёрдам бериши керак. Бу тўлиқ 1 ташрифни талаб қиласиди (ЖМ тайёргарликлари (ЖМ натижалари туширилган плакатлар бўйича тақдимотлар) ва МТГ тайёргарликлари (куйидаги плакатларга қаранг) 2 та Ижтимоий Аудитлари муваффақиятли ўтказилгача ҚФ лари вазифани бутунлай ЖМ га топшириши мумкин. Аммо, ҚФ лари Ижтимоий Аудитлар ўзларининг фаолиятлари давомида 3 йил мунтазам Ижтимоий Аудитлар ўтказилганига ишонч ҳосил қилилари керак.

Ижтимоий Аудит Жараёни

Ижтимоий Аудит жараёни ижтимоий аудит сананасини жамоатчиликка билдириш, МТГ тақдимотларини катта оммавий йигинларда намойиш қилиш, ЖМ жамоасининг ўзларининг мониторинг натижаларини тақдимоти, МТГ га жамоатчилик реакцияси ва саволларни ўз ичига олади; асосий муаммоларни ҳал қилиш ва навбатдаги Ижтимоий Аудит ишлари ривожига оид МТГ нинг Ҳаракат режаси (ҚФ лар диққатига: босқичма-босқич йўл-йўриклар учун 14-Иловага қаранг

КХ Бош Тренерлари (ҮРХ ЛАОГ жамоаси): 2-3 Ташрифлар

1-Ташриф:

Ташриф Мақсади: ТЛҚ ни ташкил этиши, ТЛҚ га Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириши Лойиҳаси бўйича ахборот берииш/ижтимоийлаштириши Бу асосий Истиқбол режсалари, Мақсад, Тамойиллар, шу жумладан Инфратузилма Менюси, Манфаатдор Тарафларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини ўз ичига олади ва Жамоадаги барча аҳолининг Иштирок этишини ва Қамраб олиниши нима учун муҳимлигини, Дастур Амалиётлари Қўлланмаси ва Жамоани сафарбар қилиши бўйича қўлланмани кўриб чиқши ва у билан ўртоқлашишини, шунингдек ҚИРЛ учун қишлоқларни танлаш ишларида ТЛҚ га ёрдам берини муҳокама қиласди.

Мажлисга Тайёргарлик

Ҳокимлик билан боғланиб туман "Обод Қишлоқ" давлат дастури ишчи штаби аъзолари билан учрашиш учун сана ва вақтни белгиланг. Учрашув таҳминан ярим кунга чўзилади. Ҳоким идорасига боғланиб, ТЛҚ ни жорий қилишингизни хабар қилинг, ҚИРЛ га тегишли бўлган ва ҚИРЛ учун унинг туманида қишлоқлар танлаш мақсадида, янги тузилган ТЛҚ билан ишлаш борасидаги маълумотларни ҳам етказинг.

Бу иш учун ёрдамчи жамоа камида 2 кишидан иборат бўлиши керак (Бош Тренер ва бир ҚФ). Бош Тренер тадбирнинг асосий фасилитатори бўлади.

Бу тадбир учун керакли маълумотлар ҚИРЛ тўғрисидаги аввалдан тайёргранган плакатлардир. (қуйироқдаги плакатлар контентига қаранг)

- ҚИРЛ нинг Истиқбол режалари, Мақсад ва Тамойиллари
- Инфратузилма ва Хизматлар Менюси
- Қуйидагиларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари
 - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Иқтисодий Тараққиёт ва Камбағалликни Қисқартириш Вазирлиги, Вилоят Ҳокимияти, Туман Ҳокимияти), Ягона мижоз хизмати инжиниринг компанияси
 - Маҳалла Фуқаролар Йиғини
 - Маҳалла Тараққиёт Гурухи (Жамотчилик тарафидан сайланиши керак)
 - Фуқаролар
 - Кўмақдош Ҳамкорлар (Жамоатчилик Фасилитатори ва Муҳандислар)
- ЛАОҚ тасвири
- Жамоани сафарбар қилиш бўйича қўлланмана режаси
- Қишлоқ Танлашга оид Меъёрий Талаблар бланки

1 - Ҳаракат:

1 Қадам: Учрашув мақсади

Ўзингизни ва ёрдамчи фасилитаторни таништиринг ва мажлис мақсади билан ўртоқлашиш: *ТЛҚ ни ташкил этиши учун, Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириши Лойиҳаси бўйича ТЛҚ га ахборот беринг/ижтимоийлаштиринг.* Бу асосий Истиқбол режсалари, Мақсад, Тамойиллар, шу жумладан Инфратузилма Менюси, Манфаатдор Тарафларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини ўз ичига олади ва Жамоадаги барча аҳолининг Иштирок этиши ва Қамраб олинини нима учун муҳимлигини, Дастур Амалиётлари Қўлланмаси ва Жамоани сафарбар қилиши бўйича қўлланмани кўриб чиқши ва у билан ўртоқлашишини, шунингдек ҚИРЛ учун қишлоқларни танлаши мезонларини ТЛҚ билан ўртоқлашишини муҳокама қиласди.

2 Қадам: ТЛҚ ларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

Хозир бўлган аъзолар билан қўйидаги Вазифа ва Мажбуриятларни ўртоқлашинг:

- Тарғибот ўтказинг ва ҚИРЛнинг Мақсади ва Қоидалари, шу жумладан Қишлоқлар Танлаш Мезони, Мувофиқ Инвестициялар, талаб қилинган қатнашув жараёнларини, ҳамда МФЙ ларга вақт жадвалини тадбиқ қилинишини етказинг.
- ҚИРЛда қатнашувчи қишлоқларни ЛАОҚ да батафсил кўрсатилган танлаш мезонлари ва жараёнлари бўйича тангланг.
- Эксплуатация ва техник хизмат механизмлари ва субвойихаларнинг икки ёқлама сармоялардан фойдаланмаслигини тасдиқлаш учун МТГ лар билан ҚИРЛ нинг молиялаштиши учин Қишлоқ Тараққиёти Режалари(ҚТР лар) доирасида таклиф қилинган субвойихаларни кўриб чиқиши.
- ЯМХИК субвойиха лойиҳасини олиб бориши учун танланган субвойихалар рўйхатини вилоят ҳокимликларига юборинг
- Вилоят Ҳокимиятлари билан ҳамжиҳатлиқда лойиҳа доирасида молиялаштирилган инфратузилмани мувофиқ департаментларга режали ЭТХ учун топширишда кўмаклашинг.

Саволлар учун 10 дақиқа ажратинг, уларни ёзиб олинг ҳамда дастур жиҳатлари билан таништирш жараённида уларга жавоб бериб кетишингизни айтинг.

3 Қадам: Ҳокимдан гурухни ҚИРЛ бўйича Туман Лойиха Кумитаси сифатида расман таништиришни сўраш

4 Қадам: ҚИРЛ Истиқбол режаси, Мақсадлари ва Тамойиллари Плакатини намойиш этинг (пастдаги 2-Иловага қаранг). Одамларга савол ва жавоб олиб боришлари учун қўлингизда келганича шароит яратишга аҳамият беринг. ТЛҚ дан кимнидир ўзининг сўзлари билан Истиқбол режасива мақсадларни тақрорлашини сўранг. Шу йўл орқали иштирокчилар сиз таништираётган ахборотларга киришиб олади. Савол ва жавоблар учун 15 дақиқи беринг (кейинроқ кўриб чиқиладиган масалаларга оид саволларни кейинга қолдиринг).

5 Қадам: Инфратузилма ва Хизмат Менюси билан ўртоқлашинг, бу фақатгина мисоллар, тўлиқ рўйхат эмаслигини ҳам айтиб ўтинг; ТЛҚ аъзолари нималарга рухсат берилмаганини аниқ англаб олиши учун маън қилинган рўйхатни ҳам эслатиб кетинг (Маън қилинган рўйхат учун 2-Иловага қаранг). Саволлар ва жавоблар учун 15 дақиқа ажратинг.

6 Қадам: Куйидагиларнинг Вазифа ва Мажбуриятларилар билан ўртоқлашинг:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Иқтисодий Тараққиёт ва Камбағалликни Қисқартириш Вазирлиги, Вилоят Ҳокимияти, Туман Ҳокимияти), Ягона мижоз хизмати инжинииринг компанияси
- Маҳалла Фуқаролар Йигини
- Маҳалла Тараққиёт Гурӯҳи (Жамотчилик тарафидан сайланиши керак)
- Фуқаролар
- Кўмакдош Ҳамкорлар (Жамоатчилик Фасилитатори ва Муҳандислар)

7 Қадам: ЛАОҚ режалари билан ўртоқлашинг: ЛАОҚ нинг қандай тузилганлигига диққат билан аҳамият беринг. Бу шунинг учун муҳимки, иштирокчилар ЛАОҚ да дастур қоидалари келтирилгани ва керакли маълумотлорни қаердан топиш ҳақида тасаввурга эга бўлсин. Сиз вақт чекланганлиги боис ҳужжатни тўлиқ кўриб чиқа олмайсиз, лекин гурухга изланаётган маълумотни топиш учун нима қилиш кераклиги борасида кўмак беришингиз мумкин. АМИС, Харидлар ва Молиявий Бошқарув юзасидан Иловаларга мурожаат қилинишига эътиборли бўлинг Саволлар ва жавоблар учун 15 дақиқа ажратинг.

8 Қадам: Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланма билан ўртоқлашинг: Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланманинг қандай тузилганлигига диққат билан аҳамият беринг. Бу шунинг учун муҳимки, иштирокчиларда Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланманинг Жамоа даражасидаги турли ижтимоий жараёнларни амалга ошириш бўйича йўриқнома экани тўғрисида тасаввур ҳосил бўлсин. Саволлар ва жавоблар учун 15 дақиқа ажратинг.

9 Қадам : ТЛҚ аъзоларида ҚИРЛ бўйича умумий тушунча ҳосил бўлгач, Қишлоқ Танлаш мезонларини таништиринг

- 1."Обод Қишлоқ" ёки "Обод Марказ" давлат дастури амалга оширилаётган қишлоқлар ҚИРЛ доирасида молиялаштирилмайди;
- 2.Туман марказигача бўлган масофа; масофа минтақа рельефи ва (тоғлар худудлар в.б.) ва/ёки воситалар (йўллар), иқлимий шароитларга (табиат инжиқликлари в.б.) анчагина боғлиқ бўлиши мумкин.
- 3.Узлуксиз ва яроқли артезиан ичимлик сувларисиз хўжаликлар сони (тумандаги давлат дастури мавжуд бўлмаган ва олис бошқа қишлоқларга нисбатан) бўйича нисбатан юқори фоизга эга қишлоқларни

Қишлоқ Танланиши Мезонларига оид Бланклар билан ўртоқлашинг ва ТЛҚ лар билан ўзларининг туманларида қишлоқ танланишида бирга ишлаш учун навбатдаги сана ва вақтни белгиланг. Шу орада сиз берган мезонларга кўра қишлоқ танлаш учун мустақил равишда учрашув ўтказишни сўранг.

2- Ташриф: ҚИРЛ да қатнашувчи қишлоқларни танлаб олиш учун

Бу учрашув учун ТЛҚ ва Ҳокимни таклиф қилинг

ТЛҚ билан учрашинг ва сизга тушунтириш беришларини сўранг

1. Туман жамоатларининг неча фойзи "Обод Қишлоқ" ёки "Обод Марказ" дастурлариға кўшилмаган. Агар бу кўрсаткич 25 фойиздан кам бўлса унда "Обод Қишлоқ" ва "Обод Марказ"ни қабул қилмаган барча қишлоқлар қамраб олиниши мумкин.
2. Агар "Обод Қишлоқ" ёки "Обод Марказ"ни қабул қилмаганлик кўрсаткичи 25 фойиздан кўп бўлса, унда туман харитасидан фойдаланиб ТЛҚ ни масофага кўра танланишини кўриб чиқинг. Мезонлар рўйхатини кўриб чиқинг. "Обод Қишлоқ" ёки "Обод Марказ" ни олисда жойлашган бўлишига қарамасдан қабул қилмаган айrim қишлоқлар билан вазият аниқ бўлса, унда масофа бўйича балларни тўлдиринг ва бу ҳолда энг кўп баллга эга бўлган қишлоқ танланади; бироқ, олис қишлоқлар 25 % дан кўп бўлса, унда кейинги саралаш учун "ичимлик суви" кўлланилади
3. Агар бу саралаш қишлоқ танлаш жараёнида қўлланиши керак бўлса, сиз сув таъминотини аниқлаш ва бу қишлоқларни дастурга мос ёки йўқлигини кўриб чиқиш учун ташриф буюрилиши керак бўлган қишлоқлар сонини кўчириб оласиз.

Изоҳ: Айrim туманларда қишлоқ танлаб олиш бўйича бир хуносага ушбу босқичда келишингиз мумкин; шунга қарамай, баъзи туманларда фуқароларнинг сув таъминоти билан танишиш учун муайян жаоатларда бўлишингизга тўғри келиши мумкин. Бу ҳолда сиз ушбу ишларни қачон яқунлашингиз борасида ТЛҚ билан келишиб оласиз ва натижалар билан ўртоқлашиш учун бошқа бир учрашув чақирасиз.

3- Ташриф: ҚИРЛ учун қишлоқ танлаш жараёнини ниҳоясига етказиш

Қишлоқ танлиниши рўйхатини якунига етказиш учун худудларга ташрифлар натижасида тўпланган натижалар борасида ТЛҚ билан учрашинг ва фикр алмашинг. Тақдимот ўюштиринг ва натижаларингизни билдиринг (ичимли сувини баҳолаш тизими ёрдамида) ва сувга бўлган эҳтиёж асосида лойиҳа учун мос келиши мумкин бўлган қишлоқларни таклиф қилинг.

Ҳоким учрашувда ҳозир бўлишига ва ТЛҚ ҚИРЛ қамраб олаётган қишлоқлар рўйхатини имзолашига ишонч ҳосил қилинг Ушбу учрашув баённомаси, шу жумладан иштирокчи қишлоқлар рўйхати ҳам ТЛҚ томонидан чиқарилади. Ушбу рўйхат ЛАОГ бошқарув етакчилига танлаш амалиётлари ЛАОҚ доирасида амалга ошиилганини тасдиқлаши учун кўриб чиқишига юборилиши керак.

Изоҳ: Қишлоқ танлаш жараёни шундай амалга оширилиши керакки, танловни кўздан кечиришни истаган субъект (қишлоқ аҳолиси, МФЙ, ТЛҚ ва ҳ.к.з.) ТЛҚ келган айни хуносага келсин.

4-Ташриф: Тумандаги МФЙ лар билан Қишлоқ Танлаш түғрисида фикр алмашинг.

ТЛҚ дан Тумандаги барча қишлоқларнинг барча МФЙ Раислари иштирокида мажлис ташкил қилишни сўранг. (Раислар иштирок эта олмаса, МФЙ Мувинлари ёки Котибларини ўзлари тегишли бўлган ҳудудларда чиқишига ишонч ҳосил қилинг). Танланмаган қишлоқлар МФЙ аъзолари ҳам ушбу учрашувда бўлишлари керак.

Учрашув ташкил топгач, (Бош Тренер қўлидаги барча қишлоқлар номма-ном туширилган рўйхати билан қайси қишлоқлар ҳозир бўлгани ва қайсилари келмаганини айтиши лозим. Бу ахборотлар БАТ га киритилади. Кела олмаганлар билан кейинроқ боғланиб, улар билан ҳам қишлоқ танланишига оид масалалр баҳам кўрилиши керак керак) ТЛҚ ва Бош Тренер танланган қишлоқларни таништириши ва уларнинг ҚИРЛ доирасида биринчи ва келгуси йилларда молиялаштирилишини тушунтириши лозим. Танлаш жараёнлари, шу жумладан мезонлар билан ҳам ўртоқлашиш керак (3.2 Шакл). Агар у ёки бу қишлоқ ўзгартирилган бўлса, унда арзирли сабаб кўрсатиши керак ва бу ТЛҚ протоколида ҳам қайд қилиб қўйилиши лозим

Илова №2: Жамоатчилик Тарғиботи ва Дастлабки Сафарбарлик Тадбири

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси билан Танишув

Қишлоқ фасилитаторлари (ва Муҳандислар): 1- Ташриф, 1- Мажлис

Ташрифдан кўзланган мақсад Жамоатчиликка Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириши Лойиҳаси тўғрисида ахборот берши. Булар ўз ичига Истиқбол режаси, Мақсад, Тамойиллар, шунингдек Инфратузилма Менюси, Манфаатдор Тарафларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини олади ва нима учун Жамоанинг барча фуқароларини қамраб олии ува уларнинг иштироки муҳим эканлигини муҳокама қилинг.

Мажлисга Тайёргарлик

МФЙ Раиси билан боғланинг ва кенг жамоатчилик учрашуви учун сана ва вақтни тайнин қилинг. Унга ҳар бир худуддан 50 % аъзолар қатнашиши зарурлигини айтинг ва бу учрашув Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси тўғрисида бўлишини ҳамда ахолининг барча саволларига жавоб берилишини айтинг. Уларга ушбу учрашув таҳминан 3 соат давом этиши ҳақида эслатинг. Раисдан очиқ ҳавода кўпчилик ўтириши мумкин бўлган мувофиқ жой ажратишини сўранг.

Бу машғулот учун фасилитаторлар жамоаси камидан 2 кишидан иборат бўлади. Фасилитаторлар жамоаси Бош Фасилитатор (ташкилотни ва ўз ишларини, қилинган режаларни таништирувчи ва мажлисни олиб борувчи) ва карточкалар ёзувчи, қайд қилиб борувчи, гурухларга кўмакка тайёр турадиган, бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласиган аҳоли ва болаларга қараб турувчилар в.б. ни назорат қилиб борадиган ёрдамчи фасилитатор ким бўлиши кераклигини аниqlаб олади.

Бу тадбир учун керакли маълумотлар ҚИРЛ тўғрисидаги аввалдан тайёланган плакатлардир. (қуйироқдаги плакатлар контентига қаранг)

- ҚИРЛ нинг Истиқбол режаси, Мақсад ва Тамойиллари
- Инфратузилма ва Хизматлар Менюси
- Қуйидагиларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари
 - Ўзбекистон Республикаси Хукумати (Иктисолий Тараққиёт ва Камбағалликни Қисқартириш Вазирлиги, Вилоят Ҳокимияти, Туман Ҳокимияти), Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси
 - Маҳалла Фуқаролар Йигини
 - Маҳалла Тараққиёт Гурухи (Жамотчилик тарафидан сайланиши керак)
 - Фуқаролар
 - Кўмакдош Ҳамкорлар (Жамоатчилик Фасилитатори ва Муҳандислар)

1- Ҳаракат: ҚИРЛ нинг Истиқбол режаси, мақсади ва тамойилларини тақдим этиш

1- Қадам: Ўзингиз ва жамоангизни таниширинг, тадбирдан кўзда тутилган мақсад билан ўртоқлашинг: *Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириши Лойиҳаси тўғрисида жамоага ахборот бериш. Булар Истиқбол режаси, Мақсад, Тамойиллар, шунингдек Инфратузилма Менюси, Манфаатдор Тарафларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини ва нима учун Жамоанинг барча фуқароларини қамраб олиш ва уларнинг иштироки муҳим эканлиги муҳокамасини ўз ичига олади.*

2- Қадам: Жамоатчиликни ўзлари мансуб бўлган худуд бўйича ўтиришларини сўранг. Иштирокчиларга бироз фурсат беринг ва ҳар бир худуднинг биттадан вакилидан қатнашаётган уй хўжаликлари сонини беришини сўранг.

Изоҳ 1: Ҳар бир худуддан қанча уй хўжалиги қатнашаётганини 3.3 (с) шаклга туширинг ва МФЙ Раиси ёки Котибидан ушбу бланкни имзолашини сўранг. Шунингдек, мажлисни суратга олинг ва уларни ЛАОГ Жамоа сафарбарлиги бўйича ва Комуникациялар бўйича мутахассисларига юборинг.

Изоҳ 2: Ҳар бир худуддан етарлича уй хўжаликлиари қатнашаётганига ишонч ҳосил қилинг; ушбу учрашувга ҳар бир худуддан 50 % уй хўжаликлиари иштирок этса мақсадга жуда ҳам мувофиқ бўлади. Агар кўрсаткич 25 % дан кам бўлса, ёлланма меҳнатдаги кишиларни ҳам инобатга олган ҳолда одамлардан ўзлари учун қулайроқ бошқа бир вақтни тайнин қилишларини сўрашингиз керак.

3- Қадам: Барча иштирокчилар қулай ўрнашиб олгач, ҚИРЛнинг Истиқбол режасии, Мақсадлари ва Тамойиллари Плакатларини жамоатга намойиш қилинг. Одамларга савол ва жавоб олиб боришлари учун қўлингизда келганича шароит яратишга аҳамият беринг. Жамоат аъзоларидан биридан Истиқбол режаси ва мақсадларни ўзи тушунганидай тақрорлаб ўтишини сўранг; ва одамлардан сиз урғу бериб кетган тамойиллар нима учун муҳим эканини сўранг. Шу йўл орқали иштирокчилар сиз танишириётган ахборотларга киришиб олади.

Изоҳ 3: агар одамлар берган саволлар ичида сиз улар жавобини билмаганларингиз бўлса, келаси ташрифда бу ҳақида маълумот беришингизни етказинг.

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №1:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси: Қараш, Мақсад ва тамойиллар

Қараш: ҚИРЛ қишлоқларни ривожлантиришга хисса қўшади, Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни ислоҳ қиласди, ривожлантириш жараёнларида фуқаролар иштирокини кучайтириш ва асосий хизматлардан фойдаланиш сифатини ошириш орқали камбағалликни камайтиришга интилади.

Мақсад: ҚИРЛ танланган қишлоқ жамоатларида инфратузилма ва хизматлар таъминотига ўйналтирилади ҳамда ривожланишни режалаштириш ва хизматлар етказиб берилишига жамоатчиликни жалб этади.

Маблағларни тақсимлаш: ҚИРЛ ҳар бир иштирокчи жамоада киши бошига ўртacha 124 АҚШ доллари ажратади (танланган қишлоқлардаги аҳоли сони аниқлангандан кейин маблағ миқдор ўзгариши мумкин).

Тамойиллар:

1. Фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ривожланиш йўлида ҳамкорлар сифатида ўзаро ҳамжихатликда иш кўрадилар
2. МФЙ лар ва МТГ лар ўзларига қарашли бўлган жамиятларда ривожлантириш жараёнларини олиб борадилар ва назорат қиласдилар ҳамда барча ташки ресурсларни улар вакили бўлган субъектлар, ҳукумат ва донорларга тақсимланиши ва улардан фойдаланиш юзасидан ҳисобот бериб борадилар.
3. Ресурсларнинг адолатли ва ҳаққоний тақсимланиши ҳамда хизматларни етказиб бериш кафолатланиши, қолаверса элитани эгаллаб олинишининг (оз сонли кишилар учун ресурслар ажратилиниши ва тақсимланиши) олди олиниши зарур.
4. Ижтимоий масъулият ва киришимллик тақдирланади ва муттаҳамлик ҳамда маблағлардан нотўғри фойдаланиш олди олиниши зарур, қолаверса, бу нарса Ҳукумат ажратган воситаларнинг бой берилишига олиб келади.
5. Жамиятлarda ривожланиш жараёнлари жамоавий, комплекс, ўқув-машгулотлари ва ҳаракатга ундовчи кўринишда ҳамда шаффоф, мақсадли бўлади
6. МТГ сайловлари ошкора ва ҳаққоний бўлиши шарт
7. Қишлоқ Тараққиёти Режаси аёлларнинг муаммоларини ҳам инобатта олиши керак, шу жумладан камбағал, уйда эътиборсиз қолиб кетаёган ва химоясиз аҳоли катламларини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

4 Кадам: Инфратузилма ва Хизматлар Плакатини намойиш этинг, шу жумладан Маън қилувчи Плакатни ҳам Саволлар сўрашларига имкон беринг ва уларга жавоб қилинг

Изоҳ 4: Ушбу плакатлар жамоатларда қолдирилади ва Хабарлар Доскасига илиб қўйилиши керак (МФЙ идораси ташқарисида осиб қўйилиши ҳам мумкин).

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №2:

**Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси:
Инфратузилма ва Хизматлар Менюси**

Асосий иқлимга мослашувчан инфратузилмалар ва хизматлар субвойиҳаларидаги мувофиқ молиялаштиришлар улар билан чегараланиб қолмаган ҳолда қуидагиларни ўз ичига олади:

- (i) қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва санитария хизматларини тақдим этишининг инновацион, муқобил моделлари орқали фойдаланишни кенгайтириш учун мавжуд қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш;
- (ii) жамоат биноларини энергия самарадорлиги йўлида қайта жиҳозлаш;
- (iii) Ижтимоий инфратузилмани қайта таъмирлаш/янгилаш
- (iv) учламчи йўллар, йўлкалар ва тротуарларларни таъмирлаш
- (v) қишлоқ йўлларини дренаж ва тошқинларга мослашувчанлик тизимини мутахкамлаш;
- (vi) кўприклар қуриш ва қайта таъмирлаш (10 метргача бўлган узуунликдаги) ;
- (vii) кўчаларни ёритиш тизими такомиллаштириш;
- (viii) жамоат жойларига қулайликлар киритиш;
- (ix) қаттиқ чиқиндиларни бошқариш тизими;
- (x) ҳалқ хизматидаги айрим қулайликларни ислоҳ қилиш;
- (xi) симсиз интернет хизматлари таъминоти учун антенналар ўрнатиш;
- (xii) автобус терминаллари ва бекатларини қуриш ёки янгилаш; ва
- (xiii) энергия таъминоти ишлари.

Ташвиқот мажлиси, Плакат №3:

**Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси:
Маън қилувчи Рўйхат**

- Доимий кўчиб кетиш ёки четлашишни талаб қилиш;
- даромад/тирикчилик захираларига салбий таъсир кўрсатса;
- Одамларни зўравонлик билан кўчириш ишларини ҳар қандай кўринишини ўз ичига олган ҳоллар;
- Уй хўжалик(лар)и ва шахс(лар)га ножёя таъсир воситалари;
- Талаб қилинган техник ва сифат кўрсаткичларига жавоб бермаслик;
- Экологик ва ижтимоий ўнглаб бўлмайдиган ножёя таъсирларга эгалиқ, бир қанча ножёя таъсирларни келтириб чиқарувчи ва оқибатларини енгиллаштириш иложсиз ишлар;
- Камбағал/уїда эътиборсиз қолиб кетаётган аҳолини ёки бошқа ҳимоясиз гурухларни четга суриб кўйиш;
- Аёллар ва эркакларнинг бир хил иши учун бир хил тўлов ажратмаслик;
- Ҳукумат ёки бошқа ривожлантириш бўйича ҳамкорлар томонидан молиялаштирилмоқда ёки молиялаштирилиши режалаштирилмоқда;
- Жаҳон банки молиявий маблағлари ҳисобидан ер ёки мулк йўқотилиши учун компенсация тўловларини ўз ичига олиниши;
- Ҳар қандай янги тўғонни қуриш ёки мавжудларини таъмирлаш, шу жумладан уларга ташкилий ва бошқарувга оид ўзгартиришлар киритиш;
- Хусусий товарларни, ҳукумат идоралари ёки диний биноларни молиялаштириш;
- Мажбурий/болалар меҳнатини жалб қилувчи, болаларни камситилинишига сабаб бўлувчи ёки олиб келувчи харакатлар, болалар меҳнатидан фойдаланиш ва одам савдоси; 18 га кирмаган болалар сублойиҳанинг қурилиш, таъмир ёки таъминот ишларида қатнаша олмайди.
- Дори воситалари, ҳарбий анжомлар ёки хавф эҳтимоли мавжуд материаллар ёки аслаҳаларни, шу жумладан ёқилғида ишловчи appa, пестицидлар; инсектицидлар; гербицидлар; асбест (таркибида асбест бўлган материаллар ҳам) ҳарид килиш ёки улардан фойдаланишга сабаб бўлиш ёки ҳаёт учун хавф түғдирувчи бошқа, маданий манбаларни молиялаштириш.
- Мухофаза қилинадиган худудлар ёки маълум даражадаги миллий мухофаза қилиш учун тавсия этилган худудларда (масалан, ҳимояланган ўрмонлар), ташки дунёдан узилган яшаш жойларида янги аҳоли пунктларини барпо этиш ёки мавжуд аҳоли пунктларини кенгайтириш.

2- Ҳаракат: ҚИРЛ нинг Қамров ва камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган эътибори

1 Кадам: Иштирокчилардан доира бўлиб ўтиришларини сўранг, маркерлар ва плакат қофози беринг, улардан ночор, ногирон, кекса, ёш кишилар ва иқтисодий муҳожирлар хизмат кўрсатишдаги бўшлиқларни ўзига тўқ кишилардан фарқли ўлароқ, қандай қабул қилишини муҳокама қилишларини сўранг. 15 дақиқа гурухларни мустақил ишлашларига қўйиб беринг (шунда ҳам тушунтириш ва саволларга жавоб беришга тайёр бўлинг). Улардан асосий фикрларини плакат қофозига ёзишларини сўранг.

2-Кадам: Вақт якунлангач, ҳар бир худуддан бир кишини олдингизга чорлаб, муҳокаманинг асосий нуқталари ҳақида сўранг. Биринчи гурух нуқтаи назарлари билан

ўртоқлашгач, кейинги гурух фақатгина ҳали таъкид қилинмаган жиҳатларнигина айтиб ўтиши жоиз.

3-Ҳаракат : Асосий Манфаатдор Томонларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси амалда Давлат ва Жамоалар, Муҳандислик ва Курилиш Компаниялари ва Кўмақдош Ҳамкорлар, хар бир вазирлик/департамент/ижрочи учун вазифа ва мажбуриятлари юклайди ва агар улар муваффақиятли амалга оширилса, қилинган иш ҚИРЛ ни жамоаларгаadolатли, шаффоф, сифатли ва муддатли равишда етиб боришини таъминлайди. Қуйидаги Плакатларни намойиш этинг

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №4:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси: Хукуматнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

Хукуматнинг Вазифа ва Мажбуриятлари (Иқтисодий тараккӣёт ва Камбағалликни қисқартириш Вазирлиги)

- Молиявий манбалар билан таъминлаш ва улардан фойдаланишни тафтиш қилиш
- МФЙ лар ва МТГ ларга техник кўллаб-қувватлаш кўрсатиши
- Энг камбагал уй хўжаликларининг (ўз уйларининг боши бўлган аёллар, ногиронлар ёки кексалар бошчилигидаги оиласлар ва бошқа химоясиз гурухлар) учрашувлар ва жараёнларда иштирок этишини, уларга маслаҳатлар бериб борилишини таъминлаш ва бунга ишонч ҳосил қилиш
- Сифатли ишларни амалга ошириш учун ҳисобдор бўлган Кўмақдош Ҳамкорларни молиялаштириш, назорат қилиш ва бирлаштириб туриш (Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кўпланилмайди)
- Уларнинг вилоятлар ва туманлардаги ходимларини назорат қилиш, йўналтириш ва монитор қилиб бориш
- ҚИРЛ дастури ижросини яхшилаш учун керакли сиёсий қадамларни қўйиш
- МФЙ лар ва МТГ ларнинг алоҳида заруратларига синчков туриш
- энг яхши тажрибаларни белгилаш ва Хукумат ва КҲ штаби (турли даражалардаги) доирасида ўқув машғулотларини ташкил этиш

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №5:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси: ТЛҚ ларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

- Ташвиқот ўтказинг ва ҚИРЛ нинг Мақсади ва Қоидалари, шу жумладан Қишлоқлар Танлаш Мезони, Мувоғик Инвестициялар, талаб қилинган қатнашув жараёнларини, ҳамда МФЙ ларга вақт жадвалини тадбиқ қилинишини етказинг.
- ҚИРЛ да қатнашувчи қишлоқларни ЛАОҚ да батафсил кўрсатилган танлаш мезонлари ва жараёнлари бўйича тангланг.
- Эксплуатация ва техник хизмат механизмлари ва сублойиҳаларнинг икки ёқлама сармоялардан фойдаланмаслигини тасдиқлаш учун МТГ лар билан ҚИРЛнинг молиялаштиши учин Қишлоқ Тараккӣёти Режалари(ҚТР лар)доирасида таклиф қилинган сублойиҳаларни кўриб чиқиши.
- ЯМХИК сублойиҳа лойиҳасини олиб бориши учун танланган сублойиҳалар рўйхатини вилоят

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №6:

**Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси:
Сайланган Вакиллар ва Ахолининг Вазифа ва Мажбуриятлари**

Махалла Фуқаролар Йигинининг Вазифа ва Мажбуриятлари

- Жамоатларининг ривожланиш эҳтиёжиларини ташки дунёга олиб чиқиш
- ҚИРЛ сублойихалари бўйича Туман хокимиятларига ҳисоб бериш
- ҚИРЛ дастурини яхши тушуниш ва жамоатчилик аъзоларига дастурни тушунишларида ёрдам бериш
- Якунланган инфратузилмаларни мувофиқ Вазирлик ёки Бўлинмага узатиш

Махалла Тараққиёт Гурӯхининг Вазифа ва Мажбуриятлари

- Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) жараёнига оид комплекс маслаҳатларни барча худудлар ва ҳимоясиз аҳоли ва бошқаларга етказилишини кафолатлаш.
- ҚТР ижросини кафолатлаш
- эргашилаётган ҚТР нинг кенг камровли учрашувларига ҳисса қўшиш
- Жамоа таҳлили ва ҚТР ни тушуниш
- Қурилиш сифатининг яхши бўлишига эришиш учун сублойихаларнинг ижросини кузатиб бориш
- Сублойихаларни мониторинг қилиш
 - Вақт тақсимоти
 - Курили ашёлари, пухта қилинган иш, ҳаққоний меҳнат амалиётлари
 - Саломатлик ва хавфсизлик
 - АМИС га мувофиқлик юзасидан мониторинг қилиш ва ҳисоб бериш
- Ижтимоий ижро жаёнини кузатиш
- Асосий хизматлар учун талабни шакллантириш (мисол учун, саломатлик)
- Ривожланиш ташаббусларига ташки манбаларсиз ҳисса қўшиш учун одамларни сафарбар қилиш
- Ижтимоий аудитда қатнашиш
- Жамоатчиликнинг ўз иштирокидан кутаётган натижаларидан келиб чиқиб ишларни якунланишини тасдиқлаш.
- Вазирликлар ёки бошқа субъектлар томонидан ЭТХ га мувофиқликни кузатиш ва керак бўлганда жамоатчиликнинг ЭТХ билан таъминлаш.
- МТГ фаoliyatlарини молиялаштириш учун маблаг жамғариш
- Кўмаклашиш ташаббусларини (масалан, тозалаш, камбағал оилалар болаларини қўллаб-куватлаш)
- Тендерлаш қўмитасининг аъзоси бўлиш
- Ҳафталик ёки Икки ҳафталик учрашувларининг асосий фикрлари ёзилган баённомаларини тузиш.

Махалла Тараққиёт Гурӯхи Ёшлар бўлинмасининг (эркаклар ва аёллар) Вазифа ва Мажбуриятлари

- Жамиятдаги ёш эркак ва аёлларнинг ривожланишлари имкониятларини тадқиқ этиш ва тараққиёт режаларида уларнинг ҳам нуқтаи назарлари инобатга олинишига ишонч ҳосил қилиш
- Ўзаро кўмак гурӯхларига зарурат бўлса ҳаракатларини режалаштириш ва манбаларни сафарбар қилиш бўйича кўмак бериш
- МТГ ларга вазифаларини адо этишда кўмаклашиш
- Ёш аҳолига (эркаклар ва аёллар) маслаҳат берилганига ва аъзо қилинганига ишонч ҳосил қилиш

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №7:

**Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси:
Фуқароларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари**

Фуқароларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

- МТГ сайловларида овоз бериш
- Ривожлани жараёнида фаол иштирок этиш учун ҚФ лар ва МТГ лар томонидан олиб борилувчи таҳлиллар, мухокамалар ва режалаштириш мажлисларида мунтазам қатнашиш
- Болаларнинг мактабга қатнаётгани ва барча оила аъзолари соглиқни саклаш хизматларидан фойдаланаётганига ишонч ҳосил қилиш (масалан соғломлаштириш тўгараклари)
- Ташқаридан молиялаштириладиган фолиятларга хисса қўшиш ва ривожлантириш ташаббусларини ташқи манбаларсиз лойиҳалаштириш ва амалга ошириш учун мавжуд кўникмалар, иктидор ва билимлардан фойдаланган холда кўнгилли сифатида ёрдамлашиш ва ўз хиссасини қўшиш (масалан, камбагал оиласлар фарзандлари ва ўспиринларига репетиторлик ва мураббийлик орқали уларнинг мактабда яхши ўзлаштиришларига ёрдам бериш)
- МТГ ларни мониторинг қилиш (захиралар тақсимоти адолатли ва teng бўлиши ва ҳимоясиз гурухларни ҳам жалб қилиниши учун)
- Ногиронлар, ожизлар ва зориқиб қолганларга ҳаётларини бирмунча йўлга қўйиб олишларига кўмаклашиш

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №8:

**Кишлоқ Инфратузилмасини РивожлвнтиришЛойихаси:
Кишлоқ Фасилитаторлари ва Мухандисларининг Вазифа ва Мажбуриятлари**

Кишлоқ Фасилитаторларининг (КХ ва ЎРХ) Вазифа ва Мажбуриятлари

- Кишлоқ Инфратузилмасини РивожлвнтиришЛойихасидан хабардорликни кучайтириш
- Шаффоғ Сайлловларга кўмаклашиш
- Кенг қамровли Қишлоқ Тарақкиёти Режаларини ва ночорларга қўмаклашиш жамоавий фаолиятларини ишлаб чиқиша МТГ ларни қўллаб-куватлади ва режалаштиришга хисса кўшувчи жамоавий машгулотларни олиб боради.
- Энг камбағал уй хўжаликларининг (ўз уйларининг боши бўлган аёллар, ногиронлар ёки кексалар бошчилигидаги оиласлар ва бозқа ҳимоясиз гурухлар) учрашувлар ва жараёнларда иштирок этишини, уларга маслаҳатлар бериб борилишини рағбатлантириш ва бунга ишонч ҳосил қилиш.
- МТГ ларга ўз вазифаларини бажаришга ёрдамлашиш
- МТГ лар ва МФЙ ларнинг амалга ошириш жараённининг ўрта босқич ўқув заруратларини баҳоланг ва кўнималарни ошириш тренингларини йўлга солинг
- Вазифа ва Мажбуриятларини бажаришлари учун МФЙ лари ва МТГ ларнинг салоҳиятларини ўстириш
- Жамоатчилик ичida камбағалликка қарши фаолиятларга хисса қўшиш
- ҚИРЛ ижросига нисбатан ҳилоф вазиятлар бўйича хабар қилинг (коррупция, фитна, ўғирлик, номувофиқ феъл-атвор)
- АМИБЛ кўрсатмаларига амал қилиш

Кишлоқ Мухандисларининг (КХ лар ва ЛАОГ ходимлари) Вазифа ва Мажбуриятлари

- КТР ларда келтирилган инфратузилма лойихалари тўғри, юқори сифатли ва чидамли бўлишини таъминлай олиши учун МТГ ларга техник йўл-йўриқ бериш, ёрдам қилиш ва қўллаб-куватлаш
- Техник тадқиқотлар ўтказиш
- Инфратузилманинг қурилиш/реконструкция ишлари мобайнида техник мониторинг билан ҳисса қўшилишини таъминланг
- ИТВ га сублоийха суръатлари тўғрисида хисоб бериш
- МТГ ларга Эксплуатация ва техник хизмат режаларини тузишда ва уларни ушбулар асосида шуғуллантиришда кўмакчи бўлинг
- Режалаштириш ва сублоийҳаларни амалга ошириш мобайнида кутилаётган атроф-муҳит ва итимиий хавфсизлик чора-тадбирлари сиёсатида МТГ ларга кўмакчи бўлиш ва қўллаб-куватлаш
- МТГ ларни қишлоқнинг ички манбалари орқали молиялаштирилган лойихалардан қўллаб-куватлаш
- КХ ҚФ ларинии хариталаш, таҳлил, режалаштириш ва бошқажараёнларда қўллаб-куватлаш
- МФЙ га бажарилган инфратузилмани баҳолашда ёрдамчи бўлиш
- ЭИС йўл-йўриқларини кафолатлаши учун МТГ лар кўмаклашиш

Ташвиқот Мажлиси, Плакат №9:

**Кишлоқ Инфратузилмасини Ривожлвнтириш Лойихаси:
ЯМХИК нинг Вазифа ва Мажбуриятлари**

ЯМХИК нинг Вазифа ва Мажбуриятлари

- Марказлаштирилган манбалар воситасида қурилишни бошқариш ва у учун техник кўллаб-куватлашни амалга ошириш
- Ушбу хизматлар учун шаффоғ ва оқилона харидларни таъминлаш
- Кишлок Тараққиёти Режасида белгилаб олинган субвойхаларни лойиха ва пурратчилар билан таъминлаш
- Ҳаққоний меҳнат амалиётларини кафолатлаш
- Сифатли Субвойхаларнинг қурилишини кафолатлаш

4-Ҳаракат : Ёпилиш

Барча саволларга жавоб қайтаришгач (ёки жавоб қайтара олмаганларингизни ёзиб олгач) , барчага келгандарды учун ташаккур айтиб, орадан бир ҳафтадар үтгач яна ташриф буюришингизни ва бунинг учун қайси күн ва сана қулайлигини аниқ қылғач мажлисни ёпишингиз мүмкін. СИз кейинги мажлисда улар билан Жаоавий Манбалар Харитаси тузиш устида ишлайсиз ва бунинг учун ҳар бир уй хўжаликларининг камидаги ярим ахолиси ҳозир бўлишлари зарур. Келишувга эришиш ва иш мавсумларни инобатга олишга ҳам эътиборли бўлинг (кунлик ишчилар дала ишларидами ёки йўқ, уларга қайси вариант қулайроқ бўлади).

5-Ҳаракат : Жамоатни тушуниш: МФЙ Паспортини кўриб чиқиши ва Асосий Маълумотларни Тўплаш

1-Қадам: МФЙ Раиси ва Котибидан сизни идорага олиб боришлигини ва МФЙ паспортини кўрсатишларини сўранг. Маълумотлар уларнинг идорасидаги катта доскага илингандан бўлади. МФЙ Раиси ва Котиби билан ҳамма нарсани бирма-бир кўздан кечириб чиқинг ва саволлар орқали Жамоа ҳақида иложи борича кўпроқ нарса билиб олинг. Бу маълумотлар қай тарзда тўпланганлигини ҳам сўранг ва буни қайд қилиб қўйинг (бу сиз ва ЛАОГ га маълумотлар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини тушунишда ёрдамчи бўлади).

2-Қадам: 3.4 шаклдан фойдаланиб МФЙ паспортидан топишингиз керак бўлган маълумотларни кўриб чиқинг ва уларни ўзингизни ён дафтарингизга кўчириб олинг. Бу 3.4 шаклга киритилади, уни тўлдиришингиз ва ЛАОГ га топширишингиз талаб қилининади. Эътибор қаратинг, аввал бу маълумотни (куйироқда кўринг) сиз кўриб чиқишингиз зарур ва бу янги сайланган МТГ нинг биринчи вазифаси бўлади.

3-Қадам: Маҳалла Фуқаролар Йигини Раиси ва Котибига (ёки сизга ёрдам берган бошқа бир ходимга) ажратган кўмак ва ёрдами учун раҳмат айтинг.

Илова №3: Жамоа Манбалар Харитаси

(3 соат)

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 2-Ташриф

Ташриф Мақсади: а) Барча Давлат Манбалар ва Объектларни (масжидлар, мадрасалар, мактаблар, соғындық сақлаш мұассасалари, йүллар, сугории тизимлари (каналлар), ичимлик суви тармоқлари ва насослар, электр узатииши линиялари ва бошқалар) ва Манбаатдор тарафларни (ННТ лар, Хукумат дастурлари, МФЙ аязолари) күрсатувиhi Жамоа Манбалар Харитасини яратиши ва б) Жамоа Манбалар Харитасининг асосий натижаларини умумлаштириши.

Изоҳ: Ҳеч қандай хусусий мулк обьектларини белгиламанг

1-Ҳаракат : Манбалар Харитасини Тузинг (150-180 дақиқа)

1. Давлат Манбалар Харитасини Жамоатчилик учун Тақдимоти

МФЙ Раиси билан боғланинг ва жамоада ўтказилган учрашувда тайин қилинган мажлис санаасива вақтини эслатинг. Жамоадаги барча манбаларни белгилаб чиқиш керак бўладиган харита тузиш учрашуви таҳминан 3 соат давом этишини эслатиб кетинг. Раисдан хариталаш жараёни учун очиқ осмон остида муносиб жой ажратишини илтимос қилинг. Бу машқ қенгроқ майдончани талаб қиласди (агар ёмғир бўлмаса очиқ ҳавода амалга ошириш ўринлидир). Жамоа харитасини аввал ҳам тузган ташкилотлар бор ёки йўқлиги ҳақида сўраш ва агар тасдиқ жавоби олинса, улардан нусха беришларини илтимос қилиш оқилона тадбир бўлади. Бу харитада нима аск эттирилгани, яна нималар киритиш мумкинлигини белгиланг ва қачон тузилганлигини амал қилиш муддатини аниқлаш учун текширинг. Агар бирор харита топилса, жамоатчилик билан каттароқ харита тузайтганда ундан фойдаланишни унутманг.

Бу машғулот учун қўмакчилик жамоаси камида 3 та аъзодан иборат бўлиши керак ва қишлоқ ичидаги худудларга алоқадор равишда кўпроқ киши ҳам талаб қилиниши ҳам мумкин. Фасилитаторлар жамоаси Бош Фасилитатор (ташкилотни ва ўз ишларини, қилинган режаларни таништирувчи ва мажлисни олиб борувчи) ва карточкалар ёзувчи, қайд қилиб борувчи, гурухларга қўмакка тайёр турадиган, бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласиган аҳоли ва болаларга қараб турувчилар в.б. ни назорат қилиб борадиган ёрдамчи фасилитатор ким бўлиши кераклигини аниқлаб олади.

Бу машғулотлар учун оқ рангли мел кукуни, ғоялар карточкаси ва кўпроқ маркерлар керак бўлади. Машғулот куни фасилитаторлар эртароқ келишлари мақсадга мувофиқ. Эртароқ келган қатнашчилардан сизга жойни ҳозирлашда-Ўриндиқлар жойлашуви, ердаги ортиқча барг ёки кераксиз нарсаларни тартибга солишда ва б.ш. ёрдамлашишларини сўранг.

2. Манбалар Харитасинининг биргаликда тузиш жараёни

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониққан кишилардан қўлларини кўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Оммавий Манбаларни Хариталаш мажлиси учун ҳар бир худуддан вакиллар иштирок этишига эришмоқ лозим Барча худудлардан келувчи кишиларнинг асосий қисми тўпламагунча ушбу мажлисни бошламанг. Агар улар ҳамон тўпланишмаган бўлса шерикларининг етиб келишлари учун мувофиқ худуд одамлари орқали киши юборинг
7. Жамоатчилик ичida овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушуниринг
8. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиласидиган **мумомала кўрсатинг** ;
9. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
10. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласидиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
11. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
12. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Ҳамма иштирокчилар келиб улгургач, бош фасилитатор:

- барчи қатнашчилар билан саломлашинг, уни/унинг жамоасини таништиринг ва қатнашчиларга ўз худудларини фасилитаторларга танитиши учун фурсат беринг:

одамларни ўзлари мансуб ҳудудлар бўйича ўтиришларини сўранг ва ҳар бир ҳудуднинг биттадан вакилидан ҳозир бўлганлар ҳақида маълумот олинг : "Биз X ҳудудданмиз ва шу ҳудуд номидан XX вакил келган"

(Изоҳ: Хариталаш жараёнида суратлар олишни унутманг; Ҳукуматга мажлис кўнгилдагидай ўтганини билдириш учун ушбу ҳаволалардан фойдалансиз)

- кейин эса бош фасилитатор **мажлис мақсади билан таништиришни бошлайди:**

"мақсадимиз қишлоқ ҳудудидаги жисмоний ва инсон захиралари харитаси яратишидир"

Харитадан бир нусха МТГ нинг янги раисига (тез орада сайланувчи) иш ниҳоясига этказилиши билан топширилиши керак. Дастребки сониялардан шуни тушуниб олиш зарурки, фасилитаторлар бу ерда ёрдам тарқатиш ёки кўмак бериш учун эмас, балки ушбу машғулотлар натижалари воситасида Ҳукумат ҚИРЛ нинг ривожлантириш жараёнлари ҳаракат ва тизимларини яхшироқ йўлга қўйишига ҳисса қўшишдир.

- кейин эса иштирокчилардан қишлоқдаги ҳудудлар бўйича уюшиб олишларини ва кейинроқ хаританинг турли қисмлари устида муслақил ишлаш учун гуруҳларни шакллантиришларини сўраш лозим (хариталаш мобайнида келиб қўшилган яшовчилардан ўз ҳудудлари вакиллари билан ишлашларини сўранг)
- қатнашчилар уюшиб олишгач, фасилитаторлар улар ичидан кўнгиллиларни чақириб олиб, улардан мел кукуни ёрдамида ерга (хонада бўлсангизлар мел таёқчаларини ишлатинг) қишлоқ контурларини туширишларини ва асосий йўллар, дарёлар, турли бўлинмалалар, маҳаллаларни акс эттиришларини сўранг. Ушбу чизма ўлчамлари 10X10 метр бўлиши зарур ва бу барча қатнашчилар ўзларига тегишли ҳудудда ишлай олишлари учун етарли жойга эга бўлишлари учун керак;
- чизма тайёр бўлиб, асосий ландшатлар одамлар ўзлари йўналиш оладиган даражад аниқлаб олингач, бош фасилитатор қатнашчилардан чизмадан, унинг жисмоний хусусиятларидан ва кўрсатилган ҳудудлар чегараларидан рози ёки йўқлигини сўраши керак;
- Барча бир тўхтамга келгач, ҳар бири ўзи тегишли ҳудудни вакили бўлган кенгашнинг танланган аъзоларидан иборат гуруҳлар ва ҳар бир ҳудуддан 10-30 нафар оддий аҳолиси бирга ишлашни бошлаб, ўз ҳудудларидаги барча Жамоа Манбаларни ушбу харитага туширишади;
- Даставвал, ҳар бир гурух ўзларига тегишли ҳудудда қандай манбалар борлиги тўғрисида фаол мунозарага киришади: масжидлар, асосий йўллар, катта йўлкалар, мактаб ва саломатлик масканлари (агар шундайлари бўлса) сув манбалари, электр манбалари, дренаж қувурлари, бозорлар (агар мавжуд бўлса), ва НТ сектори (ёки собиқ НТ сектори) ва х.к.з. ларни ғоялар карточкаларига туширинг (битта карточка учун бир балл)
- Ушбу жисмоний манбалар ва тараққиёт ташкилотлари кейинроқ полда акс эттирилган, аллақачон чегаралар туширилган катта харитага киритилинади. Харита ишончли бўлиши учун улар ўзининг энг аниқ ерига жойлайтирилиши керак
- Мактаб ва саломатлик муассасаларига келсак, кўшни ҳудудлардан бундай объектларнинг бор ёки йўқлигини ва улардан

фойдаланишлари/фойдаланмасликларини сўранг. Уларни харитада кўрсатинг (қишлоқ чегарасини чизиб, масофани км да кўрсатинг)

- Тошқинларга таъсирчан ҳудудларни кўрсатинг;
- Ваниҳоят, ҳар бир гурух учун вақт ажратиб, уларнинг ҳудудларида қанча уй хўжаликлари яшашини муҳокама қилинг (Уй хўжалигини таърифлаб ўтишни ҳам унутманг: умумий қозондан таомланувчи кишилар гуруҳи. Жамоа хўалиги ва уй хўжалигини фарқини ҳам айтиб ўтинг). Ҳар бир гуруҳдан карточкага уй хўжаликлари сонини ёзиб чиқишни ва уни полда акс эттирилган хаританинг мувофиқ ерига жойлаштиришни сўранг (МФЙ паспортидан уй хўжаликлари сонини кўриб чиқинг ва Жамоа баён қилаётган сонлар ўртасидаги тафовутни қайд этиб қўйинг).
- барча манбалар жойлаштириб чиқилгач ва уй хўжаликлари сони харитада қайд этиб қўйилгач, қатнашчиларнинг ҳаммаси ўз ҳудудларига бориб қўшиладилар, сўнgra ҳар бир ҳудуддан биттадан вакил харитадаги ўзига тегишли ҳудудга бориб туради, кейин эса ҳар бир карточка ҳозир бўлғанларга ўқиб эшилтирилади. Хатиратадаги манбалар, уларнинг жисмоний жойлашуви ва киритилган уй хўжаликлари сони бўйича ҳамма бир тўхтамга келганига ишонч ҳосил қилинади.
- ҳар бир гуруҳдан фаол мунозарага киришишлари сўралиб, ҳар бир сайланган МФЙ жорий аъзолари мувофиқ жойларга қўйиб чиқилади. **Изоҳ: МТГ сайлаб олингач, янги МТГ аъзолари ва МТГ масъуллари уларни чалкаштириб юбормаслик мақсадида манбалар харитасига турли рангларда киритиб қўйилишлари керак**
- Баъзида манбаларнинг жойлашувига турли ҳудудларнинг (маҳаллаларнинг) норозиликлари эҳтимоли ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда, бош фасилитатор сабабларни ўрганиб чиқиб, келишмовчиликни ҳал қилиш учун муросаа йўлини излаши керак;

Ва ниҳоят, қатнашчиларга бугунги қўшган ҳиссалари учун ташаккур билдириб, ушбу харита нусхаси кейинроқ МТГ га етказиб берилишини эслатиб қўйинг.

Изоҳ: инженер харита ерга туширилаётган пайтда уни ён дафтарига кўчириб олиши керак. Бу кейинроқ идорада каттароқ харита плакати тузиш жараёни учун керак.

2-Ҳаракат : Ўзингизнинг жамоатчилик билан навбатдаги учрашувингизни режалаштиринг (10 дақиқа)

Хариталаш жараёни ниҳоясида, ҳозир бўлғанларга жамоангиз тез орада яна бир бор ташриф буюриб, жамоадаги барча ҳудудлар аҳолисидан ташкил топган катта жамоа иштирокида МТГ учун сайловолди учрашуви ташкил этишини айтинг. Мавжуд Жамоа расмийларидан одамлар чун бирор қулай санани танлашларини ва ҳар бир ҳудуддан етарлича қатнашчилар келишигаишонч ҳосил қилишларини сўранг.

Идорада (кейинги бир неча кунлар)

Характ 3: Маълумотни ўрганиб чиқиши ва Тахлил қилиши

Идорага қайтишингиз билан, жамоа аъзоларидан бири ён дафтарига кўчириб олган харита нусхаси асосида иккита катта плакатда шартли белгилар акс этган харита яратишингиз керак. Шартли белгилар учун фигуранлардан фойдаланишда мантикий, барқарор ва изчил ёндошув зарур. Фойдаланувчи харитани талқин қиласр экан, англашилмовчиликлар юзага келмаслиги лозим. Ва ниҳоят, харита битгач унга тугалланган сана ва қатнашган жамоа аъзолари исмларини ёзиб қўйинг. Фойдаланувчиларда саволлар туғиладиган бўлса, ушбу шахслар билан боғланиб, қизиқтирган саволларига жавоб олишлари имкони бўлсин.

Харита тайёр бўлгач, тенденцияларни (йўналиш) изланг. Қишлоқ Фасилитаторлари қўйидаги саволларни беришлари ва жавобларни муҳокама қилишлари керак. Бу жамоани тушуниш ва келажакдаги топширикларда асқотади (сайлов ёки бошқа жараёнларда):

- Харитадаги жисмоний ва инсон манбалари белгилари жамоадаги манбаларни тақсим этилганлиги тўғрисида қандай ахборот беради?
- У манбаларни бир жойга тўпланиб қолганини кўрсатмоқдами? Агар шундай бўлса, нега манбалар бир ерга тўплаб қўйилган деб ўйлайсиз: қўли узун кишилар манбаларни ўз яшаш майдонларида эгаллаб турибдими? Жамоанинг молиявий захиралари чекланган бўлган ва барча майдонларни камраб ололмаганми?
- Жамоадаги қайси ҳудудлар сув/мактаб/йўл/в.б ларга эга ва қайсилари уларга эга эмас?
- Жамоани яхшигина ўрганиб олгач, ундаги манбалар тақчиллиги ночорликка алоқадор ёки йўқлигини кўра олиш имконига эга бўласиз.

Бу саволлар, албаттa сиз воқиф бўлишингиз зарур бўлган муайян динамикани ифодаловчи белгиларга ишора қиласди. Агар элита тасарруфоти ёки ихотаси бўлса, бу харитада аниқ кўрсатиб берилади. ҚФ лари бундан огоҳ бўлишлари ва келажакда бу жойлар қолиб кетмаслигини кафолатлашлари керак.

Инобатга Олиниши Зарур Жиҳатлар

- Ушбу хариталаш жараёни орқали МФЙ ва Жамоа ўртасидаги ҳаракатлар тўғрисида айтиб бера оласиз; раис ва муайян аъзолар манбаларни жойлаштириш ва чегаралар чизиш жараёнида вазиятни ўз тарафига оғдиришга, таъсир кўрсатишига ҳаракат қилдими? Ким вазиятни ўз тарафига оғдиришга ҳаракат қилди ва ким кимни кўллаганини ёзиб олинг, лекин барча қатнашчилар жараёнга жалб этишга интилинг. Одамларни ўз ҳудудлари бўйича ишлашлари учун гурухларга бўлиш ҳар бири ҳудуд иштирокини кафолатловачи асосий услубдир;
- Асосий чегараларнинг ўта аниқ бўлиши кераклиги, мураккаб картографик жараён устида ортиқча бош қотирманг, лекин туширилган жисмоний ва инсон манбалари аниқлигига кўпроқ аҳамият беранг;
- бу харитани ҳар бир ухудудга бориб ва унинг таркибини маҳаллий аҳоли билан муҳокамалардан сўнг текшириш, агар зарурат бўлса ўзгартириш керак бўладиган "ишчи хужжат" сифатида кўриш мухим.

Манбалар харитасини МТГ нинг янги котибига беришни унутманг(сайланганидан сўнг) .
Харита тақдим этилгач, ундан мақсадли фойданиш муҳокамаси ташкил қилиниши керак:

- a) Жамоа Тараққиёти Жараёни учун маълумот
- b) Жамоанинг ресурслар тақчиллиги мавжуд жой/худуд/ўчоқларини аниқланг
- c) МФЙ ва МТГ Раислари/ёки бошқа аъзолари Жамоа ва манбалар жойлашувини тушунтира олиши ва ўзларига қарашли манбалар ва қарашли бўлмаган, аммо, улар ҳақида ахборот бўлиши зарур ташқи тузилмалар бўйича маълумот (ННТ лар, давлат агентликлари, хусусий сектор вакиллари).
- d) Овоз бериш кабинкасининг жойи борасида режа тузинг (келиш осон, сайлаш учун столлар жойлаштирилиши учун қулай, ҳаммага бирдай мақбул жой)
- e) ривожлантириш ижрочилари учун (оммавий, ҳукумат ёки хусусий) қўшимча манбаларни жалб этиш механизми

КҲ лар, Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Муҳандислари ушбу харита ва у билан алоқадор келадиган барча ишлардан тўлақонли фойда чиқара олишлари керак.

**Илова №4: Жамоа Манбалар Харитаси билан Ўртоқлашиш ва МФЙ Паспортини
Текшириш**

(3 соат)

**Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 3-Ташриф
(Жамоатчилик учрашувида 2 соат)
(МФЙ билан 1-2 соат)**

Ташриф Мақсади: а) Жамоатчилик билан Жамоа Манбалари Харитасини ўртоқлашиши б) МФЙ Паспортини текшириши

Ташрифга Тайёргарлик Кўриши:

МФЙ Раиси билан боғланинг ва жамоада ўтказилган учрашувда тайин қилинган мажлис санаси ва вақтини эслатинг. Унга бу учрашувда жамоатчилик билан биргаликда яратилган жамоа манбаларилар харитаси билан ўртоқлашишингизни, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, ниҳоят унинг тўғри эканлигини тасдиқлашингиз кераклигини эслатинг. Бу жамоат мажлиси 2 соат давом этади ва барча ҳудудлар аҳолиси унда ҳозир бўлиши керак Раисдан одамлар билан учрашиш учун аввалги ерга боришингиз керакми ёки бошқа ер танланган бўлса билиб олинг. Хариталаш билан бўлгани каби, тасдиқлаш ҳам керак кўпчилик билан, ҳар бир ҳудуд вакиллари розиликлари билан амалга ошади Иккинчидан, сиз МФЙ Раиси ва Котиби билан МФЙ паспортини озроқ вақт давомида манбалар харитаси ракурсидан кўриб чиқасиз.

Бу машғулот учун фасилитаторлар жамоаси камидан иборат бўлади. Бунинг учун талаб қилинувчи материал яқунланган манбалар харитасидар. Машғулот куни фасилитаторлар эртароқ келишлари мақсадга мувофиқ. Эртароқ ҳозир бўлган қатнашчилардан сизга жойни тайёрлашишга – ўриндиқларни жойлаштиришга ёрдам қилишиларини сўранг.

1-Ҳаракат : Манбалар Харитасини Жамоатчилик билан ўртоқлашинг

Саломлашгач ва келганлари учун барчага миннатдорчилик билдиргач, қатнашчиларни ўzlари мансуб ҳудудлар бўйича ўтириб олишларини сўранг. Манбалар харитасини деворга илинг ва харита ёзувларини кенг жамоатчиликка тушунтириб беринг ҳамда унда нималар хариталаштирилганини бошқаларга намойиш қилиш учун ҳар бир ҳудуд ўзларининг биттадан вакилларини навбатма-навбат харита олдига юборишини сўранг. Қалам олиб назардан қочирилган нарсани киритинг ёки одамлар таклиф қилган таклиф бўйича ўзгартиришлар қилинг. Кўпроқ кишиларнинг тасдиғига эришишга интилинг. Барча ҳудудларни яқунлаб бўлгач, жамоатчиликка миннатдорчилик билдиринг ва хаританинг якуний нусхаси МФЙ котибига топширилишини ҳамда у идорада сақланишини, истаган киши кўриш имконига эга бўлишини маълум қилинг.

2-Ҳаракат : 3.9 шаклдаги Манбалар харитаси бўлимларини тўлдиринг.

Жамоа Манбалар Харитасидан фойдаланиб, 3.9 шаклнинг тегишли бўлимларини тўлдиринг (B.1, B.2, B.3, B.4, B.5, B.6, B.7).

3-Ҳаракат: Кейинги учрашувни режалаширинг

Энди барча маҳалла аҳолисидан иборат бўлган катта гуруҳдан иштирок этишини ва сайловолди учрашувини қачон ўтказиш яхши бўлишини сўранг. Иккала учрашувда хам барча ахоли (фермерлар, ишчилар, болали аёллар) қатнаша олишадими, сўранг. Ушбу сана МФЙ идорасидан ташқарида Оммавий эълон тахтасида эълон қилиниши керак.

4-Ҳаракат : МФЙ паспортини текшириш

МФЙ га боринг ва МФЙ Раиси ва Котиби билин кўришиб, ўзинигиз тўплаган МФЙ паспорти маълумотларини кўриб чиқинг ва ушбу маълумотлар харитада акс этган маълумотларга мос келаётганига ишонч ҳосил қилинг: энг муҳими—худудлар ва уй хўжаликлари сони. Агар жиддий тафоввутлар кузатилса, буларнинг сабабини аниқлашингизга, эҳтимол ҳар бир худуддаги ҳар бир қўчани тўғри саноқни чиқариш мақсадида айланиб чиқишингизга тўғри келиши мумкин.

5-ҳаракат:

МФЙ паспортини ўрганиш бўйича барча маълумотлар ва қишлоқ аҳолиси тўғрисида тўпланган бошқа маълумотлар тайёр бўлгач, ҚФ куйида келтирилган, ушбу қишлоқ учун ажратилган микдорни кўрсатадиган постерни тайёрлаши керак. Ва кейинги ташрифда сиз ушбу постерни қишлоқ аҳолиси учун очиқ бўлган кўринадиган жойга осиб қўйишингиз керак, у ерда улар ушбу маълумот билан танишишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси

Мақсади

Танланган қишлоқ жамоаларида асосий инфратузилма ва хизматлар таъминоти ҳамда ривожланишни режалаштириш ва хизматлар кўрсатиш мониторингига жамоатчиликни жалб этиш.

Бюджет

Иштирокчи жамоаларга сўм маблағ ажратилади. Бир киши учун XX сўм. XX МФЙда XX киши бор ва инфратузилмавий инвестициялар учун умумий маблағ XX сўмни ташкил етади.

Инфратузилма ва Хизматлар Менюси

Асосий иқлимга мослашувчан инфратузилмалар ва хизматлар субвойиҳаларидағи мувофиқ молиялаштиришлар улар билан чегараланиб қолмаган ҳолда қуидагиларни ўз ичига олади:

- (i) қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва санитария хизматларини тақдим этишнинг инновацион, муқобил моделлари орқали фойдаланишни кенгайтириш учун мавжуд қишлоқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш;
- (ii) жамоат биноларини энергия самарадорлиги йўлида қайта жиҳозлаш;
- (iii) Ижтимоий инфратузилмани қайта таъмирлаш/янгилаш
- (iv) учламчи йўллар, йўлкалар ва тротуарларларни таъмирлаш
- (v) қишлоқ йўлларини дренаж ва тошқинларга мослашувчанлик тизимини мутаҳкамлаш;
- (vi) кўприклар қуриш ва қайта таъмирлаш (10 метргача бўлган узунликдаги) ;
- (vii) кўчаларни ёритиш тизими такомиллаштириш;
- (viii) жамоат жойларига қулайликлар киритиш;
- (ix) қаттиқ чиқиндиларни бошқариш тизими;
- (x) халқ хизматидаги айрим қулайликларни ислоҳ қилиш;
- (xi) симсиз интернет хизматлари таъминоти учун антенналар ўрнатиш;
- (xii) автобус терминаллари ва бекатларини қуриш ёки янгилаш; ва
- (xiii) энергия таъминоти ишлари.

**Илова №5: Сайловолди Учрашуви
(3 соат)
Қишлоқ фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: Ташиф 4**

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни яқунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониққан кишилардан қўлларини қўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичида овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига худди ўз оила аъзоларингизга қиладиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай хис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини қўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиладиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Сайловолди учрашувига Тайёрланиш

Бу мажлис жиддий ҳозирликни талаб қиласи. Барча плакатларни аввалдан шай ҳолга келтиришга урининг ва Сайлов комиссияси Вазифалари ва Сайлов Қоидаларининг 20 та нусхасини келтиринг. Сиз, шунингдек Оммавий Манбалар Харитаси нисхасига ҳам эҳтиёж сезасиз.

1-Ҳаракат : Сайловолди учрашуви ўтказинг (120-150 дақиқа)

Изоҳ: Ҳар бир худуднинг камида 60 % Уй хўжаликлари иштирок этиши лозим.

- барча иштирокчилар билан саломлашинг, ўзингиз ва жамоангизни таништиринг ҳамда қатнашчиларни ўzlари мансуб ҳудудлар бўйича ўтиришлари учун жой ташкил қилинг. Ҳар бир худуд гуруҳидан биттадан кишини кимлар иштирок этажтани тўғрисида қисқача маълумот бериши сўранг: биз X ҳудудданмиз ва XX кишидан иборатмих. (Ҳар бир худуд қатнашчилари сонини ёзиб қўйишни ва 3.5(а) шаклни тўлдириб, унга МФЙ Раиси имзосини қўйдириб олишни унутманг).
- кейин эса бош фасилитатор **мажлис мақсадини ёритиб беради**:

мақсадимиз Маҳалла Тараққиёт Гуруҳи сайлов жараёни, шу жумладан овоз бериши қоидалари билан ўртоқлашиши, сайлов комиссияси ташкил қилиши ва уларнинг вазифа ва мажбуриятларини тушунтириб берши, ҳар бир ҳудуд учун овоз бериши кабинкалари жойлашувини аниқлаши, ва МТГ сайлови учун сана ва вактни белгилаши.

- қатнашчиларга манбалар харитасини эслатинг ва асосий жихатлари билан ўртоқлашинг: X ҳудудда X уй хўжаликлари жойлашган
- уларга ҳар бир ҳудуддан вакил сифатида танлаб олинадиган Жамоа аъзолари (ҳар бир ҳудуддаги ҳар 50 уй хўжалиги учун 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл, ҳамда 1 ёш йигит (18-30 ёш) ва 1 ёш қиз (18-20 ёш) МТГ аъзоси бўлади) билан сайланадиган Маҳалла Тараққиёт Гуруҳи ҳақида эслатма беринг.
- куйидаги 1-плакатни осиб қўйинг ва Жамоа аъзолари ичидан Тарғибот учрашувида бўлган бирор кишини яқинроқ келиб, Маҳалла Тараққиёт Гуруҳи Вазифа ва Мажбуриятларини ўқиб бееришини сўранг
- ушбу вазифалар ва мажбуриятларни муҳокама қилиш учун фурсат беринг

Сайловолди Мажлиси, Плакат 1:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси: Тайнинланган (сайланган) Вакилларнинг Вазифа ва Мажбуриятлари

Махалла Тараққиёт Гуруҳининг Вазифа ва Мажбуриятлари

- Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) жараёнига оид комплекс маслаҳатларни барча ҳудудлар ва ҳимоясиз аҳоли ва бошқаларга етказилишини кафолатлаш.
- ҚТР га биноан кенг қамровли учрашувларга ҳисса кўшиш
- Жамоа таҳлили ва ҚТР ни тушуниш
- Қурилиш сифатининг яхши бўлишига эришиш учун субвойиҳаларнинг ижросини кузатиб бориш
- Субвойиҳаларни мониторинг қилиш
 - Вақт тақсимоти
 - Курилиш материаллари
 - Мехнат сифати
 - Ҳалол меҳнат амалиётлари
 - Саломатлик ва хавфсизлик
 - АМИС га мувофиқлик юзасидан мониторинг қилиш ва ҳисоб бериш
- Ижтимоий ижро жараёнини кузатиш
- Ижтимоий Аудитда қатнашиш
- Жамоатчиликнинг ўз иштирокидан кутаётган натижаларидан келиб чиқиб ишларни якунланишини тасдиқлаш.
- Вазирликлар ёки бошқа субъектлар томонидан ЭТХ га мувофиқликни кузатиш ва керак бўлганда жамоатчиликнинг ЭТХ билан таъминлаш.
- МТГ фаолиятларини молиялаштириш учун маблағ жамгариш

- овоз бериш амалга ошириладиган сана ва кун масаласида кенг жамоатчилик билан мухоқама ўтказинг Қишлоқ хўжалигидаги кунлик ишчиларнинг ҳам кела олиши бўйича фикр қилиб олишга эътибор беринг Сиз бу учрашувни Жума кунига ёки кечки вақтга белгилашингиз мумкин. Сана борасида бир тўхтамга келингач, каттакон плакатга ёзib, уни жамоат жойига илиб қўйинг (энг муносиб жой МФЙ идораси девори(ташқи)
- Жамоавий Манбалар Харитасини осиб қўйинг ва ҳудудларни гурӯхлари билан ўтириб олиб, сайлов ўтадиган участкаларни қаерга жойлаштириш кераклиги тўғрисида мухоқама қилишларини сўранг (улар хусусий биноларда жойлаштирилмаслиги ва ҳар бир ҳудуддаги нисбатан марказий участкалар танланин керак). Рози бўлсангиз, жойни харитада бирор белги билан тайин қилиб қўйинг.
- Қатнашчиларга сайлаш хуқуқига эга бўлиш мезонларини тушунтиринг ва уларга ушбу мезонларга тўғри келадиган бўлса, МТГ сайловларида иштирок этишлари мумкинлигини эслатинг (куйироқда 2-Плакатга каранг)

Сайловолди Мажлиси, Плакат 2:

**Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси:
Сайловчининг овоз бериш хуқуқига эгалиги ва МТГ Аъзолиги Мезонлари**

Сайловчининг Мувофиқлиги

- Ўзбекистон фуқароси бўлиши шарт;
- 18 ёшга тўлган бўлишлари керак
- Тегишли жамиятда бевосита МТГ сайловлари олдидан камида 1 йил доимий яшаш жойига эга бўлиши керак (муҳожирлар истисно бўлади ва уларнинг доимий яшаш муддати талаби камида 3 ойгача қисқартирилгандир);
- Сайловчининг асосий истиқомат жойи ушбу жамоада бўлиши керак.

МТГ Аъзолиги Мезонлари

- Юқорида келтирилган сайловчига хос барча сифатларни ўзида жамлаган бўлиши;
- МТГ аъзоси сифатида ишлаш учун етарли вақт ва истакка эга бўлиши;
- МТГ аъзоси вазифа ва мажбуриятларини зиммасига олишни имзолашга тайёр бўлиши лозим;
- Миллий мажлис ва вилоят кенгашида тайинлаган лавозимга эга бўлмаслиги лозим;
- Жамоа аъзолари ўртасида бажарган ишларида адолатлилик, ишончлилик, очиқлик, ҳисобдорлик бўйича яхши нуфузга эга даб танилган бўлиши керак;
- Етакчилик сифатларига эга бўлиши
- Ўзи вакил бўлаётган худуд сайлов бўлимидағи жамиятнинг барча ва ҳар қандай аъзолари, ва бениса худудларнинг бениса МТГ сайдори, билан ким бирга ишлани истагина бўйини

- Тақдимотлар ўтказиш услубларини янгилаш мақсадида одамларни қуидаги машғулотларга жалб этинг: Ҳар бир ҳудуд гурӯхидан 2 та саволни муҳокама килиши учун 15 дақиқа ажратинг: 1) "нега барча катта ёшлилар (18 га тўлганлар) учун бу сайловда қатнашиш ўта муҳим"? ва 2) МТГ аъзолари амалга ошириши керак бўлган энг муҳим фаолиятлар қайсилар? Улардан муҳокамаларидағи асосий нуқталарни плакатқоғозига ёзишларини сўранг
- Ҳар бир ҳудуднинг бир нафар аъзосидан ўзларининг плакатини кўрсатишини сўранг
- Энди эса, МТГ аъзосининг энг долзарб топшириклари тақдимотини инобатга олган ҳолда, МТГ аъзоси ўз ишини аълога бажариши учун талаб қилинадиган сифатларни бутун гурух иштирокида фаол мунозара қўйинг; ҳар бир сифат/хусусият учун битта карточка ёзинг ва уларни кетма-кетликда жойлаштириб чиқинг, ўхшаҳ хусусиятларни бир жойга жамланг ҳамда жамоат ичидан бир кишини уларни баланд овозда ўқиши учун чақиринг (бирор нарса назардан қочирилган бўлса бемалол киришиб қўйишингиз мумкин)

Сайловолди Мажлиси, Плакат 3.1:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси:

Сайлов Қоидалари

- 1) Ҳар бир худуд Сайлов Комиссияси аъзоси сифатида 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл кишига эга бўлади
- 2) 50 тагача Уй хўжаликлари мавжуд худудларда бир нафар эркак ва бир нафар аёл МЛҚ аъзоси бўлади. 50-100 тагача уй хўжаликлари яшаётган худудлар учун 2 нафар эркак ва 2 нафар аёл (кўпроқ уй хўжаликлари мавжуд худудлар учун кўпроқ қўшишимиз лозим(ми) ; ва ҳар бир қўшимча 50 уй хўжалиги учун, қўшимча 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл сайланади
- 3) Сайлов Комиссияси аъзолари кўнгиллilar сафида бўлишлари ва МТГ аъзолигига сайланана олмасликлари керак (манфаатлар тўқнашуви сабабидан)
- 4) Ҳар бир уй хўжалиги сайлов вақтидан бирмунча аввал хат кўринишида огоҳлантириб қўйилади.
- 5) Маҳалла Тараққиёт Гурухи (МТГ) вазифа ва мажбуриятлари жамоатчилик ичida осиб қўйилади ва сайловолди учрашувларида намойиш этилади ҳамда нусхалари сайланган кишиларга тарқатиб берилади.
- 6) Ҳар бир худуд сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар/салоҳиятга эга МТГ аъзолари рўйхатини сайловдан икки кун олдин жамоат жойига осиб қўйиши лозим. Сайлов Комиссияси аъзолари аниқ ва тиник белгилаб қўйилишлари одамлар янглишиб уларга овоз бериб юбормаслиги учун ўта муҳим.
- 7) Ҳеч қандай сайловолди кампанияси рухсат берилмайди
- 8) Ҳар бир сайловчи фақатгина ўзининг сайлов худудида овоз беради
- 9) Сайловчилар фақатгина ўз худудида яшовчи шахсларга овоз бера олади
- 10) Овоз бериш кабинкаси 2 соатга очик бўлади
- 11) Овоз бериш одамлар учун қулай, шу жумладан кунбай ишловчилар, камбағаллар ёки кунлик ишдаги савдо ходимлари учун ҳам қулай бир кунга белгиланиши жоиз.
- 12) Ҳар бир худудда битта МТГ нинг аёл аъзолари ва яна битта, МТГ нинг эркак аъзолари учун

Сайловолди Мажлиси, Плакат 3.2:

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойихаси:

Сайлов қоидалари (давоми)

- 13) Ҳар бир бюллетен қутиси сайлов олдидан бўш эканига ишонч ҳосил қилиниши учун Сайлов Комиссияси аъзоси томонидан текширилиши шарт.
- 14) Бюллетен қутилари олдидаги Сайлов Комиссияси аъзолари худуд сайловчилари рўйхатидан ким овоз берадиганини белгилаш, овоз берганлардан ўзларининг исмлари қаршисида имзоларини олиб қолишда фойдаланади.
- 15) Агар сайловчининг исми рўйхатдан чиқмаса, шахсини тўғри тасдиклаб, унинг исми ҳам рўйхатга киритиб қўйилади.
- 16) Ҳар бир сайловчи ўз бюллетенини ўзи тўлдиради ва қутига ташлайди
- 17) Ҳар бир сайловчи мухрланган, сайлов бюллетенлари бланкини қабул қилиб олади
- 18) Сайловчилар бюллетенга ундаги факат бир кишининг исмини тўлиқ ёзади (Ҳар бир бюллетен учун бир исм)
- 19) Барча тўлдирилган бюллетенлар маҳсус қутига солиниши керак
- 20) Сайлов яроқли деб топилиши учун худуддаги овоз бериш хукуқига эга кишиларнинг камида 60 % қисми овоз берган бўлиши шарт.
- 21) Сайлов комиссияси аъзолари ва ҚФ лар овозларни санаб, сайлов ўтказилган кунда натижаларни ҳам эълон қиласидар.
- 22) Бюллетенлар билан тўлдирилган сайлов қутилари бирор бир марказий ерга (масалан бирор хукумат биноси) олиб борилиши ва саноқ ишлари ўша ерда олиб борилиши керак.
- 23) Агар энг кўп овоз олган номзод лавозимидан бош тортса, лавозим овозлар сони бўйича ундан кейинги одамга ўтади.
- 24) Агар 2 киши бир лавозим учун бир хил овоз тўпласа, ва уларнинг иккиси ҳам бу ўринга даъвогар бўлса, демак иккинчи босқич сайловини зудлик билан ўтказиш жоиз.
- 25) Сайловлардан сўнг, етакчилар ўзларини жамоатчиликка таништиришади.
- 26) Ютиб чиққанлар таништирилгач, агар вакт етарли бўлса, янги сайланган МТГ аъзолари раис, унинг муовини ва котибиятни яширин бюллетенлар ёрдамида тайинлашади.
- 27) Раис ва раис муовини эркак ва аёллардан иборат ва котибият ҳар қандай таркибда бўлиши мумкин.
- 28) МТГ аъзолари ҚИРЛ амал қилиш даври учун сайланадилар.

3-Ҳаракат : Сайлов Комиссиясини Тузинг

- МТГ вазифалари, сайловчининг мувофиқлиги, МТГ аъзик мезонлари ва сайлов қоидаларини ўрнатгач Сайлов Комиссиясини тузишингиз керак бўлади
- Энди эса Сайлов Комиссияси Вазифа ва Мажбуриятларини кўрсатиб беринг. Бу кўнгиллilar айнан нимага ёрдам беришларини тушунишлари учун зарур.

Сайловолди Мажлиси, Плакат 4

Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси:

Сайлов Комиссияси Аъзоларининг Вазифа ва Мажбуриятлари

- 1) Уларнинг худудларидағи овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатини тузинг. Бу рўйхат МФЙ томонидан берилган уй хўжаликлари рўйхатига асосланиши ва тайёр бўлгач мувофиқ худудлар жамоат жойларига осиб қўйилиши зарур
- 2) Сайлов санаси ва вактини мувофиқ сайлов рўйхати қаршисига жойлаштиринг
- 3) Сайлов бюллетенлари ва қутилари қулай, жамоат жойларида эканига ишонч ҳосил қилинг
- 4) Сайловолди тарғибот компанияларини тўхтатинг
- 5) Сайлов куни худудлардаги бюллетен қутилари олдида туринг, унинг аъзоларига жараён ҳакида тушунча булинг
- 6) Худудлардан қанча эркак ва аёл овоз бериши мумкинligини билинг, мулоқотда бўлинг
- 7) Бюллетен қутилари бўшлигини сайловдан аввал намойиш қилинг
- 8) Худудларнинг сайлов рўйхатларидан хар бир сайловчини сайлаш ҳуқуқига эга эканига ишонч ҳосил қилишда фойдаланинг
- 9) Сайловчилар исмини Катта ҳарфлар ёзишига эришинг
- 10) Ушбу худуд рўйхатидан бўлмаганларни овоз беришлари учун бошка худудларга юборинг
- 11) Одамларни навбат билан туриб олишини ташкил қилинг
- 12) Бюллетнларнинг маҳфилигини таъминланг ва ишонч ҳосил қилинг
- 13) Овоз бериш вакти мувофиқ кетаётганига ишонч ҳосил қилинг
- 14) Бюллетен қутиларини (берилган овозлар билан) марказий, келишилган жойга сайлов тугаши билан тезлиқда келтиринг, овозларни НТ билан биргалиқда сананг
- 15) Сайлов яроқли бўлиши учун хар бир худуддан унинг камида 60 % сайлаш ҳуқуқига эга аҳолиси қамраб олинганини тасдиқланг 60 % сайлаш ҳуқуқига эга аҳоли қамраб олингандаган бўлса, сайлов қайта ташкил этилиши лозим.
- 16) Агар 2 киши бир хил натижга кўрсатса, улар учун зудлик билан қайта сайлов уюштиринг
- 17) МТГ аъзолари сайлаб бўлингач, янги сайланган МЛҚ билан Раис, Раис Муовини ва Котибликка маҳфий бюллетен сайловини уюштиринг.
- 18) Шаблон ёрдамида сайлов жараёнларини ёритинг (3.7 шаклга қаранг)

- Одамларга савол беришларига имкон беринг, уларга жавоб қайтаринг; агар сизда жавоб бўлмаса, ёзиб олинг ва келаси гал жавоб беришингизни билдиринг. ЛАОГ билан боғланиб, саволлар сўрашни унутманг.
- Ҳар бир ҳудуддан 2 нафардан кўнгиллини (1 эркак, 1 аёл) Сайлов Комиссияси аъзолари сифатида хизматда бўлишини сўранг Бу зиёли кишилар бўлиб, сайловда қатнашмайдилар. Улар жараённи шаффоф ва адолатли кечишини таъминлашларига ишонч ҳосил қилинг. Ҳар бир ҳудуддан 2 нафарда одам бўлади. Шу орқали ҳар бир ҳудуддан 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл сайлов нукталарига жавобгар бўлишига эришиш мумкин.
- Улар исми ва мансуб бўлган ҳудудларини ёзиб қўйинг

Барчага келгандар учун ташаккур айтинг, сайлов учун муносаб сана ва вақт қачон эканини сўранг; (сайлов ҳақиқий ҳисобланиши учун камида 60 % сайлов хуқуқига эга кишилар овоз бериши зарурлигини эслатган ҳолда)гурух билан вақт ва сана тўғрисида келишиб олишга эътиборли бўлинг.

4-Ҳаракат : Сайлов Комиссияси Аъзолари билан учрашинг

Изоҳ: Агар вақт етарли бўлмаса, учрашув учун бошқа бирор куни келишингиз ҳам мумкин

- Сайлов Комиссияси аъзоларига яна бир маротаба Вазифа ва Мажбуриятлар плакатини намойиш этинг (уйда кўриб чиқишлиари учун уларга плакат нусхаси туширилган қофозларни тарқатиб чиқишини ҳам унутманг)
- Саволлар ва Жавоблар учун 10 дақиқа ажратинг
- 20 дақиқа ажратинг ва Комиссияси аъзоларидан сайловга тайёргарлик кўришлари учун керак бўладиган барча иш қуроллари ва ҳаракатлар режалаштириб, рўйхат қилиб чиқишлиарини сўранг
- Улардан ўзларининг иш режаларини кўрсатишларини сўранг ва зарурат туғилса ёрдамингизни аяманг (уларнинг и режаси тарғибот, оммавий плакатларни илиш, уйма-уй юриб одамларни огоҳлантириш в.б. лардан иборат бўлиши лозим)
- Сайлов комиссияси аъзоларидан сиз билан мулоқотда бўлиб тариши учун бир кишини тайин қилишларини сўранг. Телефон рақамларингизни алмашиб олишга эътибор қилинг. Унга саволлар туғилганда бемалол алоқага чиқиши мумкинлигини билдиринг

5-Ҳаракат : Якунлаш

- Сайлов Комиссияси Аъзоларига ташаккур изҳор қилинг ва уларга сайловгача камида яна бир бор келиб, вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай саволларга жавоб беришингизни маълум қилинг; ушбу учрашув учун сана ва вақтни белгилаб олинг. Сайлов комиссиясининг барча худудлар аъзоларидан ўз худудлари учун овоз бериш хуқуқига эга умумий сайловчилар рўйхатини (3.5(б) шакл) тайёрлаб қўйишларини ва кўчиб (Россия ёки бошқа ҳориж ўлакаларига ёки Ўзбекистоннинг бошқа жойларига) кетганлар номларини ўчириб ташлашларини сўранг

Илова №6: МТГ сайловолди Учрашуви 2

(3 соат)

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мухандислари: Ташриф 5

Ташриф мақсади: Сайлов Комиссияси билан ишилаш ва Сайлов учун барча тайёргарликларни якунлаш

Ташрифолди Тайёргарлиги

Давом этинг ва МФЙ Раисига ҳамда сайлов комиссиясининг етакчи аъзосига қўнғироқ қилиб, жамоада сўнгти мажлисингиз мобайнида тайин қилган сайлов учрашуви вақти ва кунини эслатиб қўйинг. Уларга бу мажлис сайлов учун ҳамма нарса тайёр эканига ишонч ҳосил қилиш учун муҳим эканини эслатинг.

Ўзингиз билан сайлов қоидаларига оид барча плакутларни олиб келганингизга ишонч ҳосил қилинг; шу жумладан, бюллетен материалларини ҳам.

1-Ҳаракат :

Сайлов Комиссияси билан барча плакатларни яна бир бор ўрганиб чиқинг ҳамда улар учун саволлар бериш ва тушунчалар олиши учун бироз фурсат беринг

2-Ҳаракат :

Манбалар харитасини кўриб чиқинг ва ҳар бир ҳудуднинг икки нафар сайлов комиссияси аъзосидан сайлов қути жойлашган нуқталарни қайд қилиб олишларини сўранг.

3-Ҳаракат :

Хар бир худуднинг 2 нафар сайлов комиссияси аъзосидан сайловчилар рўйхатини кўриб чиқиши ҳамда барча кўчиб кетган сайловчилар илова қилинганинига ва бу сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга эмасликларига ишонч ҳосил қилишларини сўранг. Бу сайлов яроқли деб тан олиниши учун муҳим бўлади. Сайлаш ҳуқуқига эга аҳолиниг камидан овоз тўплашингиз керак. Ушбу 60 % жамоада айни дамда истиқомат қилаётган сайловчилар сонига асосланиб аниқланади.

Сайлов комиссияси аъзоларига миннатдорчилик билдиринг ва жорий сайловдан икки соат аввал учрашишларини сўранг. Мақсад эса уларнинг сайлов бўладиган жойда столларини ўрнатишлари ва барча керакли анжомлар (ручкалар, бюллетенлар, сайловчилар рўйхати ва ҳ.к.з) ҳозир эканига ишонч ҳосил қилишдир

Илова №7: МТГ Сайловлари ва МТГ масъуллари Сайловлари

(6 соат)

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Муҳандислари: 6-Ташриф

Ташриф мақсади: МТГ сайлови ва унинг Масъуллари сайловини ўтказиши

Ташрифолди Тайёргарлиги

Давом этинг ва МФЙ раисига ҳамда сайлов комиссиясининг етакчи аъзосига қўнғироқ қилиб, жамоада сўнгги мажлисингиз мобайнида тайин қилган сайлов учрашуви вақти ва кунини эслатиб қўйинг. Сайлов жараёнини ҳа камраб олувчи бу учрашув ҳал қилувчи эканлигини ва сайлов яроқли бўлиши учун ҳар бир худуддан 18 ёшдан ошган сайловчиларнинг камидан 60% қатнашиши жоизлигини эслатиб ўтинг.

Сайлов ўтказиш учун ёрдамчи гурӯҳ камидан 4 та аъзодан иборат бўлиши лозим, қишлоқлардаги худудлар сонига қараб кўпроқ бўлиши ҳам мумкин(туманингиздаги бошқа ҚФ лар ва Муҳандислар билан келишиб олинг ва сайлов учун сизда етарли одамлар борлигига ишонч ҳосил қилинг). Бунинг учун талаб қилинувчи ашёлар:

- етарли миқдордаги бюллетенлар (3.6 шаклдан фойдаланинг) ,
- етарли миқдордаги сайлов кутилари (худудларнинг ўлчам ва аҳоли сонига мувофиқлиқда)

- етарли миқдордаги ручкалар,
- "сайлов қоидалари плакати",
- тайёр ижтимий харитадан бир нусха ва бир неча кун олдин ҳозирлаб қўйилган сайлов анжомлари,
- ҳар бир худуд учун сайлаш хуқуқига эга сайловчилар рўйхати
- масъуллар ва доимий аъзоларнинг вазифа ва мажбуриятлари санаб ўтилган плакатлар
- масъуллар учун учта қути (Раис, Котиб ва Раис Муовини учун алоҳида)
- қайд учун қофозлар ва кўпроқ маркерлар. Сайлов куни фасилитаторлар эртароқ келишлари мақсадга мувофиқ.

1-Ҳаракат : Сайловни Ўтказиш (6 соат)

- Сайлов Комиссияси билан сайлов бошланишидан камида 2 соат олдин учрашинг
- Уларга яна бир бор қоидалар бўйича тушунча беринг (плакат ёрдамида) ва сайлов қутиларини жойлашган ерни манбалар харитасидан фойдаланиб эслатиб ўтинг.
- Ҳар бир худуддаги ҳар битта гурухни (1 эркак ва 1 аёл) сайлов қутилари (эркаклар учун 1 дона, аёллар учун ҳам 1 дона, ёш йигитлар учун 1 дона, ёш қизлар учун 1 дона) ва етарлича сайлов бюллетенлари (3.6 шакл) билан таъминланг ва келишилган вақтни уларга эслатиб, қутиларни ўз жойларига ўрнатишларини сўранг; етарлича ручкалар борлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Ходимлар атрофни айланиб ҳар бир худуддаги барча сайлов участкаларини текшираётганларига ишонч ҳосил қилинг. Сайлов қутиларини ҳар ярим соатда шахсан кузатиб туринг. Агар шубҳали ёки рухсат берилмаган харакатларни сезсангиз, керакли чораларни кўринг ва вазиятни назоратга олинг (булар одамларнинг овоз бериш жараёнида маҳфийлик етарли эмаслиги; одамларни муайян тарзда овоз беришга чақираётган бирор шахс в.б.ларни ўз ичига олиши мумкин)
- Берилган вақт тугаши билан, одамлар сайлашни тўхтатиб, Сайлов Комиссияси аъзолари сайлов қутиларини келишилган марказий жойга олиб боришлари керак(бу ер шахсий уй бўлмаслиги керак) ва ҚФ лари ҳамда ҚМ лари овозларни санашга ва ҳисоблашга ёрдам боришлари лозим. Сайлов Комиссияси аъзолари сайлов ғолибларини ҳар бир худудда эълон қиласди.
- Энди эса, сайланган аъзоларни учрашувга таклиф этинг. Бу учрашувда фақат сайланган аъзоларгина иштирок этиши жоиз ва МФЙ идорасида ёки бошқа бирор муносиб ерда ўткизилиши мумкин.

2-Тадбир : Янги сайланган аъзоларни ўзларининг Вазифа ва Мажбуриятлари билан таништириб чиқинг, шу жумладан Масъулларни ҳам (90 дақиқа)

- Вазифа ва Мажбуриятларни кўрсатиб берувчи плакатдан фойдаланган ҳолда, ҚФ лари ва ҚИ лари Масъуллар, доимий МТГ аъзолари,(ва плакатни орқа планда қолдиринг), МТГ нинг Ёшлар қуий кенгаши (эркаклар ва аёллар) вазифа ва мажбуриятларини гапириб ўтади,

МТГ аъзоларининг Вазифалари:

- Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) жараёнига оид комплекс маслаҳатларни барча худудлар ва ҳимоясиз аҳоли ва бошқаларга етказилишини кафолатлаш.
- Эргашилаётган ҚТР нинг кенг қамровли учрашувларига ҳисса қўшиш
- Жамоа таҳлили ва ҚТР ни тушуниш
- Қурилиш сифатининг яхши бўлишига эришиш учун субвойиҳаларнинг ижросини кузатиб бориш
- Субвойиҳаларни мониторинг қилиш
 - Вақт тақсимоти
 - Қурилиш материаллари
 - Мехнат сифати
 - Ҳалол меҳнат амалиётлари
 - Саломатлик ва хавфсизлик
 - АМИС га мувофиқлик юзасидан мониторинг қилиш ва ҳисоб бериш
- Ижтимоий ижро жаёнини кузатиш
- Ижтимоий Аудитда қатнашиш
- Жамоатчиликнинг ўз иштирокидан кутаётган натижаларидан келиб чиқиб ишларни яқунланишини тасдиқлаш.
- Вазирликлар ёки бошқа субъектлар томонидан ЭТХ га мувофиқликни кузатиш ва керак бўлганда жамоатчиликнинг ЭТХ билан таъминлаш.
- МТГ фаолиятларини молиялаштириш учун маблағ жамғариш
- Кўмаклашиш ташаббусларини (масалан, тозалаш, камбағал оилалар болаларини кўллаб-куватлаш)
- Тендер Қўмитасининг аъзоси бўлиш

Мансабдор шахсларнинг Вазифалари:

Rauc:

1. МТГ ни йўналтириш, бошқариш ва кўллаб-куватлаш
2. МТГ нинг даврий учрашувларини олиб борилишини ва барча МТГ аъзоларининг тенгма-тенг иштирокини таъминлаш
3. Барча маҳаллалар, ҳамда жамоадаги ўртаҳол ва ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламлари (шу жумладан бевалар, ногиронлар ва қарияларнинг) иштирокини таъминлаш
4. Жамоани ривожлантириш фаолиятларини мувофиқлаштириш
5. МТГ ларнинг ҚИРЛ Амалга Ошириш Қўлланмасида МТГ лар учун белгиланган фаолитлар юритиш қоидаларига амал қилаётганини таъминлаш ва кафолатлаш
6. МФЙ Ижро Қўмитасига ривожлантириш манбаларини турли манфаатдор тарафлардан жалб этиш ҳаракатларида кўмаклашиш (хукумат, ННТ лари ва хусусий сектор вакиллари)
7. Давлат хизматлари жамоатчилик мониторингини назорат қилиш ва , баллар карточкалари тизимидан фойдаланиш
8. ОҚД нинг жамоа манбаларии мудофаачиси сифатида ҳаракат қилиш, коррупция вужудга келган тақдирда, унга қарши курашиш ва тўхтатиш

9. Туман ва вилоят семинарларида иштирок этиш ва жамоатчиликни ривожлантириш хатти-харакатлари билан ўртоқлашиш

Раис Ўринбосари:

1. Раис Ўринбосари аёл киши бўлиши лозим (агар МТГ раиси аёл киши бўлмаса)
2. Жамоада аёлларнинг ривожлантириш жараёнидаги фаолиятларини йўналтириш
3. Ривожлантириш жараёнининг ташки манфаатдор тарафлари билан шу Жамоа аёллари номидан асосий ишларни юритиш
4. Барча ҳудудлар ва барча уйда қолиб кетаётган ҳамда ҳимоясиз аҳолининг (бевалар, ногиронлар ва кексаларни ҳам) иштирокини таъминланиши ва қамраб олинишига ишонч ҳосил қилиш
5. МТГ Раисини барча давлат ресурслари мудофаачиси сифатида қўллаш, коррупция вужудга келган тақдирда, унга қарши курашиш ва тўхтатиши
6. Туман ва вилоят семинарларида иштирок этиш ва жамоатчиликни ривожлантириш хатти-харакатлари билан ўртоқлашиш
7. Раиснинг йўқлигига раис сифатида ҳаракат қилиш

Котиб:

1. МТГ йиғилишлари кун тартибини тайёрлаш, мажлис баённомаларини тузиш ва қатнашаётган барча МТГ аъзоларининг имзоларини қайд этиш
2. Жамоадаги хатти-харакатлар, қоидалар, муҳим дастурларни тарғиб қилиш учун (Раис Ўринбосари билан келишиб) аёллар ва эркакларга тушунарли бўлган эълонлар доскаси билан таъминлаш
3. Молиявий ва бошқа маълумотларни жамоада мавжуд бошқа воситалар орқали тарқатиш
4. Жамоавий харакатларни яхши ҳолатда ва барча учун имконият даражасида бўлишини таъминлаш
5. МТГ ёзишмаларини тайёрлаш

Маҳалла Таракқиёт Гуруҳи Ёшлар қуий кенгашининг (эркаклар ва аёллар) Вазифалари

- Жамоадаги ёш эркак ва аёлларнинг дунёқарашларини ривожлантиришни таъминлаш ва тараққиёт режаларида уларнинг нуқтаи назарларини инобатга олиш
- Ўзаро кўмак гуруҳларига зарурат бўлса ҳаракатларини режалаштириш ва манбаларни сафарбар қилиш бўйича кўмак бериш
- МТГ ларга вазифаларини адо этишда кўмаклашиш
- Ёш аҳолига (эркаклар ва аёллар) маслаҳат бериб борилаётганига ва қамраб олиниётганига ишонч ҳосил қилиш

3-Ҳаракат :МТГ Мансабдор шахслари Сайловини ўтказиш (Аъзоликка сайловлар билан бир кунда)

Изоҳ: Барча МТГ нинг Мансабдор шахслари умумий сайлов куни билан бир кунда яширин бюллетенлар орқали сайланнишлари ўта муҳим. Бу МТГ аъзоларига асосий лавозимларга маълум бир инсонларни сайлашларида таъсирга эга шахслар томонидан босим ўтказилмаслиги учун.

МТГ аъзолари яширин бюллетенлар орқали МТГ Мансабдор шахсларига овоз беришади (30 минут)

- ИХ сайлов жараёнини МТГ Раисини сайлашдан бошланг: барча аъзолардан МТГ Раиси сифатида улар хоҳлаган шахсни исмини қоғозга ёзиб, уни буклаб, сайлов қутисига солишни сўранг
- Ҳар бир масъул лавозимини эслатиб, такрорлаб ўтинг, агар Раис эркак киши бўлса, Раис Ўринбосари аёл бўлиши жоиз, Котиб(а) эса аёл ёки эркак киши бўлиши мумкин
- Барча Масъуллар сайлангандан кейингина, натижани эълон қилинг
- Янги Масъулларни сайлов жараёни ниҳоясига етгандагина эълон қилинг
- МТГ аъзоларига миннатдорчилик билдириб, Раисдан кейинги бир неча кун ичida (камида 60% жамоатчилик иштирокида) йиғилиш ўтказишни сўранг. Барча МТГ аъзоларининг телефон рақамларини олганингизга ва МТГ Идораси Ходимларини ўзингизнинг телефон рақамингиз билан таъминлаганингизга ишонч ҳосил қилинг, токи улар сизга мажлисни ўзгартиришга тўғри келса ёки бирор бир маълумотни сизга етказишни хоҳлашса қўнғироқ қила олиш имконига эга бўлсин.

4-Ҳаракат : Янги МТГ аъзолари ўзларини жамоага танишириади (1 соат)

- Янги сайланган МТГ аъзоларидан (шу билан бирга ёш аъзолар ҳам) биргаликда келиб, ўзларини жамоага, бир-бирларига ҳамда ижтимоий ташкилотчилар ва мухандисларга таниширишларини сўранг
- Ҳар бир МТГ аъзосидан (шу қаторда ёшлар ҳам) ўзлари ҳақида бир оз сўзлашларини сўранг: уларнинг оиласлари жамоада қанча вақт яшаганлиги; улар иш жараёни нима қилишади; МТГ аъзоси сифатида уларнинг энг муҳим устуворликлари нимада.
- Танишириув тугагач, жамоатчиликка бугунги иштироки учун, айниқса МТГ аъзоларига ҳамда ёшлар қуий кенгashi аъзоларига танланган вакил сифатида хизмат қилиш учун кўнгилли сифатида ёрдам бериш истакларини билдирганлари юзасидан ўз миннатдорчилигингизни етказинг ва улар билан бирга ишлашни сабрсизлик билан кутаётганингизни айтинг.
- Барча МТГ аъзолари (шу жумладан ёш аъзолар ҳам) (ва барча кейинги йиғилишда иштирок этиши лозим бўлган) билан учрашув вақти ва кунини келишиб олинг; ҳамда бу йиғилишга МФЙ аъзоларини ҳам қўшилишини сўранг. Бу - сиз субқўмита ва МФЙ/МТГ салоҳиятларни ошириш жараёнини бошлайдиган ярим кунлик тадбирдир. МФЙ ва МТГ раисидан мазкур йиғилишни қаерда ўтказиш кераклигини сўранг. Ҳар бир одам доира ичida ўтиришга ва мунозаралар олиб бориш имкониятига эга бўлиши керак.

5-Ҳаракат : МТГ сайловини яқунлаш

МТГ Сайлови 3.7 шаклини тўлдиринг, янги сайланган МТГ аъзоларидан ва сайлов комиссияси аъзоларидан МТГни рўйхатдан ўтказиш гувохномасини имзолаш ва тўлдиришни сўранг. Барча хужжатларни ЛАОГга топширинг.

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Муҳандислари: 7- Ташриф

(4 соат)

Ташрифнинг мақсади: МФЙ, МТГ ва МТГ қуийи қўмитанинг эркаклар ва аёлларнинг иигилишларни қандай ўтказиш, маълумотларни ошкора алмасиши ва қандай муваффақиятли раҳбар бўлиши

Машғулот учун Ҳозирликлар:

Агар мумкин бўлса сиз эркаклар ва аёллар билан тренинг ўтказасиз, агар бунинг имкони бўлмаса эркак ҚФлар эркаклар билан ва аёл ҚФ лар аёллар билан ишлайдилар.

Фоялар карточкалари, ручкалар, плакат учун қоғозлар ва лента олиб келганингизга ишонч хосил қилинг. Қатнашчиларни кутиб олинг ва улар қулай жойлашганига ишонч хосил қилинг.

1-Ҳаракат : Учрашувларни қандай ўтказиш керак (1 соат 15 дақиқа)

1-Қадам: Умумий гуруҳга 4 гуруҳ хосил қилишларини айтинг (2 та аёллар ва 2 та эркаклар)

- Бир эркак ва бир аёл гуруҳдан аъло даражадаги учрашувни қандай ўтказиш ҳақида колектив билан муҳокама қилишни сўранг Уларга иштирок этишнинг асосий муаммолари, ўтириш жойлари, учрашувнинг самарадорлиги ва ҳар битр катнашувчининг хулқ атвори ҳақида эслатиб қўйишни унитманг. Улардан асосий қоидаларни шакллантиришларини ва уларни плакат қоғозига туширишларини сўранг (20 дақиқа)
- Бир вақтнинг ўзида, бошқа эркак ва аёллар гуруҳидан қарорлар қандай қабул қилиниш, уларни қандай ҳужжатлаштириш ва қузатиб боришни жамоа билан муҳокама қилишни сўранг. Улардан асосий қоидаларни шакллантиришларини ва уларни плакат қоғозига туширишларини сўранг

2-Қадам: Ҳар бир гуруҳдан ўзларининг плакат қоғозларини кўрсатишларини сўранг (15 дақиқа). Бир хил мавзу берилган икки гуруҳ орасидаги фарқларни ёзib олинг ва умумий гуруҳ ўртасида муҳокама учун замин яратинг. (Иштирокчиларга яхши учрашув учун муҳим амалиётлар: ҳар бир иштирокчи бир-бирини кўра олиши учун катта доира шаклида ўтириш, бир-бирини тинглаш, бир-бирини хурмат қилиш, тортинчоқроқ иштирокчиларнинг кўпроқ гапиришлари учун замин яратиш ёки руҳлантириш, ҳамма қабул қилинаётган қарорлардан мамнунлигига ишонч хосил қилиш ва агар келгусида муҳокама қилиниши зарур бўлса, қарорлар ва ҳаракат нуқталарини ҳужжатлаштирилиши ва кейинги учрашувда давом эттирилишига ишонч хосил қилинг)

3-Қадам: Икки аёллар гурухидан 1 гурӯҳ тузишларини ва эркак гурухларнинг ҳам бир гурухга бирлашишларини ҳамда ҳар бир гурухдан оммавий йиғилишларда эркаклар ва аёллар ўзларини тутишларида қандай фарқлар борлигини 15 дақиқа ичида муҳокама қилишларини сўранг. Ҳар бирларидан ўз плакатларини кўрсатишларини ва фарқли ўринларини муҳокама қилишларини сўранг. Кейин аёллар гурухидан ўз нуқтаи-назарларини баён қила олишлари учун эркаклар уларни қандай қўллай олишларини ҳамда, эркаклар гурухидан аёлларни ўз фикрларини билдиришга руҳлантириш учун улар нима қила олишлари тўғрисида сўранг. Жавобларни плакат қофизига тушириб қўйинг.

4-Қадам: Умумий гурухдан ушбу қоидаларнинг қайсиларини идорадаги фаолиятларида амал қилиш учун саралаб олишларини сўранг. (15 дақиқа) Уларнинг лўнда ва равон ёзилиши ва нусхаси МФЙ идорасида қолдирилишига эришинг

2-Ҳаракат : Жамоатчилик ичида маълумотларни қандай қилиб равон услубда етказиб бериш мумкин

1-Қадам: Аввалги 4 гурухни қайта ташкилланишларини сўранг. Ҳар бир гурухдан Жамоа ичида катта учрашув ўтказиш учун асосий жиҳатларни кўриб чиқишлиарини сўранг. (15 дақиқа) (агар зарурат бўлса, турлича тушунча, турлича қудратга (айримлари бирмунча қудратли, айримлари бундай эмас) эга бўлган худудлар ва одамларни ҳам эслатиб ўтинг). Мураккаб маълумотни соддалаштириш учун аудиториядаги бирор кишидан айтилган гапларни ўз сўзи билан такор қилишини, кўргазмали қуроллардан фойдаланишни, асосий хабарларни умумлаштиришни, ўриндиклар жойлашувини, учрашувлар вақтини ҳамма қатнаша оладиган қилиб режалаштиришни, ўзаро хурмат в.б ларни ҳам кўриб чиқиш керак. Улар бунинг нима учун муҳим эканини муҳокама қилишларига амин бўлинг. Улардан муҳокама қилинган асосий жиҳатларни плакатда намойиш қилишларини сўранг.

2-Қадам: ҳар бир гурухдан ўзларининг плакатларини намойиш қилишларини сўранг ва муҳокама учун фурсат қолдиринг. (20 дақиқа)

3-Қадам: Умумий гурухдан улар жамоат йиғилишлари давомида қандайдир қоидалар киритиши исташса қайси жиҳатларни хисобга олишларини сўранг. (20 минут). Масалан, X қишлоқдаги МФЙ/МТГ/ ёки уларнинг қанотлари томонидан ўтказиладиган барча учрашувларда ҳар бир худуддан етарлича вакиллар иштирок этиши кафолатланиши; учрашувлар ўтказиш вақти ёш болали аёллар ва қишлоқ хўжалиги ёки қурилишларда ишловчилар учун бирдай мақбул бўлиши, муҳим хабарлар кўргазмали қуроллар орқали сингдирилиши ва асосий эълонлар маълумотлар доскасида бериб борилиши; в.б.

3-Ҳаракат : Самарали етакчилик маҳоратлари

1-Қадам: қатнашчилар аввалгидай тўрт гурухга бўлиниб фаол мунозара ва муҳокама қилишларини сўранг: жамиядаги холатлардан келиб чиқканда, намунали етакчилик нима (агар зурурати бўлса, гурухларга ёрдам ва кўрсатмалар беришингиз мумкин: жамоавий қарор ва етакчи қарори, бошқаларга қулоқ солиш ва уларни эшитиш, қарорлар устида ҳисобдорлик, камбағалларга хайриҳо бўлиш, ҚИРЛ ни қурилиши доирасидаги иш ривожлари билан ўртоқлашиш, ижтимоий аудитда қатнашиш, жамитяни илҳомлантириш,

бошқаларга топшириқлар юклаш, намуна олишлари учун ижобий шахс бўлиш, жамоадаги барча кишилар фаровонлиги учун қайғуриш). 30 дақиқа ажратинг

2-Қадам: қатнашчилардан тақдимотлари билан ўртоқлашишларини сўранг. 15 дақиқа ажратинг

3-Қадам: мажлис қатнашчиларидан нималарни қабул қилишга келишиб олганларини сўранг (15 дақиқа ажратинг) ва уларни плакат қофозига туширинг.

Қатнашчиларга ташаккур айтиб мажлисни якунланг. Плакатлардан нусха олинг ва аслини МФЙ билан қолдиринг. Плакатга сана ва вақтни туширинг ва МФЙ раисидан зарур бўлганда кўздан кечириб туриш учун идорада қолдиришини сўранг.

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 8-Ташриф

(3 соат)

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қағон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониққан кишилардан қўлларини қўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичидаги овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиласиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг хамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал қўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Ташриф мақсади: Жамоадаги әрқаклар ва аёлларни Фаровонлик Таҳлилига жалб қилиши

1-Ҳаракат : Жамоатчилик иштирокида Фаровонлик Таҳлилини тузинг (3 соат)

Фаровонлик Таҳлили Жараёни:

1. Фаровонлик Таҳлилига Тайёрланиш:

Ушбу машғулот камида 3-4 фасилитаторни талаб қиласи. Яхши тайёргарлик кўриш учун, сиз ҳар бир маҳалладаги МТГ аъзоларидан уй хўжаликлари рўйхатини олишингиз ва ҳар бир хўжалик бошлиғига биттадан карточка ёзишингиз керак. Бошқача қилиб айтганда, жамоада 500 та уй хўжалиги бўлса, ҳар бир уй хўжалиги бошлиғи исми ёзилган 500 та карточка бўлиши керак. (Изоҳ: агар уй хўжалиги бошлиғи аёл киши бўлса, уни карточкада кўрсатганингизга ишонч ҳосил қилинг). (Ўзингиз қилаётган ишлар борасида МФЙ Раисини огоҳ қилиб боринг).

Шу кунгача сиз жамоани етарлича ўрганиб, қайси ер барча фуқаролар учун қулай эканини (нейтрал жой, м.у. дабдабали уйлар қаршисида эмас), шу жумладан ўта ночор ва ҳимоясиз кишиларни билиб олишингиз лозим эди. МТГ Раисидан МТГ аъзоларини ҳар бир худуддан барча уй хўжаликларининг 30 % ни ушбу учрашув учун таклиф этишларини сўрашини илтимос қилинг. Қанча кўп одам кела олса, шунча яхши.

Машғулот куни фасилитаторлар эртароқ ва ўzlари билан карточкалар ва маркерлар олиб келишлари мақсадга мувофиқ.

Фасилитаторлар қанча киши ҳозир бўлганини ва худудларнинг ҳар биридан қанча вакил борлигига қарайди; Агар етарлича вакиллар топилмаса МТГ аъзоларидан одамларни учрашувга чақиришлари илтимос қилинади. Агар жамоат кичкина бўлса (100 дан камроқ киши) унда уй хўжаликларининг каттароқ улуши (60-80 фоизи) қатнашиши мумкин; агар жамоат жуда катта – айтайлик 300 дан зиёда уй хўжалиги бўлса – унда уй хўжаликлари улуши камроқ бўлади. **Муҳими, жамоанинг ҳар бир худудидан камида 20-30 киши иштирок этиши шарт.** Ҳар бир худудни намойиш қилаётган кишиларнинг турли хил ижтимоий-иктисодий қатлам вакилларидан тузилган бўлиши ҳам бирдай муҳим ҳисобланади. Сўнгги жиҳат ўз худудларини фақатгина бой ёки ўртаҳоллар намойиш қилишларини олдини олиш учундир.

2. Жамоадаги ҳамжиҳатлик жараёни:

1-Қадам– Таништирув ва Мақсад

Фасилитаторлар²

- барча иштирокчилар билан саломлашинг, ўзингиз ва жамоангизни таништиринг ҳамда ва қатнашчиларга ўз худудларини фасилитаторларга танитиши учун фурсат беринг: (Бу ҳар бир худуд номидан биттадан вакил чиқиб ўзини таништиргач, ушбу

²Фаровонлик Таҳлили бирмунча мураккаб амалиёт ва 3-4 кишини талаб қиласи. Фасилитаторлар жамоаси ким асосий ишни амалга ошириши ва ким кўмак бериб туриши борасида бир тўхтамга келиб олсалар, қатнашчилар нималар қилинаётганини аниқроқ кўриб туриш имконига эга бўладилар. Эшик сокичилиги ва болалар билан машғул бўлиб туриш учун 1 тадан одам керак бўлади.

худудлардан қанча киши келганини етказиши орқали қилиниши мумкин (Сонларни ёзиб олинг ва 3.9 (б) шакл МФЙ раиси мизолаши учун тўлдиринг)

- **мажлис мақсадини тушунтириг:**

"асосий мақсад Жамоа аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларини тушунишдан иборат"

Аввал бошданоқ ушбу машғулотлар натижалари ҚИРЛ га ривожлантириш жараёнлари ва ўзининг фаолиятларини яхшироқ тизимлаштириб олиши учун ўта мухимлигини яхши идрок қилиш зарур; (ва бу бизга ушбу қишлоқни бошқалар билан чамбарчас равища тушунишга ёрдам беради)

- харитага асосан, сиз ҳудудларни билиб олгансиз. Энди одамлардан ўзларига мансуб бўлган ҳудудлар бўйича ўтириб олишларини сўранг. Агар бирор ҳудуддан етарли даражада вакиллар келмаган бўлса, унда тегишли МТГ аъзоси ҳудуддан учрашувга кўпроқ одам жалб қилиши керак. МТГ аъзолари ва МТГ нинг ёшлар қуи кенгаши аъзолари ўз ҳудудларига бирикиб, машғулотда иштирок этётганига ишонч ҳосил қилинг. Бу таҳлилнинг янада аникроқ бўлишини кафолатлади).
- Барча иштирокчиларнинг қулай ўрнашиб олгани ва учрашувга тайёрлигига аҳамият беринг.

2-Қадам – Категорияларни Тузиш

Бош фасилитатор

- ҳозир бўлган иштирокчилардан қуйидаги саволни сўраш билан мажлисни очиб беради "Сизларнинг ҳаммаларингиз шу қишлоқда истиқомат қиласиз ва деярли барчангиз ўз оиласарингизни таъминлаш ва тирикчилик ташвишлари билан банд бўласиз, шундай эмасми?" Савол шундан иборатки, сизларнинг ҳар бирингизда тирикчилик фаолиятига жалб қилиш учун бир хил ресурслар ва иш кучи мавжудми? Бошқача айтганда, биз яшаш даражамизга кўра бир хилмизми? қанча ерга эгамиз?, қандай дехқончилик қиласиз?, қанча чорвамиз бор?, ишлаш учун нима қиласиз?, нима билан озиқланамиз?, йил давомида қанча озуқа истеъмол қилаяпмиз?, нима кийяпмиз?, болаларимиз маълумоти? кўлимиздаги мол-мулк, яшаётган уйимиз тузилиши, в.б.; Бу одамлардан нима истаётганингизга очик ишора қиласи ва уларнинг одамлар/уй хўжаликлари ўртасидаги мавжуд тафовутлар устида фаол мунозарага киришишларига имкон яратади.

Индикатор сифатида фойдаланила оладиган асосий майдонлар ҳакида сўрашингиз кераклигини (ҳамма жамоаларда сўралади) айтиб ўтинг: ер майдонларига эгалик ҳажми (ижарадаги ёки шахсий), чорва моллар миқдори, даромад (Сўм, бир ойлик), болалар таълими, кредит бериш/олиш, аванс, ҳаражатлар (қайси ҳудуд/давлат ва бир йилга қанча).

- иштирокчиларни ручка ва карточкалар билан таъминланг ва фарқларни ёзишларини сўранг. Ушбу фарқлар ғоялар карточкаларида хусусиятлар дейилади. Ушбу нуқтада одамлардан шаблонлар ҳакида сўраш мумкин - ерга эгаликдаги турлича миқёслар,

чорва моллари, уйларнинг турлари ва бошқалар. Машғулотнинг ушбу қисмини бажаргач, одамлардан ушбу хусусиятларни гуруҳлаштиришларини сўранг— ерга эгалик ҳажми, мавжуд чорва, уй тури, истеъмол қилинадиган озуқа тури, таълим ва х.к.з.

- Хусусиятларни гуруҳлашга асосланган ҳолда, жамоада қанча ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар мавжудлиги ва уларни номлаб ўтишларини сўранг. Одамлар **ўзига тўқ, ўртаҳол, камбағал ва ўта камбағал** каби тоифларни кўрсатиш эҳтимоли кучлироқ. Сиз бой, ўртаҳол, камбағал каби сўзларни ишлатгингиз келмас, аммо, тоифаларни аниқ ажратиб олиш ўта муҳимдир. Сиз ушбу гуруҳлашларни А,В,С,Д учун 1,2,3,4 деб номлашингиз мумкин.
- Ҳамманинг рози эканига ишонч ҳосил қилиш учун, бирор кишидан барча тоифалардаги хусусиятларни қайта ўқиб беришини сўранг ва одамларга ўзгартириш киритиш имконини беринг

3-Қадам— Ижтимоий-Иқтисодий Гуруҳлашларни Ташкил қилиш

- Энди, сиз тайёрлаган номланган карточкалардан фойдаланинг (худуд бўйича ҳар бир уй хўжаликлари бошлиғининг исми бўялган битта карточка) ва ҳар бир худуд МТГ аъзоларига тегишли исмли карточкаларни беринг ва белгиланган худуд одамларидан номланган карточкаларни тоифалардан бирига жойлашини сўранг. Ҳар бир уй хўжалиги учун (номланган карточкалар) карточкалар нима учун маълум бир тоифалар бўйича жойлаштирилганини одамлар муҳокама қилишлари, тегишли худудлар одамлари ўртасида розилик борлигига ишонч ҳосил қилишлари ва бошқалар билан яна бир бор текширишлари муҳим. Белгиланган мезонларнинг камида 60 % қўлланилсагина шахсларнинг карточкаси муайян тоифага киритилади. Бу жараённинг қўшимча хусусиятларга олиб келиш эҳтимоли бор, м.у. ерсиз, ойлик ишчилари, в.х.кз. Жараён қатнашчилар ўртасида тортишувлар келтириб чиқариши мумкин ва фасилитаторлар ушбу фикр алмашинувларини давом эттириб, уларни якуний хуносага йўналтиришлари лозим. Ушбу жараён мобайнида айрим уй хўжаликлари ҳеч бир тоифага тушмаслиги ва ўртачадан пастроқ, ўта ночор, ўртачадан бироз яхши ахволда каби янги тоифалар/синфларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бой, ўртача ва камбағал тоифаларига мос келмаган карточкалар янги тоифалар бўйича жойлаштирилиши керак;
- Дехқон-Фермерларни бундай бўлмаганлардан ажрата билишга эътибор қилинг
- Машғулот сўнгидаги фасилитатор иштирокчилардан бирор бир қўшимча ёки ўзгаришлар қилиш истаклари ҳақида сўраб билишлари ва уларга маълумотлари ҳамда сарфлаган вақтлари учун миннатдорчилик билдиришлари лозим;
- Ниҳоят, барча карточкалар шундай усулда рақамланади ва кодланадики, хусусиятларига кўра тоифалар ва уй хўжаликлари номлари идорада қайта жойлаштирилиши мумкин.

Сессия давомида кўриб чиқиладиган эҳтиёткорлик чоралари

- Эҳтимол, жамоада хукумронлик қилишга / тўсқинлик қилишга / ва ҳаттоқи сессияни назорат қилишга ҳаракат қиласидиган қудратли шахслар бўлиши мумкин("бошқаларнинг фикрига таъсир ўtkазишга ҳаракат қиласидиган аҳоли"). Бундай шахслар кейинчалик мунозараларни шундай янглиш услубда олиб

борадиларки, уларнинг қариндош-урұғлари, ёки ишчилари, шериклари ва бошқалар лойиҳалар олиб келадиган ресурслардан фойдаланиб қолишга уринадилар ва ўз навбатида улар бунинг натижасида нуфузларини мустаҳқамлаб олади. Бундай шахсларни мажлисдан чиқарып юбориш учун, уларни хилватроқ ерга чақириб, маҳаллий билимларини гапириб олишлари учун сұхбат уюштириш лозим.

- Одамлар имкон борича күпроқ уй хўжаликларини камбағал тоифаларга қўшишга уриниши эҳтимоли ҳам бор ва сиз улардан огоҳ бўлишингиз керак. Шунинг учун ҳар бир уй хўжалиги учун сиз бу карточкаларни нима учун муайян тоифаларга жойлаштирилганини мухокама қилишни ўша гуруҳдаги бир ёки икки кишидан эмас, умумий гуруҳдан сўрашингиз жуда мухим. Ушбу гуруҳ карточкани жойлаштироқчи бўлган маълум бир тоифанинг кўпгина хусусиятларини мухокама қилиши керак. Унутманг, агар карточкалар бирор тоифага киритиладиган бўлса, шу тоифанинг камида 3-4-5 (60%) хусусияти талаб қилиниши керак.
- Ҳар бир жамоада мажлисга ҳалал бериш эҳтимоли бўлган кўплаб ёш болалар мавжуд. Ҳар бир кўмакчилар жамоасида болаларни четга олиб турадиган, ўйинлар ўйнайдиган, ёки машқлар бажарадиган, умуман олганда жамоага болалар дунёқарashi билан қарайдиган бир шахс бўлиши керак.
- Фасилитаторлар учун барча ижтимоий-иқтисодий гурухлар ФТда иштирок этиб, ўз ҳиссаларини қўшишига эришиш жуда мухим, қолаверса иштирокчилар ўртасида ўзаро муносабат ҳам бўлиши зарур. Бу муносабат номланган карточкаларни қайси тоифага киритиш ва ҳар бир синф хусусиятлари борасида жамоавий қарор қабул қилиш учун ҳам керак. Бу янада аниқроқ таҳлилнинг кафолати бўлади;

Сиз маълумотларни иккинчи марта текширишингиз ва баъзи уй хўжаликларига уларни Фаровонлик тоифасида тўғри ўриндалигини ёки ўзгариш киритилиши кераклигини кузатиш учун ташриф буюришингиз мухим.

Ваниҳоят, қатнашчиларга бугунги қўшган ҳиссалари учун миннаторчилик билдиринг ва уларга ушбу харита нусхаси кейинроқ МТГ Котибига етказилишини эслатинг

2-Ҳаракат : Ўзингизнинг жамоатчилик билан навбатдаги учрашувингизни режалаштиринг (10 дақиқа)

ФТ жараёни ниҳоясида, ҳозир бўлганларга жамоангиз тез орада яна бир бор ташриф буюриб, жамоадаги барча ҳудудлар аҳолисидан ташкил топган катта жамоа иштирокидаги учрашувда ФТ билан ўртоқлашишингиз ва фикр-мулоҳазаларни ўрганишингиз айтинг. Мавжуд Жамоа расмийлари- МФЙ ва МТГ, МТГёшлар қуий кенгашидан одамлар учун бирор қулай санани танлашларини ва ҳар бир ҳудуддан етарлича қатнашчилар келишига ишонч ҳосил қилишларини сўранг. Ҳар бир ҳудуддан камида 50 % уй хўжаликлари сизнинг навбатдаги учрашувингизда ҳозир бўлиши керак.

Идорада (кейинги бир неча кунлар)

Ҳаракат 3: Маълумотни ўрганиб чиқиш ва Таҳлил қилиш

Идорага қайтганингизда катта плакатга учта устундан иборат оддий жадвал туширинг: синф, хусусиятлар ва уй хўжалик номлари. ФТ жадвали келаси гал жамоага машғулот

натижаси билан ўртоқлашиш учун ташриф буюриб, унинг аниқлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларни эшитиш жараёнида керак бўлади. Иш ниҳоясига етгач, жадвалнинг нусхаси МТГ Котиб(а)сига берилиши ва нусха идора жамоасининг тегишли мутахассиси томонидан сақланиши керак.

Ижтимоий-Иқтисодий Гуруҳлаш УХ лар сони ва фоизи	Мезон-ҳар бир Ижтимоий-Иқтисодий Гуруҳлашни белгиловчи жиҳатлар	Уй хўжалиги Бошлиғи Исмлари
<u>Юкори Даромад</u> УХ лар сони УХ лар фоизи	Ерга эгалик (қарз ёки хусусий), касб (мисол учун, муаллим, ҳамшира в.б.) ёки бандлик тури (қурилиш, кунбай иш) ҳар ойлик кирим, мол-мулк, чорва, яшаётган уй тури, болаларнинг таълим даражаси, тиббий амалиётлардан фойдаланиш имконияти.	
<u>Ўртacha Даромад</u> УХ лар сони УХ лар фоизи		
<u>Ўртачадан камроқ бўлган Даромад</u> УХ лар сони УХ лар фоизи		
<u>Кам даромад</u>		

УХ лар сони УХ лар фоизи		
<u>Эҳтиёжманд</u> УХ лар сони УХ лар фоизи		

Жадвал жамоадаги ижтимоий-иктисодий тузилманинг суратини ўзида акс эттиради, масалан, нечта уй хўжалиги қайси тоифаларга киради. Турли ижтимоий-иктисодий гурухларнинг хусусиятлари Жамоа аъзолари бой, ўртacha, камбағал, ўта камбағалларни қандай белгилашини кўрсатади. Масалан, бу ер (ёки етишмаслиги), бандлик, бирор турдаги уй, капитал киритиш, жисмоний меҳнатни сотиш, таълим ва бошқалар бўлиши мумкин. Фаровонлик Таҳлили сизга бойлик бир жойга тўпланиб қолганини – кам сонли уй хўжаликлари томонидан ушлаб турилганини – ёки тарқоқ ҳолда эканини билишга ёрдам беради. У сизга бойларнинг, ўртаҳол ва камбағаллар ерларининг ҳажмини ва бу ерларга турли синф вакиллари қандай ишлов беришига (м.у. трактор, ҳайвон, кетмонсимон асбоблар ёрдамида) оид тушунчаларни беради. У ер ҳайдаш учун ким тракторга ёки от-уволга эгалигини ва уларни қандай ижарага олишни ҳамда, ижарага олишга кимни қурби етмаслигини кўрсатади. Шунга ўхшаш, яна турли синф вакиллари қандай турдаги уйларда яшашини, болалар оладиган таълим тури ва бошқаларни акс эттиради.

Бу машғулотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки у дехқончилик ёки чорвачилик (ва шу орқали тирикчилик манбаи), ер эгалиги, ер тақсимоти, таълим олиш имкони ва бошқаларда янги тадқиқот жабҳаларини очади. Буларни янада батафсил тадқиқ қилиш учун келажакда бошқа жамоавий машғулотлар ташкиллаштирилиши мумкин. Шу билан бирга, камбағалликни таҳлил қилиш сизга ҳар қандай жамоада сизнинг таъсир гурухингизни аниқлаш ва уларнинг яшаш шароитларини батафсил ўрганиш имкониятини беради.

МФЙ ва МТГ га кейинги ташрифда, ФТ плакатидан фойдаланган ҳолда МФЙ ва МТГ Раислари ва аъзоларидан улар жамоани ушбу ижтимоий-иктисодий профилининг қайси нуқтасида эканликлари белгилаб олишларини сўрайсиз.

ФТ нинг Потенциал Фойдалари

- Жамоанинг ижтимоий-иктисодий таркибини ва бойлик ва қашшоқлик даражасини ҳамда жамоадан узилиб қолишни тушуниш (қайси гурухда қанча инсонлар борлиги ҳамда ерсизлар сони в.б.)

- Жамоатчилик олиб борувчи фаолиятлар учун Хайриҳохлик гурухларини аниқлаш (бевалар, қишлоқ хўжалигидаги кунбай ишчилар, ва х.к.з);
- Бой ва камбағал, ўртаҳол ва камбағал оиласалар ўртасидаги иқтисодидий муносабатларни (ким кимга ишлайди) тушунишга киришинг ҳамда бу тобеликни сусайтириш йўлларини изланг.
- Ушбу жамоавий таҳлил МТГ лар томонидан ижтимоий ҳимоя механизмларига эҳтиёжи бор энг камбағал уй хўжаликларини аниқлашда фойдаланиши мумкин.

Илова №10: Саломатлик Таҳлили ва ФТ ни Тасдиқлаш

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 9-Ташриф

(1.5 соат Саломатлик Таҳлили учун (параллел мажлис)
(2.5 соат ФТ учун(әшикма әшик)

Ёрдамчи маслаҳатлар

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишига эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониққан кишилардан қўллларини қўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичидаги овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушуниринг
7. Ҳар бир кишига худди ўз оила аъзоларингизга қиласидиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласидиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Ташриф Мақсади: Камбагал Уй хўжаликларининг эркак ва аёллари билан (апоҳида) саломатлик таҳлили машғулотлари ўтказилиши (1.5 соат)

Ушбу таҳлил эркаклар ва аёллар учун алоҳида ўтказилиши керак, сабаби улар саломатлик масалалари тўғрисида қарама-қарши жинс вакиллари иштирокида гапиришни ёқтирумайди.

Изоҳ: Фаровонлик Таҳлили хуносаларидан (камбағал уй хўжалиги бошлиқларининг исмлари, ҳамда уй хўжалигининг бошлиғи бўлган камбағал аёллар исмлари) бу машғулотлар учун 8-10 та эркак ва шунча аёл қатнашчиларни (эркак ва аёллар турли уй хўжаликларидан бўлиши лозим) аниқлаб олишда фойдаланинг. Бу машғулот учун сиз кунлик савдо/ шартнома асосидаги ишларда меҳнат қилувчи эркак ва аёллар билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб борасиз. МТГ Раисига боғланиб ҳар бир ҳудуддан камбағал хўжаликлар бошлиқларини учрашувга таклиф қилишини сўраши учун унга рўйхатни топширинг. Кейин эса ундан барча ҳудудлардан уй хўжаликларини ёлғиз бошқараётган ўта камбағал аёлларни ҳам бошқа бир учрашув учун таклиф қилишини илтомос қилинг.

Эркак ва аёллар билан Саломатлик Таҳлили Мажлисига Тайёрланиш

Саломатлик таҳлили машғулоти камида 2 нафар фасилитатор талаб қиласди (1 ҚФ эркаклар ва бир ҚФ аёллар учун) ФТ плакатани олиб келишни унутманг. Машғулот куни фасилитаторлар эртароқ ва ўзлари билан карточкалар ва маркерлар олиб келишлари мақсадга мувоғик.

Мавсумий календарь учун сизга карточкалар ва маркерлар асқотади.

ФТ ни тасдиқлатиш учун сизга ФТ плакати ва ноутбукингиз (ён дафтариңгиз) керак булади

1-Ҳаракат : Саломатлик Таҳлили

1-Қадам: Турли ҳудудларда яшовчи **8-10** нафар эркак (турли Уй хўжаликларига мансуб) ва **8-10** нафар аёл (биринчи гуруҳ вакилларига мутлоқо алоқадор бўлмаган бошқа Уй хўжаликлари аъзолари) билан учрашинг. Ўриндиқларни одамлар бир-бираига ва фасилитаторга юзланиб ўтиришлари учун доира шаклида жойлаштириб чиқилишига диққатли бўлинг.

2-Қадам: Машғулот мақсадини тушунтиринг: "Биз сизлардан ўзингиз дуч келаётган энг муҳим саломатлик масалалари тўғрисида билмоқчимиз" Муҳокама таҳминан 1.5 дан 2 соатгача вақт олиши мумкин. Сиз шунча вақт ажратса оласизми? Ҳаммани қолишга рози эканига ишонч ҳосил қилинг. Агар кимдир сизга факат 1 соат ажратса олиши мумкинлигини айтса, у иштирокчига яхшиси бошида рухсат бериб юборганингиз маъқул.

3-Қадам: Қатнашчилар билан ўзлари дуч келган барча саломатлик муаммолар устида фаол мунозара ўтказинг: келиб чиқувчи мисоллар диарея/ичбуруғ; атсма; зотилжам; иситма; нафас йўллари касалликлари в.б. Қатнашчилар билан касалликлар рўйхатини тузиб олгач, улардан 5 та энг кўп учровчи (кенг тарқалган) касалликларни муҳокама қилиб, баҳолаб чиқишлигини сўранг.

4-Қадам: Энг күп учрайдиган 5 та касаликни ажратиб олинг ва матрицани (жадвал) бошланг. Касалликлар карточкаларини чапга ёйиб қўйинг (номланган касалликлар), кейин эса асоратлар, даврийлик (ҳар йил учун), касаллик кечишининг ўртacha муддати, касаллик сабаби ва алоқадор ҳаражатлар ҳамда ушбу ҳаражатларнинг қай тариқа қопланиши (куйироқда кўринг) учун номлари остида бошқа бир устунни бошланг. Кейин эса ҳар бир касаллик устида бирма-бир тўхталиб, муҳокамага киришинг. Келтирилган жавобни карточкаларга ёзиб чиқишига ҳаракат қилинг; якунлагач, кейинги касалликка ўting. Шу йўл билан сиз бутун матрицани тўлдириб чиқасиз. Тугаллагач, гурухга матрицани қайта ўқинг ва уларнинг розиликларига эршинг.

Саломатлик Таҳлили Матрицаси: Фақат Намуна учун

Касаллик	Аломат лар	Даврийл ик	Касал бўлиш вақтининг ўртacha давомийл иги	Мавс ум	Касалл ик сабаби	Буларга боғланган ҳаражатла р (йўқотилг ан иш куни, тиббиёт ҳаражатла ри, шифоҳона га қатнаш учун кетган йўл хақлари)	Агар жамғарма лар бўлмаса, ҳаражатла р қандай ҳал қилинади (кредит, қариндош лар кўмаги, мол-мулкни сотиш, в.б.)
Ич кетиши(диарея)							
Ичбуруғ (пневмония)							
Иситма							
Тери хасталиклари							

5-Қадам: Якунланган матрицадан фойдаланиб, одамлар таъкидлаган сабабга ишора қилиб, ҳар бир касалликни яна бир бор муҳокама қилинг (ёмон ичимлик суви ёки пахта йигими ёки ёмон гигиена ва бошқалар) ва ушбу касалликларни олдини қандай қилиб олиш мумкинлигини сўранг. Гурухга аниқ ечимларни ишлаб чиққунига қадар муҳокама қилиш имконини колдиринг.

Изоҳ: одамлар касалликларининг ҳақиқий сабабини билмасликлари мумкин, аммо, сиз мавсумлар тўғрисида сўрагач, уларнинг ўша пайтда нима иш қилиши ёки сув билан қандай ўзгаришлар бўлишига оид маълумотлар ва касаллик ўртасига "кўприк" ташлашга эришасиз (мисол учун, сиз пахта сугорилиб, сув дренаж тизимига тортилгач одамларда муайён касалликлар юзага келишини пайқаган бўлишингиз мумкин; ёки пахта терилгач уларда муайян тери муаммолари ёки иситма ёки нафас йўллари касаллиги пайдо бўлиши мумкин). Шундай қилиб, одамлар пахта етиштиришда қўлланиладиган кимёвий моддалардан бехабар ҳолда, касалликларни пахтанинг ўзи билан боғлашлари мумкин.

Касалликлар билан танишиб олгач, сиз кейинги баъзи ишларни амалга оширишингиз мумкин; маҳаллий саломатлик расмийлари билан учрашиб, уларга натижаларингизни кўрсатинг ва ушбу касалликларни муолажа қилиш учун кўрсатмаларини сўранг (баъзилари шунчаки эмдори масаласига бориб тақалиши, баъзилари эса жиддий гигиена ва муайян озуқавий моддалар талаб қилиши мумкин (м.у. аёллардаги камқонлик)). Қишлоқ Тараққиёти Режаси давомида, улар билан саломатлик бўйича расмийлар айтган маслаҳатларни ўртоқлашишингиз мумкин ва саломатлик бўйича расмийлар иштирокида жамоатчилик учун мажлис ташкил қилиб, касалликларни енгиш бўйича керакли кўрсатмаларни мутахассисларнинг ўзларининг оғзиларидан эшлишишларини таъминлашингиз мақсадга мувофиқ бўлади. Ишларни давом эттириш учун ўзаро кўмак гурӯхлари билан ишлашингиз мумкин. Бу эрда асосий жиҳат шундаки, ушбу иш маҳаллий ҳамжамиятни ривожлантиришни режалаштириш пайтида тақдим этилади ва бу МФЙ /МТГ ва кенг жамоатчилик эътиборини жамоадаги баъзи одамлар дуч келадиган муаммолар ва уларнинг айримларини ушбу лойиха орқали қандай ҳал қилишга қаратади; лойиха маблағлари орқали ечиб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилишда, уларни ҳал қилишнинг бошқа усулларини топиш учун, жамоани ривожлантириш режасига киритиш мумкин.

6-Қадам: Ечимлар қисмини тугаттанингиздан сўнг, гурӯхга иштироки учун ташаккур изҳор қилинг, маълумотлар келтирилган плакат тайёрлашингизни ва уни улар билан кўриб чиқишишингизни ҳамда МФЙ га топширишишингизни айтинг.

2-Ҳаракат : ФТ ни Тасдиқлаш

1-Қадам: ФТ плакатидан фойдаланинг ва ФТ тоифасидан 5-10 уй хўжалигини тасодифий йўл билан аниқланг.

Изоҳ: сиз барча уй хўжаликларининг 10% ни тасдиқлашингиз лозим. М Бу агар жамоада 500 та уй хўжалиги бўлса, сиз 50 тасини ёки 10 % ни тасдиқлашингиз лозим дегани. Юкоридаги қийматлар бекорга келтирилмаган эди. Илтимос куйидаги формуладан фойдаланиб уй хўжаликлари умумий сонидан 10 % ни ҳисобланг, М

$$500 \times 10/100 = 50 \text{ УХ}$$

Энди эса, тасдиқланиши зарур уй хўжаликлари сонини ҳудудларга бўлинг, м.у.

50 уй хўжалиги/5 худуд= 10 уй хўжалиги ҳар бир худуд учун

2-Қадам: Бу ва кейинги ташриф мобайнида, ФТ ни тасдиқлашни якунига етказинг. Бир худудда бўлиб 10 та Уй хўжалигига ташриф буюринг ва хўжалик бошлиғи ёки каттароқ кишиси билан фикрлашинг. У инсонддан 10 дақиқа вақтини ажратишни сўранг ва ичкарига кириб батафсил сўз бошлаб, бир неча хафта олдин сиз ФТ ўтказганингизни ва ушбу уй хўжалиги текшириб кўриш учун танланганлигини тушуниринг. Улардан қуидагиларни сўранг:

- a) Ерни қарзга олганмисиз ёки хусусийми? Нархи?
- b) Қанча мол-мулкка эгасиз?
- c) Чорва сақлайсизми? Агар бўлса, илтимос, нечта мол, қўй, эчки ва ҳ.к.з. сонини айтинг.
- d) Ушбу уй хўжалигидаги сизнинг асосий даромад манбаингиз нима?
- e) Ойлик киримларингиз қанча?
- f) Сиз бутун йил давомида ишлайсизми?
- g) Маълумотингиз ва болаларингизнинг маълумоти қандай?
- h) Тиббий ёрдам учун қаерга мурожаат қиласиз?

Жавобларга қараб сиз ушбу уй хўжалигини тўғри ижтимоий-иктисодий гурухга жойлаштирганингиз ёки йўқлигини тушуниб етасиз.

Изоҳ: Сиз тасдиқлашингиз керак бўлган 50 уй хўжалигидан 10 таси сиздаги ФТ ижтимоий-иктисодий гурухлашларга мос келмаса, сиз ушбу жиҳатларни қўриб чиқишингиз керак бўлади а)сиз тоифаларни тўғри аниқлаганмисиз (ёки баъзи тоифалардаги кишилар аслида бошқа бир тоифага мансубми). Бу сизга ФТ ни қайта ўтказиш зарурати бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Илова №11: Таълимни Баҳолаш ва ФТ ни Тасдиқлаш (2-қисм)

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Муҳандислари: 10-Ташриф

(1,5 соат МТГ аъзолари билан Таълимни Баҳолаш мажлиси учун)
(2,5 соат ФТ учун(эшикдан эшиккача))

Ташриф Мақсади:

МТГ аъзолари, ўқитувчилар ва кўнгиллиларга таълимни баҳолаши бўйича қисқача тушунча берши (1,5 соат)

ФТ ни тасдиқлашида давом этиши

1. Эркак ва аёллар билан Таълимни Баҳолаш Мажлисига Тайёрланиш

Жамоанинг МТГ аъзолари ва ўқитувчилари билан Таълимни Баҳолаш мунозараси 2 нафар фасилитаторни талаб қиласди. Муҳокама кунида, фасилитаторлар эртароқ келиб, аввалдан келишиб кўйилган ерда МТГ ва МТГ нинг ёшлар қуийи кенгашининг барча худудлар аъзолари билан учрашишлари керак.

ФТ ни тасдиқлатиш учун сизга ФТ плакати ва ноутбукингиз (ён дафтарингиз)

2. Таълимни Баҳолаш Жараёнини МТГ аъзолари, ўқитувчилар ва кўнгиллилар билан ўртоқлашиш

1-Ҳаракат :

МТГ аъзолари, ўқитувчилар ва кўнгиллилар билан кўришинг ҳамда уларга ишни тушунтиришинг, **Уй хўжалиги таълим шакли**, оралиқ бланк ва якуний бланкни беринг, кейин эса қўйидагини тушунтиришинг:

- a. Таълим Таҳлилиниң мақсади ҳар бир Уй хўжалигидаги мактаболди ва мактаб ёшидаги болалар сонини, ёшини, улар қатнайдиган мактаблар ва у ерга етиб олиш масофасини **аниқлаш**. Ҳар бир уй хўжалиги учун битта сўровнома ; ҳар бир уй хўжалиги учун бир оралиқ бланк (ҳар бир худуддаги барча уй хўжаликларини ўз ичига олувчи) ва жамоадаги ҳамма уй хўжаликларини ўз ичига олган битта якуний бланк бўлади.
- b. Таълим Таҳлили ҳар бу худуднинг (худуд қанча катта бўлса, шунча кўпроқ кўнгилли ёшларга зарурат бўлади) жамоатчилиги ичидаги кўнгиллилар (ёшлар) томонидан якунланади. Барча худудлардан йиғилган кўнгиллиларнинг ҳам маълумотлари билан ҳам хисоблашиб борилишига ишонч ҳосил қилинг.
- c. Кўнгиллилар икки кишилик жамоалар шаклида ишлашлари мақсадга мувофиқдир. Бу **МФЙ аъзоларининг жамоадаги** ҳар бир уй хўжалигини кафолатлаш мажбурияти бўлади (ФТ да қайд этилган - рўйхат МФЙ томонидан тақдим этилади), таълим сўровномаси тўлдирилади.

Маълумот тўғри йигилгани ва сўровнома тўғри тўлдирилганига ишонч хосил қилиш ўқитувчиларнинг вазифасидир.

- d. Ўзингизни кўнгиллиларга таниширинг ва вақт графиги борасида бир тўхтамга келинг ҳамда кўнгиллар зиммасига айрим мажбуриятлар юкланг (МФЙ аъзоларида сақланувчи плакатни имзолаганлар) Барча машғулотлар ва натижалар билан бўлгани каби, барча берилган кўрсатмалар ва тушунтиришларни кўнгиллилар/ўқитувчиларнинг ўзларидан ҳам, ўз сўзлари билан эшитинг. Бу сиз ўзингизнинг тўлдиришларингиз ва кўрсатмаларингиз қабул қилинганини кўришда ёрдам беради. Маълумотларни тўплаш ўртача катталиқдаги жамоаларда бир неча кун учун бир неча соат, катта жамоаларда эса 4-5 соат вақт олиши керак. Ўртача катталиқдаги жамоаларда ҳар бир кўнгиллилар жамоаси 25 та уй хўжалиги билан, катта жамоаларда эса ҳар бир кўнгиллилар қарийб 50 тача уй хўжаликлари билан сўровнома ўтказиши лозим. 30 нафар ёшни 15 жамоа учун тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлади (тахминан 6 соатларда 25 та сўровнома ўтказиш имкони бўлиши учун, ҳар бир сўровнома 15 дақиқадан кўп вақт олмаслиги лозим).
- e. Бир худуд учун барча сўровномалар тўлдирилгач, кўнгиллилар ўқитувчилар кўмагида ҳар бир алоҳида сўровномани битта варакада жамашлари зарур бўлади (оралиқ Таълим Таҳлили Маълумотлар Варақаси сарлавҳаси остида. Бу бизга ва МФЙ/МТГ га мактаб ва болалар боғчаларига бўлган зууратни кўриш имконини беради) . Ваниҳоят, сиз барча оралиқ маълумотлар варакаларини жамлайсиз ва якуний таълим таҳлилиниң Жамоа босқичи варакасини тўлдирасиз.
- f. Ҳар бир кўнгиллилар жамоаси учун камида 3 та сўровномани тасдиқлаб беришингиз зарур; агар 1 тадан кўп сўровнома хато бўлса, унда кўнгиллилар жамоаси қайта шуғуллантирилади ва тўғри маълумотларни тўплаши учун яна бир бор юборилади.

2-Харакат : Батафсил сўровномалар бўйича брифинг

- Брифингдан олдин бир ёки бир нечта ўқитувчини ишни назорат қилиб бориш учун тайинланг.
- Мавжуд МТГ аъзоларининг йигилишини киритинг ва МТГ раисидан тарофдаги барча уй хўжаликларининг рўйхатини олиб келиши сўранг.
- Кўрсатма учун: бир варакълик ҳақиқий сўровномадан фойдаланинг ва ҳар бир савонни кўриб чиқинг (экзел варакларига қаранг)
- МТГ аъзоларидан кўнгиллиларни ўзларининг маҳаллаларида ишлашга тайинлашларини ва улар билан бирга ўтириб маҳаллаларини кўчаларга бўлиб чиқиш ва ҳар бир жамояга кўчаларни ажратишни сўранг
- Энди ўзингизни ҳам гурухларга ажратинг, шунда ҳар бир гурух кўнгиллиларни олиб, улар билан қишлоқнинг турли қисмларига боради ва маълумотлар қандай йигилишини тушунтиради; ўқитувчилар ва МТГ аъзолари қатнашиши керак.
- Жамоанинг ҳажмини билган ҳолда (ҳар бир уй хўжалиги учун сўровнома 15 дақиқадан ошмаслиги керак) катта гуруҳдан барча кўнгиллилар гуруҳлари сайлов участкаларини тугатгандан сўнг **муддатни белгилашларини** сўранг;
- Ўқитувчилар билан ўтириб, Уй хўжаликларининг алоҳида сўров варакаларини қандай қилиб оралиқ (худудларга миқёсида) варакаларга умумлаштириш мумкинлигини тушунтириинг (**Excel даги шаклларни кўринг**)
- Ҳамма хайриҳоҳлик ва кўмак учун миннатдорчилик билдиринг.

12-Илова: ФТ билан Ўртоқлашиш ва Мавсумий Календарь

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 11-ташриф

**Изоҳ: Бу машғулот фақат 6 тадан 1 та жамоада, бир жуфт ҚФ етакчилигіда
үтказилади.**

(1,5 соат)

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қаңон турар уй-жойда үтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўzlари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қоникқан кишилардан кўллларини кўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичида овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиладиган **мумомала кўрсатинг**;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир үтказишга ҳаракат қиладиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидағи қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг

Ташриф мақсади:

- *ФТ билан Ўртоқлашиши ва жамоатчиликнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини олиши (1,5 соат)*
- *Эркак ҚФ лари учун: камбағал Уй хўжалиги эркаклари билан Мавсумий календарь тузинг (1,5 соат)*
- *Аёл ҚФ лари учун: камбағал уй хўжалиги аёллари билан Мавсумий календарь тузинг (1,5 соат)*

Мавсумий календарь

Изоҳ: Бу машғулот камбагал оиласлар эркаклари билан алоҳида ташкил қилинини керак. Агар аёллар кунлик ишларда меҳнат қилишига ёлланган бўлсалар, машғулот камбагал уй хўжаликлари аёллари билан қайта ўтказилиши мумкин. Ушбу машғулот қатнашичиларини аниқлаш учун Фаровонлик Таҳлили натижаларидан (камбагал уй хўжаликлари бошлигининг исми ва уй хўжаликларини ўзи бошқарувчи ўта камбагал аёллар) фойдаланинг. МТГ Раисига боғланиб ҳар бир ҳудуддан камбагал хўжаликлар бошликларини учрашува тақлиф қилишини сўраши учун унга рўйхатни топширинг. Кейин эса ундан барча ҳудудлардан уй хўжаликларини ёлгиз бошқараётган ўта камбагал аёлларни ҳам бошқа бир учрашув учун тақлиф қилишини илтомос қилинг.

1. Эркаклар ва аёллар билан ФТ га оид Фикр-Мулоҳазалар ва Мавсумий календарь Мажлисига Тайёрланиш

ФТ билан ўртоқлашиш ва фикр-мулоҳазаларни зиб олиш машғулоти камида 2 нафар фасилитатор талаф қиласди. ФТ плакатани олиб келишни унутманг. Машғулот куни фасилитаторлар эртароқ ва ўзлари билан карточкалар ва маркерлар олиб келишлари мақсадга мувофиқ.

Фасилитаторлар қанча киши ҳозир бўлганини ва ҳудудларнинг ҳар биридан қанча вакил борлигига қарайди; Агар етарлича вакиллар топилмаса МТГ аъзоларидан одамларни учрашува чақиришлари илтимос қилинади. МТГ нинг Ёшлар қуи кенгаши аъзолари ҳозир бўлган ёки йўқлигини ҳам текшириб қўйинг.

Мавсумий календарь учун сизга карточкалар ва маркерлар асқотади.

Фаровонлик Таҳлилига таяниб, ер майдочасига эга бўлмаган/вақтинча фойдаланиш учун олмаган уй хўжаликларини аниқланг. Карточкалар рўйхатидан турли хил ҳудудлардан 16-20 оиласи танланг. Энди эса гурӯхнинг ярмига асосий таъминотчи/боқувчини ва қолган ярмига аёл ишчиларни тақлиф қилинг. Мавсумий календарь эркаклар ва аёллар учун алоҳида ўтказилади. Ушбу гурӯх машғулот қатнашчиларига айланади ва улар билан боғланиб, (МТГ раиси ёки аъзоси орқали) ўзларига қулай пайтда ҚФ лари билан учрашишлари сўралади. Бу машғулот учун катта бино ҳам, тайёргарликнинг ҳам ҳожати йўқ

Бу машғулот учун, жамоа камида 2 кишидан иборат бўлиши керак (кимдир бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласиган аҳолини бўйнига олса, мақсадга мувофиқ бўлади) Эркак ҚФ эркаклар билан, аёл ҚФ эса аёллар билан ишлайди.

1-Ҳаракат : Фаровонлик/камбағаллик Таҳлили бўйича суриштирув ва Фикр- мулоҳазаларни олиш (90 дақика)

• Фаровонлик Таҳлилини кенгроқ даврада намойиш қилинг ва қўйидаги саволлар билан мурожаат қилинг:

- бу ерда сиз топа олмаган, аммо, қўшиб қўйишни истайдиган қандайдир хусусиятлар борми?
- Тоифалаштириш тўғри амалга ошириганми?

Ҳар бир кучадаги одамлардан олдинга бир қадам ташлашни ва уй бошлиқларининг номлари тўғри гурухларга қўйилганлигини текширишларини сўранг.

Тугатганингиздан сўнг ва одамлар ФТ дан қониқиши ҳосил қилишгач, сиз учрашувни ниҳоялашингиз мумкин. Мавсумий календарь учун чақирилган кишиларни эса бир фурсат қолишиларини сўранг. Кейин эса эркак ҚФ камбағал уй хўжаликлари эркаклари ва аёл ҚФ эса камбағал уй хўжаликлари аёллари билан Мавсумий календарь яратиш йўлида иш бошлайди. Идорага қайтгач 3.9 шаклдаги Фаровонлик тахлили бўлими тўлдирилганлигига ишонч ҳосил.

2-Ҳаракат : камбағал уй хўжаликлари билан Мавсумий Календарь тузинг (фаровонлик таҳлили давомида аниқланган).

Эркаклар ва аёллар учун параллел равишида, алоҳида машғулотлар ўтказишга ишонч ҳосил қилинг(90 дақика)

Мавсумий календарьдан кўзланган Мақсад

Мавсумий календарь турли гурухлар ёки бутун жамоага таъсир қилиб турувчи даврий юз берувчи муаммолар таъсирини аниқлаб олиш учун яхши машғулот бўла олади. У шу жумладан, турли гурухлар қачон камроқ банд бўлиши ва танланган ҳаракатларни амалга ошириш учун киришишга мос вақтларни аниқлашда ҳам кўмак беради. Мақсадимиз йўлида, Мавсумий календарь бизга асосий экинлар ва уларга алокадор мавжуд ишлар (мисол учун, экиш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳосил олиш) ва тўланадиган маошларни тадқиқ қилиш имконини беради. Бу сизга турли минтақаларда йил давомидаги маош ўзгаришлари ва берилган минтақадаги иш таклифи мавжуд бўлган кунлар сонини тушунишга ёрдам беради. Шу тариқа биз иш авжига чиқсан мавсумларни аниқлаймиз, на иш, на даромад бўлмаган суст мавсумларни белгилаб оламиз ва иқтисодий зўрикиш пайтида уй хўжаликларининг уларни ёнгиш йўлларини қузатамиз. Бу тушунчалар МТГ ларга камбағалларга кўмак ҳаракатлари борасида мулоҳаза қилиш имкон беради.

Мавсумий календарь Тузиш Жараёни

1. Мавсумий календарьни биргаликда Тузиш Жараёни

Ҳамма иштирокчилар келиб ултургач, бош фасилитатор:

- иштирокчилар билан саломлашади, ўзини ва жамоасини таништиради, иштирокчилар учун жойлашиб олишларини сўраб, фасилитаторларни бир-бирига таништиради; кейин эса асосий фасилитатормашғулотдан **кўзланган мақсадни тушунтиради** :

"Мақсад - экинга ишлов берииш йўллари ва иши жойларининг мавжудлиги ўртасида боғлиқлик, қолаварса уларнинг уй хўжаликларининг турмуши кафолатларига таъсирини ўрганиш"

Иш кўриб чиқилгач машғулот нусхаси жамоатга берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

- машғулот қатнашчиларнинг ёғингарчилик ва қоргарчиликни акс эттирган чизмаларини яратиш билан бошланади. Дастребки жиҳат одамлар йилга қандай муносабатда бўлишини билиб олиш: улар учун йил қачон бошланади. Йилнинг ҳар бир ойи номи алоҳида ёзилган карточкаларни териб чиқиши. Ойлар териб чиқилгач, фасилитаторлар қатнашчилардан қайси ойларда ёғингарчилик энг кўп ва қайсиларида энг кам эканини муҳокама қилишни сўрайди. Энг юқори ёмғир миқдори бу учун картада кўрсатилган ойлар давомида барглар (палмалар, шакарқамиш), таёқчалар ёки тошлар, чизиклар билан белгиланади, уларнинг узунлиги барглар ёки чизиклар билан белгиланади. Энг паст ёмғир миқдорида (ёки ёмғир йўқлиги) барглар ёки тошлар бўлмаслиги мумкин. "Экстремаллар" ўрнатилгандан сўнг, гурухдан энг юқори ва энг паст ёғингарчилик/кор ёғиши билан боғлиқ қолган ойларни тўлдиришлари сўралади;
- энди фасилитатор иштирокчилардан ёмғир/кор ёғишини кўриб чиқишини ва катта майдонларда етиштириладиган барча экинларни, картада ҳар бир ҳосил кўрсатилган ҳолда, (нафақат ўз жамоаларида) муҳокама қилишни сўрайди Илтимос, факат кўп сонли одамларни иш билан таъминлайдиган асосий экинларга эътибор беринг
- кейин ҳар бир ҳосил қачон ёғингарчилик/кор ёғиши (ва ойлар) ва неча ой ҳосил далани эгаллагани тўғрисида муҳокама қилинади;
- ёмғир/кор ёғишига қараб ҳар бир ҳосилни йиғиб олинса, фасилитатор иштирокчилардан ҳосил билан боғлиқ ҳар бир тадбирни муҳокама қилишни сўрайди (екиш, отиш, йиғиб олиш), календарьдаги ҳар бир ҳаракатни кўрсатади ва иш ҳақи ставкаси ва ушбу иш бўйича одатда ишлайдиган кунлар сони қайд этилади.
- йиғим-терим фаолияти, иш ҳақи ва кунлар тугагандан сўнг, фасилитатор бошқа даромад олишни сўраши керак. Экинларга келсак, тадбирлар календарьда ёғингарчилик ва йил ойи бўйича аниқланади.
- энди йил давомида одамлар ишлаган кунлар сонини қўшинг ва бу ҳақда карточка ёзинг; одамлардан ушбу хulosага розиликларини сўранг; агар йўқ бўлса, эҳтимол нимадир етишмаяпти ва сиз календарьни тўлдиришни давом эттиришингиз керак;
- яратилган календарь ойлик даромадлар бўйича экинлар ва бошқа даромад манбалари билан боғлиқ ишларнинг қийматлари бўйича муҳокама қилинади;

- даромад модели аниқланғандан сүнг, қатнашчилар даромад чекланған ёки бўлмаган даврларни қандай яшаб ўтаётгани сўралади; даромад бўлмаган ёки чекланған ҳар ой учун фасилитатор сиздан озиқ-овқат сотиб олиш учун қандай пул топишингизни сўрайди.
- сўровнома иштирокчилари одатда дўстларидан, қариндошларидан, қўшниларидан қарз олиш, ер эгаларидан аванс олиш, озиқ-овқат истеъмолини камайтириш, озиқ-овқат сифатини пасайтириш, мол-мулкни сотиш (чорва) ва бошқалар ҳакида гапиришади. Барча стратегиялар айни дамда муҳокама қилинади. Агар пул қарзга олинган бўлса, фасилитаторлар ҳар бир манба учун шарт ва ҳолатларни суриштиради. (мисол учун, тўланиши керак бўлган эваз, мавжуд қиймат в.б.). Агар озиқ-овқат истеъмоли камаядиган бўлса, фасилитатор тафсилотларни сўраши керак: кунига қанча озиқ-овқат истеъмол қилинади, уй хўжалигида ким оз/кўпроқ овқат ейди ва нега бу вақт давомида овқатланиш қандай ўзгаради ва ҳоказо.
- энди бутун календарьни қатнашчилардан бири тақдим этади, бу эса тақдимотчига "қўшимча равишда интервью олиш" ва ҳар қандай тафсилотларни аниқлаштириш имкониятини беради; бу, шунингдек, машқлар натижаларига кўра барча иштирокчилар рози бўлган пайт (агар бўлмаса, ўзгаришлар киритилиши керак);
- қайд қилиб бораётган киши матрица ва карточкаларда ёзилган мълумотлардан ҳам нусха кўчириб туриши лозим.
- қўшган ҳиссалари учун қатнашчиларга миннатдорчилик билдирилади ва уларга матрицалар нусхаси берилиши эслатилинади;

Идорада (кейинги бир неча кунлар)

3-Ҳаракат: Мавсумий календарь машғулотлари Маълумотларини кўриб чиқинг ва Таҳлил қилинг

Идорага қайтиши билан, жамоа ён дафтарга тушириб олинган Мавсумий календарь нусхаси ёрдамида битта катта плакат яратиши, унга ўша кунги сана ва вақт, қолаверса жамоа аъзолари исм шарифи тушириб қўйилиши зарур. Бу ушбу куролдан фойдаланган кишиларда қандайдир савол түғилганида муаллифларга мурожаат қилишилари учун қилинади. Жамоатга бериш учун қўшимча нусха олиниши лозим.

Плакат тайёр бўлгач, тенденцияларни (йўналиш) изланг. Буни бажаришда қуйидаги саволларни сўраш фойдали бўлади:

- Одамлар йилига неча кун ишлайди?
- Қайси экин кўпроқ иш билан таъминлайди?
- Ҳар бир меҳнат тури (экиш, ҳосил олиш, ва х.к.з.) билан шуғулланиб ишчи қанча даромад топади ва у умумий даромадини йил давомида қай тарзда топади?
- Одамларга даромад келмайдиган пайтлар қачон бўлади?
- Улар бундай даврларни қандай енгиб ўтади? Уларга кимга боғланиб қолган? Уларга ёрдам берувчилар томонидан қўйилаётган шарт ва шароитлари қанаقا?

- Ушбу шартларнинг умумий озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан уй хўжаликлариға қандай оқибатлари бор? Бу шартлар ҳакқониймий? Бу ерда қандайдир яширин манфаатлар йўқми? Масалан ер эгалари аванс бераётганларида, бу иш ҳақи паст мавсум ёки юқори мавсумга асосланадими ва уй хўжаликлари авансларни тўлаш учун ишлаётганларида, иш ҳақи юқори бўлган пайтда ишлайтими? Булар кейинчалик аванс пулларини қайтаришни ҳисоблашда фойдаланиладиган ставкаларми?

Энди Мавсумий календар натижалариға кўра 3.9 шаклдаги В бўлимининг 26 дан 36 гача бўлган қисмларини тўлдиринг

Инобатга Олиниши Зарур Жихатлар

- бу машғулот жуда оддий ва бажариш учун нисбатан енгилдир. Бу бироз вақт талаб қилиши мумкин ва фасилитатор ишларни давом эттиришни ва мавсумий календарни икки соат ичида тугатилишини таъминлаши керак (машғулотни турли босқичларга ажратиб олинг ва ҳар бир машғулотта қанча вақт беришингиз ҳақида ўйланг - шунда, сиз бир соат ичида қаерда бўлишингизни биласиз).
- қатнашчилар жараёнга жалб этилганларига ва фасилитаторлар томонидан бўладиган жиддий ёрдамларсиз ҳам ўзлари уddyalay олаётганларига ишонч ҳосил қилинг. Ўзаро мунозарага киришишлари ҳам яхши самара беради. Ҳеч кимга гап ва фурсат қолдирмаётган кишилар бўлса, вазиятга аралашишга эътиборли бўлинг.
- Ушбу машқни бажариш жуда осон бўлса ҳам, гувоҳлар билан алоқа қилишда муаммолар пайдо бўлиши мумкин, бу иштирокчиларга айниқса, камбағал мавсумда камбағал одамлардан фойдаланадиган бадавлат уй хўжаликлари ёки уй эгалари томонидан ёрдам қўрсатилса, муаммоларни ҳал қилиш механизмларини мухокама қилишни қийинлаштиради. Бундай ҳолатда, бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласиган аҳоли ишга аралашиши ва мавсумий календарь мухокамасидан четлаштиришлари зарур.

Мавсумий календарьдан фойдаланиш эҳтимоллари

- Мавсумий календарь суст мавсумлар – одамларда иш бўлмайдиган ҳафта ва ойларни белгилаш ва улар бундай пул қочган пайтларда қийинчиликларни қандай енгиб ўтишларини кузатиш учун ўта мухим услуб. Олинган натижалар келажакда муваффақиятсизликларни таъминлайдиган механизmlарни (қарз олиш, иш ҳақини ошириш, кредит олиш, активларни сотиш ва ҳк) олдини олиш учун нимани ўзгартириш кераклигини кўриб чиқиш учун ишлатилиши мумкин
- Ушбу машқни вақт ўтиши билан ёғингарчилик таркибидаги ўзгаришларни ва экинларни етиштириш усусларидағи ўзгаришларни, шунингдек яхши ҳосил олиш учун уларни қандай яхшилашни ўрганиш учун мослаштириш ва ишлатиш мумкин.

Илова №13: МТГ нинг ёшлар қуи кенгаши билан(аёллар ва эркаклар) Қишлоқ Тараққиёти режалаштиришолди учрашуви.

Қишлоқ Фасилитатори ва Қишлоқ Мұхандисари: 12-Ташриф

3 соат

Ушбу учрашувдан мақсад шундан иборатки, ҚФ ва ҚИ эркак аъзолари МТГёшлар қуи кенгашининг эркак аъзолари билан, ва ҚФ аёл аъзолари МТГёшлар қуи кенгашининг аёл аъзолари билан учрашиб, барча машғулотларни қўриб чиқиши ва натижаларни ўзларига сингдириши, бундан ташқари ривожлантиришни режалаштиришдаги даҳлдорликни ёшлар ракурсидан мухокама қилишидир.

Тайёргарликлар: Ушбу ташриф учун, ҳозиргача амалга оширилган машғулотлар, плакат қофози, ручкалар ва маркерлар ҳамда лента керак бўлади.

1-Ҳаракат

Барча машқларни эркаклар ва аёллар билан қўриб чиқинг (алоҳида учрашувларда) Эркаклар гурӯҳи манбалар харитасидан, ФТ дан ва аёллар эса Саломатлик ва Таълим Таҳлилиларидан бошлашлари мумкин. Ҳар бир гурӯҳ билан таҳлилини умумлаштириб плакатга тушириш учун ишланг (қандай умумлаштириш учун 14-Илова га қаранг). Энди эса ҚИ дан аёллар гурӯхига бориб улардан Саломатлик ва Таълим Таҳлилини олиб, уларга ФТ ва Манбалар харитасини қолдиринг. Аввалги каби, машғулотлар орқали ишланг ва асосий натижаларни умумлаштиринг (куйидаги 14-Иловага қаранг).

2-Ҳаракат

Машғулотлар умумлаштириб/хуросалаб олингач иккала гурӯҳ билан (алоҳида) Жамоа фаровонлигига даҳлдорлик ва қайси гурӯхлар (ночорлар, химоясизлар, ёшлар) аниқланган масалалардан кўпроқ азият чекишини мухокама қилинг. Гурӯхлардан (эркаклар ва аёллар) уларнинг нуқтаи назаридан жамоаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қандай сублойиҳаларни мухим деб билишлари ва ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайдиган асосий муаммоларни ҳал қилиш учун Жамоа мустақил равишда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигини сўранг. Ҳар бир гурӯҳ таклифини ёзиб олинг ва яқинлашиб қолгна ҚТР мажлисида уларни ўзингиз билан олишни унутманг.

Илова №14: Қишлоқ Тараққиёти Режаси ва ЖМ ни Ташкил этилиши

Қишлоқ Фасилитаторлари ва Қишлоқ Мұхандислари: 13-Ташриф

Эслатма: ҚМ ва ҚФ келгуси 2-3 йил давомида тумандаги ҳар бир соҳа/давлат дастури бўйича инвестиция режалари асосида жамоалар учун нималар режалаштирилаётганини билишлари керак. Масалан, секторда қандай аниқ инфратузилма мавжуд/давлат дастури ҳукумат томонидан молиялаштиришни режалаштироқда ва вақт оралиғи қандей. Ушбу маълумот ҚТР сессиясининг бошида жамоага тақдим этилиши керак, шунинг учун одамлар устивор йўналишни танлаш пайтида қарор қабул қилишлари мумкин.

6 соат

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан тақрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қоникқан кишилардан қўлларини қутаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичida овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиласидиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг хамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиласидиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа торting ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор тақрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Учрашув Мақсади: Амалга оширилган таҳлилларга таянган Қишлоқ Тараққиёти Режасини яратиш (ҚТР) ҚТР камбағалларга қайшишувчан ва кенг қамровли бўлиши мақсадга мувофиқ

Учрашуга Тайёргарлик

Ушбу машғулот камида 4 фасилитаторни талаб қилади. Барча материалларни олиб келишни унутманг: манбалар харитаси, фаровонлик/камбағаллик таҳлили плакати, мавсумий календарь плакати, саломатлик таҳлили плакати ва таълимни баҳолаш. Бу учрашув ўтказилиши учун девори кўпроқ ва иш майдончаси кенгроқ бинони танлаш керак.

Изоҳ: Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР) ни тузишдан мақсад жамоаларни умумий узоқ муддатни кўзлаган қарашни қабул қилишини, шу жумладан унга эришиш йўлидаги стратегия ва фаолиятларини (берилган муддат мобайнида) кафолатлашдир. ҚТР қўпчилик билан ўтказилган (турли қатламлар иштирокида) жамоатчилик ўрасидаги турли машғулотларга асосланган бўлиши керак(Манбалар Харитаси ва Фаровонлик Таҳлили), қолаверса, кичикроқ гурухлар машғулотларига ҳам таянади (Саломатлик Таҳлили ва Таълим Таҳлилини Баҳолаш). (қўйироқда ҚТР плакатига қаранг)

1-Ҳаракат : Таҳлилларни Режалаштиришга боғлаш (90 дақиқа)

- МФЙ ва Маҳалла Тараққиёт Гуруҳи (МТГ) аъзолари иштирокидаги ва барча худуд вакиллари қатнашувчи(имкон даражасида 100 га яқин киши ҳозир бўлиши мумкин) катта мажлисда, МТГ аъзоларидан 5 гурух шакллантиришларини сўранг (бу худудлар гурухлари бўлмаслиги зарур). МТГ нинг ёш аёл ва эркаклар қанотидан ўз худудлари гурухларига қўшилишларини сўранг. Ҳар бир гурух бир машғулот устида ишлаши (қўйироқда кўришингз мумкин) ва асосий натижаларнинг хуносавий плакатларини кўриб чиқиши/яратиши лозим.
 - Манбалар Харитаси инфратузилмаларни аниқлайди/жамоадаги бўшлиқларни тўлдиради
 - Фаровонлик таҳлили камбағал ва ўта камбағал оилаларни алоҳида белгилаб, жамоадаги камбағаллик хусусиятларини аниқ ва тиник қайд этиб ўтади.
 - Мавсумий календарь (камбағал қатлам вакиллари гурухлари томонидан ўтказиладиган) ишсизлик ва даромадсизлик вақтларидағи қийинчиликларни енгib ўтиш механизмлари ва стратегияларини алоҳида қайд этади.
 - Саломатлик Таҳлили жамоада учраб турувчи асосий касалликларни алоҳида таъкидлаб ўтади
 - Таълимни Баҳолаш мактаб ёшидаги болалар сонини таъкидлаб ўтади Ушбу плакат мактаболди болалариниг муаммоли масалаларини ҳам ўз ичига олиши лозим.

Ҳар бир гурухда (ҳар бир машқ алоҳида) бир киши (ҚФ кўмаги билан) плакатни намойиш қилиши керак ва кейин эса гурух асосий натижаларни хуносалаш/муҳокама қилиш устида ишлайди.

Хулосавий Манбалар Харитасининг намунаси қўйидагича:

Изоҳ: Одамларга ўзлари хулоса қилишларига имкон яратинг. Қуйидаги матнлар хулосаловчи плакатни қандай тузиш бўйича фасилитаторлар учун фақатгина таҳминий тушунча беради холос.

Соҳил жамоаси қўйидаги манбаларга эга:

- Мактаб ва Болалар боғчалари/МТМ лар:** Соҳил худудида мактаб ва боғчалар йўқ. Энг яқин мактаблар Соҳил марказидан 4-5 км масофада жойлашган. Болалар мактабга боришилари зарур, аммо, асосий йўлларда тротуарлар йўқлиги боис бу жуда хатарли тус олиши мумкин. Соҳил болалари қатновчи қўшни қишлоқ мактаблари икки сменада ишлайди ва баъзи болалар тушдан кейинги сменага қатнаши керак. Бу эса қиши ойлари болалар уйга қоронғуда қайтади дегани. Катта йўлларда ёлғиз юришга тўғри келиши учун, баъзи ота-оналар фарзандларини қиши мавсумида мактабларга юбормайди. Соҳилда боғчалар/МТМ лар йўқлиги, ота-оналалар эса ишда бўлганлиги сабаб, боғча ёшидаги болалар мактабга тайёраниш учун зарур бўлган ижтимоийлашиш жараёнларидан манфаатлана олмайди.
- Ичимлик суви:** Ичимлик суви сифати ва ундан фойдаланиш имкони худудларга қараб фарқ қилиб боради. Баъзиларни уйларида ичимлик суви бор, баъзиларида эса йўқ. Баъзи худудларда қувурдаги сув босими жуда паст ва натижада ушбу қувурларга қўл насослари ўрнатилинган.
- Электр-энергия:** жамоада XX трансформаторлар бор ва уй хўжаликларининг қарийб ярми муайян симёғочлар орқали тармоққа уланган. Таҳминан 25 % аҳоли ёғоч симёғочлар орқали уланган (бу стандартларга жавоб бермайди ва ёнгин эҳтимоли мавжуд). Колган уй хўжаликлари эса бетом ёки ёғоч симёғочларга қўлбола усуlda уланиб олган. Бу барча уй хўжаликлари электр тармоғига уланганини, аммо, уларнинг деярли ярми хавфсиз равишда уланмаганини англатади.
- Йўллар:** Соҳил худудида битта асфалтланган йўл мавжуд (Асосий катта йўл) Колган барча йўллар паст-баланд ёки ифлос ва баъзи жойлар мавсумий тошқинларга мойил. Асосий катта йўллар тротуарларга эга эмаслиги боис болаларнинг мактабга қатнаши хатарли тус олган ва машиналар туртиб кетиш эҳтимоли бор. XX болалар сўнгги йилларда шу каби фожеаларда ҳалок бўлган.

Фаровонлик Тахлили Намунавий Чизмаси/камбағаллик Тахлилиниг Хулосаловчи Плакати (у қўйидаги баллар турини ўз ичига олиши мумкин)

Соҳил аҳолиси қўйидаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга эга

- Сохилда XX уй хўжаликлари мавжуд; улардан таҳминан 5 % и юқори даромад тоифасига киради; 40 % дан кўпроғи ўртacha даромад тоифасидан; яна 40 % дан кўпроғи паст даромад тоифасидан; ва 10 % дан зиёдроги камбағал қатlam вакилларири.
- Камбағал **уй хўжаликлари** экин ерига эга эмас, қобилиятсизлик туфайли ёлланма меҳнат афзаликларидан фойдалана олмайди, катта ёшда; Ушбу уй хўжаликлари чорвасиз; уларнинг уйларидан бошқа мол-мулклари ҳам йўқ.
- Паст **даромад** уй хўжаликларида экин ерлари йўқ; 300 000 сўмгача ойлик даромадга эга, баъзилари ёрдам ёки ижтимоий нафақа олади, чорвалари йўқ, ҳаммом каби қуляйликлари ҳам бўлмаслиги мумкин, лекин чўмилиб олиш учун қўлбола шаироитлари бор; кўплари кунбай ишдаги инсонлар.
- Ўртacha **даромад** уй хўжаликлари дехқон фермерлардан ташкил топган бўлиб, 1-2 гектар ерга эга, ҳар ойда 1 миллион Сўмгача пул топади, 1-2 бош мол, 1-2 қўй, ва 10 тагача товук боқади; 3-4 хонали уйларда яшашади, баъзилари ўқитувчилар, шифокорлар, жамоат жойлари ходимлари; катта қисми коллежни тамомлаган; баъзилари қурилиш ишчилари ва ойига 1 миллион атрофида пул топишади; баъзилари машинага эга.
- Юқори** даромад уй хўжаликлари, 40-70 гектарга эга, сигир-моллари, машиналари, тракторлари мавжуд, олийгоҳларни тамомлаган, 6-7 хонали 2 қаватдан иборат уйларда яшайди, хусусий шифохоналар тиббий хизматидан фойдалана олади.
- Жамоанинг ярмидан кўпроқ аҳолиси иқтисодий жиҳатдан оқсаб қолган, улар камбағал ва ўта камбағал
- 10 фоиздан ошиғи ҳимоясиз
- камбағаллар ва ўта камбағалларнинг даромади жуда ҳам паст

Мавсумий Календарьни Хулосавий Баҳолашининг Намунавий Чизмаси (у қўйидаги баллар турини ўз ичига олиши мумкин)

- Асосий экин пахта (экинлар ичида энг иш куни билан таъминловчиси–таҳминан 160 кун)
- Йил давомида пахта ишларидағи маошлар кам, аммо, у ҳосилга киргач (таҳминан 20-30 кун) ишчилар кўпроқ пул топади: ўртacha ҳисобда кунига XX қийматда
- Сохилдаги энг банд мавсум (Одамларни КҲ лари ва ХТ билан ишлашага вақтлари бўлмайдиган палла) XX, XX, XX ойларига тўғри келади; Одамлар XX, XX, XX ойларида учрашувлар учун анча кўпроқ вақтга эга бўлади.
- Учрашув учун энг мақбул XX ойдаги XX в.б.

Хулосаловчи Саломатлик Плакатининг Намунамавий чизмаси:

Сохил Жамоасидаги эркаклар, аёллар ва болалар мунтазам қўйидаги касалликларга чалиниб туради:

1. Аёлларда
 - a. бош айланишига сабаб бўлувчи камқонлик, ҳолсизлик, ортиқча ташвишланиш, кўз олди қоронғулашиши;
 - b. Торч инфекциялари
 - c. Кўнгил айнишига сабаб бўлувчи лентасимон гижжалар, ҳолсизлик, иштаҳа йўклиги
 - d. Иштаҳасизликка сабаб бўлувчи гепатит, ҳолсизлик, кўз ва танадаги сарғишилик
2. Эркакларда
 - a. Лентасимон гижжалар (тепароққа қаранг)
 - b. Ҳолсизлик чақирувчи ич кетиши, иситма, в.б.
 - c. Ҳолсизлик чақирувчи тумов
3. Болаларда
 - a. Лентасимон гижжалар (тепароққа қаранг)
 - b. Сувчечак
 - c. Ва бошқалар
4. Касалликлар сабаб эркаклар ва аёллар ишда кунларини ва натижада даромадларини йўқотадилар, дорилар ва шифохоналарга пулларини сарфлайдилар.
5. Ушбу чиқимларни қоплаш учун, одамлар қариндошларидан қарз/кредит олишлари ёки даромад кам ойларда (киш) аскотувчи озуқа бериб турган чорваларини сотадилар.
6. Баъзи касалликарни эмлаш, яхшиларган сув тизими, қатъйроқ гигиена билан олдини олиш мумкин.

Хулосаловчи Таълим Баҳолашининг Намунавий Чизмаси (у қўйидаги баллар турини ўз ичига олиши мумкин)

Соҳилда XX нафар мактаб ёшидаги бола бор

Соҳил болалари:

1. Мактабга қатнаш учун 5 км (бориш ва келиш) йўл босиш керак
2. Катта йўлда хатарга дуч келади, чунки машиналар тез юради ва унда тротуарлар ҳам йўқ
3. Қишида мактабга бормасликлари мумкин, чунки у жуда олис ва қайтишда болалар қоронғуга қолиб кетишади (тушдан кейин ўқувчилар)

2-Ҳаракат : Ҳар бир Гурухнинг Хулосаловчи Плакатлари намойиши (5 та намойиш)

- Ҳар бир гурухдан хулосаловчи плакатларини намойиш этувчи биттадан одам танлаб олинг
- Умумий гурухга намойиш қилингандан ҳар бир тақдимотдан сўнг, натижалар уларни қониқтириши ёки йўқлигини сўранг (агар кимдир норози бўлса, нега ва сабаб нималиги муҳокама қилинг ва агар умумий гурух рози бўлса унда ушбу жиҳатни

киритинг/ўзгартиринг; агар норозилик ҳамон мавжуд бўлса, кўпроқ кишилар розилиги олишга диққатни қаратинг)

3-Ҳаракат : Истиқбол режасини Шакллартириш (60 дақиқа)

- Ҳар бир холосавий плакат тақдимоти ва муҳокамасидан сўнг ва асосий масалалар бўйича бир тўхтамга келингач, умумий гуруҳда жамоатчилик масалалари ва эҳтиёжлари борасида турли ракурслардан нуқтаи назарлар шаклланади.
- Умумий гурухни кичикроқ гурухларга бўлинг (**Худудлар/маҳаллалар бўйича**) ва ўзлари кўриб турган натижалар бўйича нималарни ўзгартириш истагида эканликларини сўранг: ҳар бир худудий гурухдан 5 та карточкага (1 та карточкага 1 та ғоя) холосавий натижалар асосида ўзлари ўзгартиришни истаган нарсаларни ёзишларини сўранг.
- Карточкалар барча худудлар гурухлари томонидан ёзиб бўлингач, Қишлоқ Фасилитаторлари карточкаларни мавзулар (инфратузилма/хизматлар: мактаб, боғча, сув, йўллар, электр тармоқлари, в.б), саломатлик муаммолари, иш ҳақи муаммолари ва паст даромадлиларнинг иқтисодий вазиятини яхшилаш бўйича ва бошқалар бўйича саралаб чиқишилари лозим. Энди эса, бироз вақт сарфлаб МТГ ижро Гурухи билан карточкаларни йиғиб олинг ва барча мувофиқ мавзуларни қамраб оловчи қарашни ифода этувчи таъкид шакллантиринг (масалан, 5 йил ичida: Соҳилдаги барча болалар шу ердаги мактабга қатнай бошлайди ва сифатли таълим олади, барча кишилир тоза ичимлик сувига эга бўлади; барча аҳоли (болалар ҳам) оқилона вакцина оладилар, ва касалликлар ҳам камаяди, давлат ижтимоий таъминлаш механизмлари аниқроқ ишлайди, в.б.)
- Истиқбол режасини ифода этувчи таъкид кейин умумий гурухга ўқиб берилади ва ҳозир бўлганлардан рози ёки норози эканликлари сўралади.

Истиқбол режасини ифодаловчи таъкид мана бунга яқин кўринишда бўлади:

"Соҳил қишилогида ўзининг мактаби ва сифатли таълим олиши имконияти ҳамда у ерда оиласар соглом, шароитлар эса хавфсиз бўлади".

Уибу Истиқбол режасифақатгина бир нечта стратегиялар орқали оширилишини инобатга олинг: қишилоғдаги мактаб ва боғча, барча учун хавфсиз ичимлик суви, вакциналаш, гижжалардан ҳалос бўлиши ва яхшиланган гигиена, фақатгина санитарик ҳожжатхоналар, кўпайган даромад (кичик бизнес, чорва), хавфсиз электр уланишлари, в.б.

4-Ҳаракат : Истиқбол режасини Босқичларга айлантириш (60 дақиқа)

Сиз режалаштириш босқичига ўтишга тайёрсиз. Истиқбол режасини ўлчаса бўладиган босқичларга (истиқбол режасини ёзишга одатланилган карточкалардан фойдаланинг) бўлиб чиқинг (аёллар қарашлари таъкидларида ўсиб чиқсан босқичлар ҳам бўлсин). Мисол учун, биз юқорида фойдаланган қарашни ифодаловчи таъкидни олайлик:

"барча болалар мактабга борадиган жамоада таълим сифатли ва оиласлар соглом, ҳамда хавфсизлик юқори даражада бўлади"

Ушбу истиқбол режаси ифодалаётган таъкидда сиз ўқимишли бола ва соғлом оила ибораларини кўриб чиққан бўлар эдингиз. Агар сиз ўқимишли болаларни гурух иштирокида қисмларга бўлиб юборсангиз, қўйидагиларга аниқласангиз керак:

- a. Соҳил қишлоғида мактаб ва мактаб хоналари турли ёшдаги болалар ва қизлар учун
- b. болалар мактабга мунтазам боради ва ота-оналар уларни мактабга боришлиарини сўрайди
- c. жамоадаги ўқитувчилар ва зиёлилар ёш йигит ва қизларга ўқиш ва ёзиш маҳоратларини ўстиришлага ёрдам беради (м.у. кечки фаолият юритувчи ўкув марказлари)

соғлом оиласла тегишили қисм учун:

- d. тоза ичимлик суви (ҳамма оиласлар учун)
- e. Овқатни, қўлларни замбуруғлар билан захарланишини олдини олиш, учун яхши йўлга кўйилган санитария (чиқиндиларни хавфсиз ушлаб туриш), покиза ҳаёт тарзи, в.б.
- f. Саломатлик хизматларидан яssi гижжалар каби одатий касалликларни даволашда ва зарурий эмламаларни олишда фойдаланинг
- g. камқонлик каби кўп учрайдиган касалликларни даъволаш учун дармондориларга бой озиқланиш

хавфсиз шароитларга алоқадор жиҳатлар:

- h. Одамларнинг хавфсиз ҳаракатланишини кафолатлаш учун катта йўлларга қўшимча равища тротуарлар ҳам
- i. Электр уланишлари/Хукумат стандартларига жавоб берувчи симёғочлар

5-Ҳаракат : ҚИРЛ томонидан ҳал этилиш эҳтимоли мавжуд Босқичларни аниқлаш (60 дақиқа)

Энди эса турли умумлаштирилган жиҳатларни олинг ва улардан истиқбол режасини асосий соҳаларга бўлиб ташлашда фойдаланинг ҳамда қайси соҳаларни қишлоқ Ҳукуматнинг ҚИРЛ ва бошқа ҳомийлар талаб қилувчи (бошқа давлат дастурлари, НТ лар в.б.) соҳалар сифатида танлаши ва кўриб чиқиши юзасидан фикр юритинг (мактаб, ичимлик суви, боғча, йўллар, электр таъминоти; ва ўзлари мустақил ҳал қила оладиган босқичлар (саломатлик – вакцина олиш, гигиенага оид одатларни ўзгартериш, в.б.)

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, қўйидаги босқичлар яратилиши мумкин:

(эда тутиңг сиз ҚИРЛ маблағи биан барча нарсани қўлга кирита олмайсиз, лекин сиз энг муҳимларига эга бўлишингиз мумкин ва МТГ МФЙ билан биргаликда ҚИРЛ таъминлай олмаган инфратузилма учун зараур маблағни жалб қилишлари мумкин)

- барча болалар ўз қишлоқларидаги мактабга қатнайди ва таълим ҳам анча сифатли бўлади (эҳтимол ҚИРЛ орқали)
- барча мактаболди болалари боғчага қатнаши мумкин (эҳтимол ҚИРЛ орқали)
- Барча оиласарда тоза ичимлик суви манбаси мавжуд (эҳтимол ҚИРЛ орқали)
- Қишлоқ ичи ва ташидан ўтувчи йўллар яхшилангани учун бозорларга бориш ҳам енгиллашди (эҳтимол ҚИРЛ орқали)
- Барча катталар ва болалар эмланган, гижжаларга қарши даволангандан саломатлик текширувларига эга (ЎРҲ хизматлари)

Булар бор йўғи мисоллар; бу ерда келтирилган мисолга қўра истиқбол режасига эришиш йўллари жуда кўп бўлиши мумкин. Имкониятлар бир қанча

ҚИРЛ фондини муҳокама қилишда ва менюдаги нарсалардан қайси бирини танлашни ҳал этаётганда, манбалар харитаси ва плакатдаги натижалар муҳокама қилиниши керак. Савол: муҳокамалар ва натижалар асосида қайси инфратузилмага кўпроқ ён босилиши керак? Мисол учун, агар мактаб, боғча, сув танланган бўлса, муҳокама ўзанга тушади: жамоадаги ким ва қандай фойда кўради? Бу қандай қилиб бизнинг истиқбол режамизга ишлаши ва кўпроқ фойда келтириши мумкин?

Айни нуқтада сиз МТГ ёшларининг эркаклар қаноти ва МТГ ёшларининг аёллар қаноти учун 1, 2, 3 инфратузилма бўйича ўз танловларини ва жамоа, шу жумладан ёшлар мустақил равишда амалга ошириши мумкин бўлган тадбирларни тақдим этишлари учун вақт ажратишингиз керак.

Энди эса, учрашувни ялпи мажлис учун очиб, фуқаролар ва МТГ аъзоларидан ёшлар танловлари бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўранг. Кейин эса, куйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда, ҳозиргача бўлган муҳокамалар ва МТГ Ёшлар қўйи кенгаши тақдимотлари нуқтаи назаридан қайси субвойиҳа устувор қилиб олинишини ялпи муҳокама қилинг.

ҚИРЛ маблағлари томонидан амалга ошириладиган Босқичларни Баҳолаш Мезони:

1. Хизматлардан фойдалана олмаётганлар ва сармоялар киритилгач улардан фойда олаётган инсонлар сони.
2. қишлоқнинг ташлаб қўйилган худудлари/майдонларига кўпроқ ён босиш; масалан, ичимлик суви ва электр тармоқларига хавфсиз уланишлар оз бўлган ерлар
3. камида бир (ёки ундан кўпроқ босқич) аёлларнинг танлови асосида бўлиши керак

4. Инвестиция/Босқич фуқаролар учун салбий ижтимоий ва иқтисодий таъсир кўрсатмаслиги

Агар юқорида кўрсатилган мезонларга биноан маҳаллий ҳамжамиятқайси инфратузилмани молиялаштириш тўғрисида келиша олмаса, унда овоз бериш тизими қўлланилиши керак ва унда ҳар бир эҳтимолий инфратузилма битта карточкага жойлаштирилади ва барча карталар ёнма-ён қўйилади ҳамда одамлар алоҳида-алоҳида, бир кишига бир овоз берилган ҳолда танлов қилишади. Бу агар 5 та эҳтимол бўлса, одамлар фақат биттасини танлаши мумкин дегани. Энг кўп овоз тўплаган инфратузилма танланади ва агар маблағлар етарли бўлса, овозлар сонига кўра кейинги ўриндаги инфратузилма аҳамияти бўйича 2-ўринга қўйилади.

Одамларнинг кўпчилиги танланган инфратузилмаларга рози эканига ишонч ҳосил қилинг.

6-Ҳаракат : ЎРҲ дастурлари, ҳомийлар ва НТ лар томонида ҳал қилиниши керак бўлган Босқичларни аниқлаш

ҚИРЛ маблағлари орқали амалга ошириладиган Истиқбол режасибосқичларини якунига етказгач, инфратузилмага алоқадор қолган ишлар бошқа манфаатдор тарафлар яъни Ҳукуматнинг бошқа бир дастури, ҳомийлар кабилар иштирокини талаб қиласиди. МФЙ ва МТГ ушбу манбаларга эга бўлиш учун ташаббуслар билан чиқиши лозим

7-Ҳаракат : Жамоатчилик томонида мустақил ҳал қилиниши мумкин бўлган Босқичларни аниқлаш (60 дақиқа)

Сиз ҚТР нинг инвестиция гранти қисмини тутуганингиздан сўнг, жамоатчиликдан улар ўзлари мустақил равишда, ташқи маблағларсиз, Истиқбол режасини амалга ошириш учун нима қила олишлари мумкинлиги тўғрисида сўранг. Қишлоқ фасилитаторлари турли гурӯхларни фаол мунозарага киришишини сўрайди.

Мисоллар кўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин

- Ўқитувчилар ва бошқа саводли қатлам аъзолари ёшлар учун уларнинг ўқиши, ёзиш, ҳисоблаш, фан ва тил билиш қобилияtlарини ошириш бўйича ўкув машғулотлари ташкил этади. Ўқитувчи ва бошқалар қимматли вақтларини ажратиб, кўнгиллилар сифатида ишлайдилар
- Агар Жамоа ҚИРЛ маблағларидан боғча қурмаётган бўлса (мактаб ёки бошқа инфратузилмани танлаган ҳолда), улар болаларга навбати билан энагалик қилинувчи, аксар аёлларнинг бўш вақтга эга бўлишини таъминловчи очиқ ҳаво/уй боғчалари ташкил этиши мумкин.
- Дехқон-фермерлар бошқалар ҳам ўз озуқа ранг-баранглигини ошириши учун уларга ҳосилларини ошириш борасида маслаҳатлар беради.
- Тажриба ва истеъоддга эга аёллар (кашта, тўқувчилик, чеварлик, чорва ва паррандачилик, томорқа юритиш, фермерлик) бошқа аёлларни ўқиб-ўрганиб, тажрибаларини бойитиши ва янги нарсалар ўйлаб топишида кўмакчи бўладилар.

- Құли узун ва "ижтимоий тиргак" ларга әга кишилар жамоадан узилиб қолган, ҳимоясиз гурухларда манбалардан ва фойдаланиш имкониятини (жамғармалар, күмаклар, маслаҳатлар) яратып беріш ва йўлида бирлашадилар ва жонбозлик күрсатадилар.

8-Ҳаракат : Жавобгар Тарафлар иштирокида Босқичларни Ҳаракатларга айлантириш) (60 дақиқа)

Инвестициявий грант ва ҚТР Истиқбол режасини түлдиришга хисса қўшувчи жамоатчилик ишларини якунлагач жамоадаги гурухлардан барча босқичларни амалга оширишда етакчи вазифани адo этувчи манфаатдор тарафларни ва барча босқичларни кўриб чиқишиларини сўранг.

Ҳаракатлар рўйхати қўйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

1. ҚИРЛ Инфратузилмаси курилишини мониторинг қилиш (хомашёлар сифати, ҳаққоний меҳнат амалиётлари, в.б.) (МТГ)
2. Ўртаёшлар учун ўрганиш ҳалқалари(Ўқитувчилар)
3. Очиқ ҳаводаги боғчалар (вақтингчалик ечим) (ҳар бир ҳудуд/кўчадан қўнгилли аёллар)
4. Огоҳликни ошириш, катталар ва болаларнинг тиббий хихматга мурожаат қилиши юзасидан сафбарлик, хизматлардан фойдаланиш мониторинги (МТГ ва фасилитаторлар)
5. Озуқа тақчиллигига учраган фермерлар ўзаро кўмак гурухлари Жамоа ёки қўшни жамоалардаги бойроқ фермерлар томонидан ташкил этилади ва қўллаб-куватланади (Фуқаролик жамияти: ночор оилалар эркаклари ва аёллари йўл-йўрик кўрсатувчи мутахассислар билан биргаликда)
6. камбағал оилаларга томорқаларида сабзавот етиштиришларига кўмак беринг (дехқон фермерлари)
7. Ўз рўзгорини ўзи тебратувчи аёллар ўзаро кўмак гурухлари ва ночор оилалар аёллари биргаликда ишлашлари, ўз маҳоратлари ва тажрибаларини шакллантиришлари ҳамда ҳаракатлар учун режалар тузиб олишлари зарур (Фуқаролик жамоаи: қизиқиши билдирган барча аёлларни ўз ичига олиши мумкин, агар улар ночорларга кўмаклашиш истагида бўлсалар)

Изоҳ : Жамоа Фасилитаторлари МТГ аъзолари билан ҚТР жараёни давомида қайси босқичлар учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишларини аниқлаш учун бирга ишлашлари зарур. Улар асосий мавзуларда қизиқиши билдирган, холис, эҳтиросли, ташаббускор, самимий, в.б. кишилар бўлади.

9-Ҳаракат :Жамоатчилик Мониторинги Гурухини Ташкил этиш

ҚТР жараёнида барча худудлардан жамоаларнинг кўп сонли аъзолари иштирок этишини ҳисобга олсак, бу Жамоачилик Мониторинги Гурухини шакллантириш учун айни вақт. Иштирокчилардан ўзлари яшовчи худудлар бўйича ўтиришларини сўранг.

1-Қадам: ЖМ Гурухининг Вазифа ва Мажбуриятлари тўғрисида кенг жамоатчиликка тушунча беринг

“Мана энди, Жамоа ўзининг конкрет масъулиятларига эга бўлган Маҳалла Тараққиёт Гурухини сайлаб, узининг ижтимоий таҳлилини якунлаб ҳамда Босқичлар ва Ҳаракатлардан ташкил топувчи Қишлоқ Тараққиёти Режасини тузиб олгач, ўз худудларининг вакили бўлувчи кузатув ишларини олиб борувчи кишилар гурухига эҳтиёж сезмоқдамиз” денг

- a) тараққиёт режаси адолатли ва шаффоф амалга оширилаётганини кафолатлаш учун МТГ фаолиятларини
- b) МТГ барча шахсларнинг эҳтиёжларини ўзида намоён қилувчи маҳаллий ривожланиш институти сифатида фаолият юритаётганини
- c) исталган аъзога гапириш имкони бериладиган МТГ учрашувларининг тез-тез ташкил қилиниб турилаётганини
- d) материаллар сифати ва ҳаққоний меҳнат амалиётларига ишонч ҳосил қилиниши учун ҚИРЛ инфратузилмаси қурилишини
- e) ҚИРЛ маблағи доирасида қурилаётган оммавий қулайликлар/муассасаларнинг хавфсиз, самарали ва узоқ муддат хизмат қилишга мўлжалланганига ишонч ҳосил қилиш учун янги инфратузилманинг Эксплуатация ва Техник Хизмати олиб борилаётганини кузатиб боради.

Умумий гурухга саволлар учун фурсат ажратинг ва имконият даражасида жавоб беринг. (Сиз учун мураккаб саволлар бўлса, уларни ёзиб олинг ва жавоблар учун ЛАОГ билан боғланинг).

2-Қадам: Умумий гурухга 10 дақиқа беринг ва ЖМ да ишлаши керак бўлган кишилар хусусиятлари/сифатларини шакллантириб, улардан энг асосий учтасини ёзиб қўйишларини айтинг. Вақт ниҳоясига етгач, улардан буларни худудма-худуд намойиш қилишини сўранг. ҚФ лар ушбу хусусиятлар/сифатларни битта плакат қозигизга барча худудлар нуктаи назарларини умумлаштириб ёзиб чиқишилари (такрорланишларсиз) ва бирор қўнгилли кишидан уни баланд овозда ўқиб беришини сўрашлари керак. Хусусиятлар/сифатлар бўйича кўпроқ иштирокчилар келишувига эришишини эътибордан қочирманг.

3-Қадам: Такроран, уларнинг худудий гурухларида ишлар экансиз, ҳар бир гурухдан 10 дақиқа давомида муҳокама уюштириб, ўзларидаги энг яхши кишиларни ишлаб чиқилган хусусиятлар/сифатларни ёдда тутган ҳолда, ЖМ Жамоасида хизмат қилишлари учун аниқлашларини сўранг.

4-Қадам: Ҳар бир худуддан ўзлари номзод қилиб кўрсатган 2 кишини аниқлашларини ва номзодлардан ЖМ аъзолигини қабул қилиш ёки қилмасликларини сўранг. Плакат қоғози

олинг ва Жамоа ва туман номини ҳамда сана ва вақтни ёзинг, кейин унга "ЖМ" деб сарлавҳа қўйинг. Ушбу таъкидни ҳам киритиб қўйинг: "Мен жамиятимга ўзимдаги энг яхши қобилияtlар, масъулият, ҳаққонийлик ва тиришқоқлик билан хизмат қилиш учун ўз вазифамни ЖМ аъзоси сифатида адо этаман". Хар бир янги аъзодан ўз номини босма ҳарфларда ёзиб, имзо қолдиришини сўранг. Ушбу қофоз МФЙ раисида ва нусхаси эса (камерангиз ёрдамида олинган сурат) ҚФ ларида қолади.

5-Қадам: Янги ЖМ Жамоаси аъзоларига миннатдорчилик билдириинг, улар ўз ишларида муваффакият қозинишлари учун зарурий бўлган, сизнинг ҳозирлигингизда салоҳиятларини ошириш амалиётларини ўtkазиш санасини ва вақтини белгиланг.

10-Ҳаракат

Энди эса сиз умумий гурухни кетишига руҳсат беринг, лекин МТГ аъзоларидан қолишларини ва танланган З сублойиҳанинг мувофиқлигини тадқиқ қилиш учун бирор сана ва вақтни белгилашларини сўранг. Умумий гурухга қимматли вақтларини аямаганликлари учун миннатдорчилик билдириинг.

Кишлоқ Таракқиёти Режаси формати (3.10 шакл)

Вилоят _____
Ўлка _____ Туман _____
МФЙ ID рақами : _____
МФЙ Номи _____

ҚТР жараёни бошланган сана: _____ (кк/оо/йий)
Ушбу ҚТР га тайёрланиш якунланган сана: _____ (кк/оо/йий)

A1 Қисм: Машғұлотлар Натижалари Таҳлили (Плакат А1)

1. Манбаларни Хариталаш:

Бажарилған Сана: _____
Иштирок этган аҳолининг вояга етғанлар бүйича таҳминий фоизи: _____
Харита суратини бириктииринг ва/ёки хulosаловчи натижаларни
Хариталаш Машғұлотларининг Хulosаловчи Натижалари:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

Якуний натижалар қуидагиларни ўз ичига олади: бошқа қишлоқлардаги мектбларга қатновчи болалар сони, ичимлик сувисиз оиласалар сони, суғориш имкониятлари, йўллардан фойдаланий имкониятлари, электр энергиясидан фойдаланиш имкониятлари, в.б.

2. Фаровонлик Таҳлили :

Бажарилған Сана: _____
Иштирок этган аҳолининг вояга етғанлар бүйича таҳминий фоизи: _____
Фаровонлик Таҳлили ва Хulosаловчи натижаларнинг электрон нусхасини бириктириш
Фаровонлик Таҳлилнинг Хulosаловчи Натижалари

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

(Хulosаловчи натижалар камбағал ва ўта камбағал хўжаликларни ўз ичига олиши лозим)

3. Мавсумий Календарь (мувоғиқ ўринларда):

Бажарилған Сана: _____

2 хulosаловчи натижалар электрон нусхасини бириктиринг (биттаси камбағал уй хўжаликлари эркаклари ва иккинчиси камбағал уй хўжаликлари аёллари учун)

Хulosаловчи Натижалар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

(Ушбу хulosаловчи натижалар суст мавсумли ойлар сони, қишлоқ хўжалиги ва бошқа фаолият соҳаларидаги номунтазам меҳнат кунларининг ўртача сони; кунлик иш ҳақи қийматларини ўз ичига олиши лозим (аёллар ва эркаклар)

4. Саломатлик Таҳлили

Бажарилган Сана: _____

Хulosаловчи натижаларнинг электрон нусхасини бириктиринг

Хulosаловчи Натижалар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

(Ушбу хulosаловчи натижалар аёллар учун энг кўп учрайдиган 5 та саломатлик масаласини, 5 та энг кўп учрайдиган эркаклар муаммосини ва 5 та энг кўп учрайдиган болалар муаммосини ўз ичига олиши лозим)

5. Таълим Таҳлили

Бажарилган Сана: _____

Хulosаловчи натижаларнинг электрон нусхасини бириктиринг

Хulosаловчи Натижалар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

(Ушбу хulosаловчи натижалар мактаб ёшидаги болалар ва боғча ёшидаги болалар сонини ўз ичига олиши лозим)

Кисм А2: Жамоатчилик Истиқбол режаси (Плакат А2)

Истиқбол

режаси:_____

Кисм А3: Босқичлар (Плакат А3):

Үз истиқбол режасини амалда рўёбга чиқариш учун жамоага 5 дан 10 гача Босқичлар рўйхати.

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

Кисм В: Кишлоқ Тараққиёти Режаси Натижалари (Плакат В):

Турли машғулотларнинг умумий натижаларига асосан, Жамоа асосий босқичларни ўз ичига олган истиқбол режасини шакллантирган ва агар у амалга оширилса ривожланиш долзарб эҳтиёжлари қондирилади. Жамоа қўйидаги ривожланиш эҳтиёжларини устувор деб танлайди ва кейин уларни қўйидаги тоифаларга ажратади: (Камида 5 та ва кўпи билан 10 та турли устуворликка эга босқичлар санаб ўтилиши мумкин).

Жамоат Лойиҳалари (Кишлоқлар учун)

Блок	Сублойиха	Тоифа 1: Жамотчилик тарафидан ташқи ресурсларсиз ҳал қилиниши мумкин	Тоифа 2: ҚИРЛ доирасида молиялаштирилиши мумкин	Тоифа 3: Амалга оширилиши учун учинчи томон аралашувига эҳтиёж мавжуд
Таълим (Мактаб ва Болалар Боғчаси)				
Ичимлик Суви ва Санитария				
Энергосамарадорлик йўлида Жамоат Иншоотларини реконструкция қилиш				
Энергия Таъминоти				
Ижтимоий Инфратузилмани Реабилитация қилиш				
Транспортировка— Йўллар ва кўприклар таъмирланишини ўз ичига олади				
Йўлларнинг Дренаж Тизими ва				

Тошқынларга Мослашувчанликни Мустаҳкамлаш				
Күчани ёритиш				
Жамоат Жойларини Ислоҳ қилиш				
Симсиз Интернет Хизматлари				
Автобус Терминаллари ва Бекатларини Куриш/Реконструкция қилиш				
.				

Илова 15: ТЛҚ билан ҚИРЛ молиялаштириши учун таклиф қилинган Суб-лойиҳаларни кўриб чиқиш

Қишлоқ мухандиси ва Қишлоқ фасилитаторлари: 14-ташриф

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасининг ушбу босқичида ҚФ ва ҚМлари ҚИРЛ томонидан молиялаштириш учун таклиф қилинган Қишлоқ тараққиёт режаларидағи (ҚТР) суб-лойиҳаларни ЭТХКни кўриб чиқиш ва ушбу сублойиҳа тақорорий тарзда бошқа инвестициялар ажратилишини олдини олиш учун ТЛҚ билан учрашув ташкил этадилар. Бу учрашувдан аҳамиятли жиҳати шуки, ҚИРЛнинг стратегик йўналишларидан бири бўлган, ижтимоий ҳамкорликнинг яққол намунаси бўлиб, аҳолини кенг иштирокини ва жамоатчиликнинг туман даражасида ижтимоий-иктисодий тараққиёт қарорларини қабул қилишдаги ролини оширишдаги яна бир қадамдир. Жумладан, ҚИРЛ қуйидаги қадамларни амалга оширади:

1-қадам: ТЛҚ билан учрашув ташкил этиш

ҚФ ва ҚМлари ТЛҚ раҳбари, яъни туман ҳокими ўринбосари билан ҳамкорликда- ТЛҚ базавий ва ижтимоий инфратузилма давлат агентликлари (соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, ҳалқ таълими, сувоқова, газ, электр, йўллар ва хоказо.) Бундан асосий мақсад, аҳоли томонидан қабул қилинган қарори, яъни бирламчи суб-лойиҳани ТЛҚ билан ўртоқлашиш, шунингдек, унинг бошқа давлат дастурларига кирмаганлигини қайта текшириш ва ЭТХК тартибини тасдиқлашдир.

2-қадам: ТЛҚда ҚТР тақдимоти

ҚФ ва ҚМлари МТГ билан биргаликда (МТГ раиси, раис ўринбосари ва котиби бўлиши мумкин) ТЛҚда жамоаларининг номидан ҚТРнинг устувор йўналишларини тақдимоти ва ҳимояси учун масъул ва ваколатли вакили сифатида қатнашадилар.

ҚМ кўмагида МТГ делегатлари ҚТР тақдимоти учун флипчартлар/плакатлар, шунингдек, техник-иктисодий асослаш натижалари бўйича қисқа нутқ (5-10 дақиқалик) тайёрлайдилар.(Нега х суб-лойиҳа бирламчи, у иллиламчи бажарилиши керак ва хоказолар). Маълумотлар ўз ичига қўллаб-қувватловчи барча таҳлил натижалирини олиши керак (нима учун айнан бирламчи деб белгиланганини муҳимлиги).

ҚТР тақдимоти (унинг Зта устувор йўналишлари)ни тинглагандан сўнг, ТЛҚ ва тегишли бошқармалар вакиллари эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тартибини тасдиқлаш ва бошқа давлат инвестиция дастурларига киритилмаганлиги текириш, ҳар бир суб-лойиҳани қайта кўриб чиқиб, муҳокама қиласадилар. ҚФ ва ҚМлари бу жараённи енгиллаштиришга кўмаклашадилар, хусусан, ҚМлари МТГ вакиллари томонидан ҚТР суб-лойиҳасини тақдимоти жараёнида сифатли техник ёрдам кўрсатадилар.

Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига мўлжалланган янги биноларнинг қурилиши агар шу суб-лойиҳа ушбу аҳоли пунктига ажратилган лойиҳа маблағларининг белгиланган суммасидан ошмаса ва тегишли давлат ва/ёки идоравий бюджет билан моддий-техник (штат бирлиги, мебел, асбоб-ускуна ва бошқ., санитария меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда) биргаликда молиялаштирилса амалга оширилади.

16 илова: ҚТР якунлаш ва жамоатчилик/аҳолига тақдим этиш

Изоҳ: Бу учрашув фақатгина ТЛҚ ЭТХК тартибини тасдиқламаган ёки танланган суб-лойиҳа бошқа давлат дастурлари томонидан молиялаштирилган тақдирда ўтказилиши талаб этилади.

Қишлоқ фасилитаторлари ва Қишлоқ мухандислари 16-ташриф

ҚМ ва ҚФлари энди жамоага қайтиб, ҚТРни якунлаш учун МТГ билан ишлайдилар ва барча маҳалла ҳамда кўчаларда яшовчи кўп сонли аҳоли, МТГ Ёшлар кўмитаси иштирокида якуний ҚТР тақдимотини ўтказиш, хусусан, ТЛҚ розилик билдирган суб-лойиҳани молиялаштириш мақсадини тушунтириш учун йиғилиш ташкил этади.

Ушбу босқичда ҚФ ва ҚМлар МТГ билан биргаликда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш талабларига риоя қилган ҳолда жамият йиғилишини ташкил қилишади. ТЛҚ билан суб-лойиҳаларни кўриб чиқишида иштирок етган МТГнинг расмий раҳбарлари билан биргаликда ТЛҚ томонидан ҚТРни кўриб чиқиш жараёнини ажратиб кўрсатиш ва кўриб чиқиш протоколларини ўқиши. Шунга кўра, улар енг яхши учта кичик лойиҳанинг ҳар бири

ва келгуси 2-3 йил давомида миллий ривожланиш дастурларига киритилган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот беради.

Ушбу тадбирнинг мақсади ҚТРни якунлаш учун кенгроқ хабардорлик ва жамоавий қарорларни қабул қилишдир.

1-қадам: Аҳоли билан йиғилишга тайёрланиш

Бу тадбирни тайёрлашда ҚИРЛ босқичлари ва ҳаракатлари маҳалланинг биринчи йиғилишига ўхшаш бўлиши ва кўп сонли кўчалар ва маҳаллалар вакиллари билан ташкил этилиши лозим. МФЙ томонидан мажлис учун жой таъминланиши зарур. Шунингдек, аҳоли билан олиб борилаётган ишлар жараённи яхшироқ тушунишни кафолатлаш учун ТЛҚда танланган биринчи учта устувор кичик лойиҳа билан бевосита боғлиқ бўлган ТЛҚ ва тегишли туман бўлимлари вакилининг иштирокини таъминлаш керак.

2-қадам: **ҲБМ** бўйича сўнгти қарорларнинг тақдимоти ва биринчи учта устувор кичик лойиҳаларни кўриб чикиш

Ушбу босқичда ҚФ ва ҚМлар МТГ билан биргаликда йиғилиш учун модул ишлаб чиқишилари ва керакли воситаларни (керак бўлганда флипчартлар, маркерлар ва тарқатма материаллар) тайёрлашлари, максимал самарадорликка эришиш учун учрашув давомида роллари ва вазифаларини ҳамда кимлар нима мавзуни қамраб олишларини аниқлаб олишлари керак. Ушбу сессия давомида барча учта устувор кичик лойиҳалар флипчартда намойиш етилади ва овоз бериш натижалари учун олдиндан ажратилган устун қўйилади.

МТГ вакиллари ушбу тақдимот учун ҚФ ва ҚМ ёрдамида флипчартларни тайёрлайдилар ва ТЛҚ ва тегишли тузилмаларни кўриб чикиш ва хulosалари тўғрисида қисқа нутқ/тушунтириш (5-10 дақиқа) тайёрлайдилар. ҚФ ва ҚМ суб-loyiҳani амалга ошириш тартиби, нима ўзгарганлиги ва нима учун бундай қарор қабул қилинганлигини тушунтиришлари керак.

3-қадам: Якуний ҚТРни ва қайта кўриб чиқилган устуворлик кетма-кетлигини тасдиқлаш ва овоз бериш

ҚФ ва ҚМлари МТГ билан биргаликда учрашувнинг якуний сессиясига ўтадилар ва ушбу ҚТРни қабул қилиш бўйича овоз бериш натижаларини олдиндан тайёрлаб қўйилган флипчарт/плакатга киритадилар. Шу жумладан, улар аҳолига маълумотни муҳокама қилишлар, саволларига жавоб беришлари/мурожаат қилишларига имконият ва вақт беришлари шарт.

Илова 17: Жамоатчилик Мониторинги

Кишлоқ Фасилитаторлари: 16-Ташриф

Кириш

Жамоатчилик Мониторингидан күзланган мақсад жамоага МТГ фаолиятини адолатли ва жамоавий ривожлантириш жараёнлари нүктаи назаридан мониторинг қилиш имконини беради, қолаверса уларнинг институт сифатидаги фаолиятини (учрашувлар изчиллиги ва ҳаракатлар), инфратузилма сифати (материаллар ва ўз ишига усталик) ва ҳаққоний меҳнат амалиётлари, шу жумладан Эксплуатация ва техник хизматни назорат қилиб боришини таъминлайди.

ЖМ МТГ ишини ва қурилиш компанияси ишини ҳар 6 ойда назорат қилиб боради. Изоҳ: 5 та ЖМ мониторинг бланклари мавжуд. ЖМ нинг 1-Бланки МТГ ташкил этилганидан 4-5 ой ўтиб тўлдирилади, 2-Бланк 1-Бланқдан 6 ой ўтиб тўлдирилади, 3-Бланк 2-Бланқдан 6 ой ўтиб тўлдирилади, 4-Бланк 3-Бланқдан 6 ой ўтиб тўлдирилади, 5-Бланк 4-Бланқдан 6 ой ўтиб, лойиха якунланиши арафасида тўлдирилади.

ҚФ лари ва ҚИ лари ЖМ га мониторингнинг дастлабки босқичларида қўмаклашишлари лозим. Вақт ўтгач, ҚФ нинг ЖМ га кўмаги аста-секин қисқариб боради.

ЖМ Шакллари

Тўлдиришга қулай. ЖМ бўйича Бланклар Файли Тўпламига қаранг

1 шакл: Кишлоқни Режалаштириш, оммавий чоп этилаётган инфратузилма/хизматлар менюси, ҳаққоний ва шаффоф сайловлар ҳамда МТГ аъзолари учрашувлари ва баёнотномаларни юритишга кўпроқ эътибор қаратади.

2 шакл: МТГ учрашувлари, режалаштириш ва ишлаш ҳамда баллар карточкаларини тўғри тўлдиришишига кўпроқ эътибор қаратади.

3 шакл: МТГ учрашувлари, режалаштириш ва ишлаш ҳамда баллар карточкаларини тўғри тўлдиришишига, шу жумладан инфратузилма қурилишида фойдаланилган материаллар сифати, иш даражаси, ва меҳнат амалиётларига кўпроқ эътибор қаратади.

4 шакл: МТГ учрашувлари, режалаштириш ва ишлаш ҳамда баллар карточкаларини тўғри тўлдиришишига, шу жумладан инфратузилма қурилишида фойдаланилган материаллар сифати, иш даражаси, ва меҳнат амалиётларига кўпроқ эътибор қаратади.

5 шакл: Эксплуатация ва техник хизмат, меҳнат сафарбарлиги, МТГ учрашувлари, режалаштириш ва ишлаш ҳамда баллар карточкаларини тўғри тўлдиришишига кўпроқ эътибор қаратади.

Хар битта ЖМ бланки тўлдирилиб бўлингач, ЖМ Ижтимоий Аудит ташкил қилиши лозим (15-Иловага қаранг). Ижтимоий Аудитда ЖМ ўз натижаларини МТГ ва кенг жамоатчилик билан ўртоқлашиши керак. Ижтимоий Аудит ҳар 6 ойда ташкил этилади

ЖМ ни қўллаб-қувватлаш Ташрифи учун тайёргарлик

Жамоатчиликка чиқишдан аввал мувофиқ ЖМ ни кўриб чиқишига эътибор беринг. Одатга кўра, МТГ Раисига қўнғироқ қилинг ва ЖМ билан учрашув тўғрисида келишиб олишини сўранг.

Учрашувингизни бошида ўзингизнитаниширинг ва ЖМ/Шикоятлар Гурухи аъзоларига ҳам ўзларини таниширишлари учун имкон беринг. Кейин эса учрашувдан кўзланган мақсадга ўтиш мумкин

Жамоатчилик Мониторинги 1-Бланкини таниширишида ЖМ Жамоасига уни тўлдиришида ёрдамчи бўлинг.

1-Ҳаракат : (2-3 соат)

ЖМ билан мувофиқ ЖМ бланкини кўриб чиқинг, улардаги мавжуд саволларга жавоб қилинг ва ушбу бланкни тўлдиришда ёрдамчи бўлинг. Сиз уларга ҳар бир элемент/масалани текширишда жисмонан ёрдам бераётганингизга аҳамият беринг. Мисол учун, 1-Бланкда: улар барча ҳудудлар киритилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ижтимоий харитага назар солмоқчилар ва ҳар бир лойиҳа билан боғлиқ тадбирларнинг плакатлари хавфсиз сақланганлигини текширишга эҳтиёж сезади, в.б. 3- ва 4- бланклар учун муҳандис ЖМ жамоаси билан бирга ишлаши керак.

Илова №18: Маҳаллий Институтларни Мустаҳкамлаш: МТГлар билан ишлаш

Қишлоқ Фасилитаторлари 17-Ташриф

Ташриф учун тайёргарлик:

МТГ Раиси билан аввалдан боғланиб, 2-3 соатлик учрашув учун бутун МТГ аъзоларини қачон кўра олишингиз мумкинлигини сўраб, бирор сана ва вақт белгилашларини илтимос қилинг.

Сизга бунинг учун МТГ нинг Вазифа ва Мажбуриятлари туширилган плакат, маҳсус қофоз ва маркерлар керак бўлади.

МТГ аъзоларини қарши олинг, ўзингизни таниширинг ва **учрашув мақсади** билан ўртоқлашинг:

Ўзларининг вазифа ва мажбуриятларини адо этишлари учун МТГ аъзолари билан ишлаш ва уларга стратегияларини, вақт графикларини шакллантиришларида кўмакчи бўлиш ва умуман олганда учрашувлар ва уларнинг муносабатларига нисбатан самарали тажрибаларни яратиш.

1-Ҳаракат : МТГ нинг Вазифа ва Мажбуриятлари (30 дақиқа)

МТГ Раисидан Вазифа ва Мажбуриятлар Плакатини кўрсатишини ва айрим муҳокамалар учун вақт ажратишини сўранг. Гурухга айрим маҳсус ахборотлар беринг, масалан устида ишлашингиз керак бўлувчи энг долзарб 5 вазифа каби. МТГ аъзоларидан улар борасида бир қарорга келишини сўранг, кейин эса Вазифа ва Мажбуриятларнинг вақт графикини ишлаб чиқинг.

2-Ҳаракат : ҚТР Истиқбол режаси, Босқичлар ва Ҳаракатларни кўриб чиқинг (60 дақиқа).

МТГ Котибидан ҚТР ни тўлиқ кўриб чиқишини илтимос қилинг. Яқунланган ҳар бир таҳлилни умумлаштирувчи плакатларни қўшишни ҳам унутманг (Манбалар харитаси, ФТ, саломатлик таҳлили, в.б). Бу йўл билан одамларга жамоадаги асосий ёки ундаги муайян гурухлар дуч келадиган муаммолар эслатилинади. Муҳокама учун бироз вақт беринг. Энди эса гурухдан ҳар бир босқич ва ҳаракатни кўриб чиқишини сўранг ҳамда кўнгиллилардан ҳар бир босқичда олға силжиш учун жавобгарликни зиммаларига олишларини илтимос қилинг. Асосий босқичлар учун жавобгар бўлувчи 1 эркак ва 1 аёл кўл остингизда бўлишига аҳамият беринг ва улардан вақт графикини ўз ичига олевчи ҳаракат режаси шакллантиришларини сўранг.

ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайдиган тараққиёт воситалари учун масъул жамоалар молиялаштириш учун манбаларни қандай жалб қилиши ёки улар ушбу фаолиятларда

қатнашиши учун одамларни қандай сафарбар қилиши бўйича стратегияларни шакллантиришлари зарур. Вақт графиги ёнингизда эканига ишонч ҳосил қилинг.

3-Ҳаракат : МТГ изчилиги ва МТГ муносабатларини давом эттиринг (30 дақиқа).

Бажарилиши керак бўлган барча ишларни ҳисобга олган ҳолда, МТГ ҳар икки ҳафтада бир марта учрашиши керак (бу барча МТГ лар учун умумий қоидадир). Энди эса бироз фурсат ажратинг ва гурухдан МТГ муносабатлари қоидалари қайсилар бўлиши кераклиги устида фаол мунозарага киришишларини сўранг. Эркаклар ва аёллардан алоҳида ўтириб олишларини сўранг ва ҳар бир гурух учун Плакат чизинг. Гурухлар киришиб олишлари учун қўйидаги саволни беринг:

- Сиз қай тарзда қарор қабул қилаётган эдингиз? (бир овоздан, кўпчилик овози билан ёки Масъуллар истаги билан (Раис, Муовин, Секретар)
- Барча ўз овозига эга эшитилишга ҳақли эканини қандай кафолатлайсиз?
- Барча аъзоларнинг қатнашишини қандай кафолатлайсиз?
- Учрашувлар сермаҳсул бўлишини қандай кафолатлайсиз?
- Учрашувларга қатнашишни қандай кафолатлайсиз?
- Баёнотларни ким ёзиб боради ва уни навбатдаги учрашувларда тасдиқлатиш учун тақдим этади?
- Келишиб олинган ҳаракатларга амал қилинишига қандай ишонч ҳосил қиласиз?

4-Ҳаракат : МТГ учрашувларида қамраб олиниши лозим бўлган мавзулар (30 дақиқа).

Мана энди, Вазифалар ва Мажбуриятларни кўриб чиққач, ҚТР ни кўриб чиққач ҳамда улардан ҳаракат режаларини тузишларини ва масъулиятарни тақсимлашларини сўрагач, ўзаро муносабатлар қоидаларини ишлаб чиққач гурухдан МТГ учрашуви бажарилиши керак бўлган иш нуқтаи назаридан қандай ташкил этилиши мумкинлигини сўранг. Улардан буни маҳсус қоғозга ёзишларини сўранг. Мавзулар қўйидагилардан ташкил топишини инобатга олинг: муайян босқич устида ишлаётган ҳар бир МТГ жамоаси ҳозиргача эришган ютуқлари ва дуч келган тўсиқлари билан ўртоқллашиши керак. МТГ учрашувларида, топшириқларни енгиб ўтиш учун муҳокамалар уюштириш учун хона бўлиши шарт.

5-Ҳаракат : Институционал Етуклик Индексини Таништиринг (10 дақиқа)

Гурухга улар кейинроқ шуғулланадиган ҳаракат турларидан бири ўз-ўзини баҳолаш бўлишини айтинг. Бу улар ўз ўсишларини ўзларининг ишлари ва биргаликда қай даража яхши ишлашлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб муҳокама қилишлари учун зарур. Бу уларга ўзларини институт сифатида баҳолаш ва вақт ўтиши билан ишларини мукаммаллаштириб бориш имконини яратади.

Илова №19: Ўзаро Кўмак/Хайриҳохлик гуруҳларини ташкил қилиш ва улар билан ишлаш

Қишлоқ Фасилитаторлари: 18-Ташриф

2-3 соат

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гуруҳлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўzlари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни яқунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониқсан кишилардан қўлларини қутаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичидаги овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига худди ўз оила аъзоларингизга қиладиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиладиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳохлик билдиришларига эришинг.

Ўзаро кўмак/Хайриҳохлик гуруҳлари билан ишлаш жамоавий фаолиятларни институтлаштиришнинг муҳим воситаси ва одатда ривожланиш жараёнларидан ортда қолувчи кишиларга шароитларини ўнглаб олиш имкони ҳамдир. Жамоада ишлаш, ижтимоий таҳлил ўтказиш ва жамоага ҚТР ишлаб чиқишида ёрдамлашар экансиз, секин-аста ундаги асосий муаммоларни ҳам пайқай бошлайсиз. Бу ночор оиласалар ёш эркаклари ва аёллари учун сифатсиз таълим, болалар боғчалари озлиги (ҚИРЛ буларни молиялаштириши мумкин, лекин Жамоа бошқа лойиҳаларни афзал кўриши эҳтимоли ҳам

бор), одамлар саломатлик хизматларидан етарлича фойдаланмайди, ночорлик ёки билимларининг озлиги сабаб ночор уй хўжаликлари аёллари муайян витаминалар этишмаслигидан азият чекиши мумкин, в.б.

Қўйида катта эҳтимолга эга ўзаро кўмак ҳаракатлари рўйхати берилган. Қавс ичидаги шу каби мақсадлари йўлидаги гуруҳлар учун ишлаши ва улар билан бирга ишлаши мумкин бўлган жамоадаги асосий шахсларни кўрасиз.

1. Ўртаёшлилар (Ўқитувчилар) ва МТГ ёшлари учун (эркак ва аёллар) ўрганиш ҳалқалари
2. Очик ҳаводаги боғчалар (вақтинчалик ечим) (хар бир ҳудуд/кўчадан кўнгилли аёллар)
3. Огоҳликни ошириш, катталар ва болаларнинг тиббий хихматга мурожаат қилиши юзасидан сафрбарлик, хизматлардан фойдаланиш мониторинги (МТГ фасилитаторлар билан биргаликда ва МТГ ёшлар қўйи кенгаши фасилататорлар билан биргаликда)
4. Озуқа тақчиллигига учраган фермерлар ўзаро кўмак гуруҳлари Жамоа ёки қўшни жамоалардаги бойроқ фермерлар томонидан ташкил этилади ва қўллаб-куватланади (Фуқаролик жамияти: ночор оиласлар эркаклари ва аёллари йўл-йўрик кўрсатувчи мутахассислар билан биргаликда)
5. камбағал оиласларга томорқаларида сабзавот этиштиришларига кўмак беринг (дехқон фермерлари)
6. Ўз рўзғорини ўзи тебратувчи аёллар ўзаро кўмак гуруҳлари ва ночор оиласлар аёллари биргаликда ишлашлари, ўз маҳоратлари ва тажрибаларини шакллантиришлари ҳамда ҳаракатлар учун режалар тузиб олишлари зарур(Фуқаролик жамияти: қизиқиш билдирган барча аёлларни ўз ичига олиши мумкин, агар улар ночорларга кўмаклашиш истагида бўлсалар; МТГ ёш хотин-қизлар қаноти)

Мажлисга Тайёрланиш:

Фаровонлик Таҳлилидан фойдаланиб 50 та атрофида ночр ва ўта ночор тоифаларни аниқланг ва МТГ Раисидан учрашув ташкил этишини сўранг (сиз билан учрашишлари учун одамларга энг қулай вақтни сўрашни ҳам унутманг). Одамларнинг ёшлари турлича бўлишига аҳамият беринг (йигитлар, ўрта ёш эркаклар ва аёллар, кексароқ эркаклар ва аёллар). (Ёш хотин-қизлар учун алоҳида учрашув ўтказишни унутманг–қуидаги 13-Иловага қаранг).

Бу мажлис учун сизга маҳсус қофоз ва маркерлар керак бўлади.

Учрашув аввалида, ўзингиз таништиринг ва қатнашчиларга танишиб олишлари учун вақт ажратинг. Барча ҳудудларнинг шу ерда эканини текширилганига амин бўлинг. Энди **учрашув мақсадини тушунтириб ўтинг:**

Жамоада noctor кишилар дуч келадиган муаммолар ҳақида кўпроқ билиш ва мухокама ўтказиш ва уларнинг ҳаётидаги асосий муаммолар ҳал қилинишини яхшилаш учун жамоавий фаолиятларни шакллантириш.

1-Ҳаракат : Турли гурухлар тўқнаш келадиган асосий муаммоларни аниқланг (45 дақиқа).

Бу катта гурухни бир неча қисмга бўлиниб олишларини сўранг: ёш эркаклар, ўртаёш аёллар, ўртаёш эркаклар ва кекса ёш эркаклар ва аёллар. Уларга ўзлари гувоҳи бўлган асосий масалалар юзасидан фаол мунозара қилиб олишлари учун 30 дақиқа беринг: бу таълимдаги камчиликлар, ёмон саломатлик, фойдали озуқаларнинг етишмаслиги, даромаднинг озлиги ва х.к.з. Ҳар бир гурухдан плакатларига энг асосий нукталарни ёзишларини сўранг ва кейин уларни кўрсатишларини илтимос қилинг Сиз турли таҳлилларни ақлингиздан бир-бир ўтқизишингиз керак (мисол учан, одамлар энг кўп тўқнаш келадиган хасталикнинг саломатлик таҳлили).

2-Ҳаракат : Асосий муаммоларга асосланаги ўзаро кўмак гурухларини аниқланг (45 дақиқа)

Ҳар бир плакатни мухокама қилинг ва умумий гурухдан бу борада нима қилиниши мумкинлигини сўранг. Сўрашни унутманг: жамоада ким мутахассис бўлиши мумкинлиги ва "маслаҳатчи" ёки устоз сифатида буни ҳал қилишга ҳисса қўша олиши мумкин. Масалан, сиз сабзавотларни кам истеъмол қиладиган кам таъминланган уй хўжаликларини топсангиз, улар яхши сабзавот етиштирадиган дехқон фермер хўжалигига мурожат қилиши ва у эса уларга жўяли маслаҳат бера олиши мумкин; ёки агар сиз ўқиши ва ёзишда равон бўлиш учун етарлича билими йўклигини ҳис қиладиган ёшларни топсангиз, бу ёшлар уларнинг ўқиши ва ёзиш маҳоратларини яхшилашга ёрдам бера оладиган, ёшлар учун очилган ўқув тўғаракларини бошқарадиган жамоатчилик ичидаги ўқитувчиларга мурожат қилишлари мумкин. Энг муҳим нукта шуки, Жамоа тарафидан шу жамоада яшовчи эксперtlар ёрдамида ислоҳ қилиш мумкин бўлган баъзи масалалар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, мажлис сўнгтида сизда гурухни қўллаб-куватлаши ёки маслаҳат сўралиши мумкин бўлган асосий кишилар (номма-ном) ва муаммоли масалалар рўйхати бўлиши керак.

Унда, шунингдек, ресурслар талаб қилувчи муаммолар ҳам бўлиши мумкин (мисол учун, кўпчиликда яроқли ичимли суви бўлиши мумкин, лекин жамоадаги айрим жойларда эса йўқ, гарчи бошқа инфратузилмаларга йўналтирилгани учун ҚИРЛ маблағлари ичимлик суви учун тақсим қилинмаган бўлсада/ кўпчиликни бехузур қиладиган хизмат кўрсатишдаги бўшлиқлар). Бундай вазиятда, манбаларни қўлга киритишилари ва бу бўшлиқни тўлдиришилари учун ушбу жиҳатни МТГ эътиборига ҳавола қилишингиз лозим.

3-Ҳаракат : Ҳаракатларни режалаштириш (45 дақиқа)

Энди эса одамлардан улар аниқлаган муаммолар асосида 2-3 гурух (ёки ундан кўпроқ) тузишни хоҳлашлари ёки йўклигини сўранг. Агар сизда 3 муаммоли масала бўлса— ёш эркаклар ва аёллар таълими; соғлом озуқа тақчиллиги; болалар боғчаларининг

етишмаслиги–одамлардан гурухлар ташкил қилиб, ўзларини қизиқишилариға алоқадорларига аъзо бўлишини сўранг. Ҳар бир гуруҳдан қуидагиларни ўз ичига олган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқишиларини сўранг:

- Гуруҳ мақсадлари ва кўзланаётган натижа
- Ўзаро кўмак гурухларига киритиш учун ўзларининг ҳудудларида/жамоаларида ҳудди шу муаммоларга дуч келган шахсларни аниқланг.
- Гурухга аъзо қилиш учун мутахассисларни аниқланг ва уларни қўнимка, маслаҳат ёки ўргатиш ишлари орқали қўллаб-қувватланг.
- Учрашув Жадвали ва вақт жадвали
- Уларни ўз мақсадларига элтувчи ҳаракатлар

Ҳар бир гурух ҳамма ҳаракатлар ва уларга масъул шахслар туширилган жадвал ясашларига ишонч ҳосил қилинг. Ҳар бир гурух ўзларининг келаси учрашувлари учун вақт тайинлаши ва кейинги учрашувгача нималар қилинишлiği зарурлиги хам ойдинлаштириб олиниши керак. (Ўзаро кўмак гурухлари билан учрашиб, уларга кўмак/маслаҳат берадиган келгусидаги ташрифларингиз учун қуидаги 20 Иловага қаранг).

Илова №21: Гендер масалаларини күтариш

Қишлоқ Фасилитаторлари (аёллар) – 19, 20, 21, -Ташриф

2 соатлык учрашувлар

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жои Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан кўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўзлари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қоникқан кишилардан қўлларини кўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичida овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушуниринг
7. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиладиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг ҳамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиладиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Аёллар билан алохида гурухларда ишлаш уларнинг эркинроқ гапиришларига, ғоялари билан бўлишишларига ва қўпчилик ичida чиқиш қилганда бўладиган ҳаяжонларни енгиш ҳамда ўзларининг қарашлари ва ғояларини ифода этишда дадил бўлишларига ҳисса қўшади. Яна шуниси муҳимки, бу орқали ҚИРЛ (Хукумат) аёлларни жамоани ривожлантириш жараёнида тенг ҳуқуқли ҳамкорлар бўлишини исташини билдиради. Аёлларнинг жамоадан узилиб қолишга мойиликларини инобатга олиб, ҚИРЛ гендер мажлисларни ҳам ўз ичига олган ҳолда тузилган. Булар аёл ҚФ лари томонидан

ўтказилиши лозим. Бу Жамоа тарафидан эътиrozлар бўлмаслиги ва ушбу катта аҳамиятга эга гурух эътиборсиз қолмаганини кафолатлаш учун керак. Асосий иш аёлларга ривожланиш жараёнларини тушунишларида ва уларнинг жамоалари/ёки гурухлари дуч келадиган муаммоларда ёрдамчи бўлишдир. Учрашувга МТГ нинг ҳар бир худуд ёш хотин-қизлар қаноти аъзоларини таклиф қилишни унутманг.

Аёлларнинг уй ишлари ва болалар биилан овора бўлиб қолишларини ҳам инобатга олинг. Шу боис мажлислар 2 соатдан ошиб кетмаслигини ва аёлларнинг бироз бўш вақтлари мавжуд бўлган соатларни ҳам эътиборга олинг.

Ушбу мажлисларга тайёрланиш:

МТГ Раисидан барча аёллар билан сұхбат қуришини сўранг ва иложи борича кўпроқ ёш хотин-қизларни аниклаб олиб (ўзиниг яшаб турган ерга турмушга узатилганлари) улардан учрашувга келишларини сўрашини илтимос қилинг. МТГ Муовинидан бу каби учрашувни ўтказиш учун қандай кун ва вақт айни муддао бўлишини сўрашни унутманг. (Изоҳ; агар МТГ Раиси аёл киши бўлса, ундан учрашувни ташкиллаштиришда ёрдам қилишини илтимос қилинг, бошқача йўли эса ишни МТГ Муовини орқали ҳал этиш). Бу мажлис каттароқ бўлиши мумкин: (50 нафаргача аёллар) Ушбу учрашув ниҳоясида улар билан учрашиш учун яна бир сана ва вақтни келишиб оласиз.

Бу мажлис учун сизга маҳсус қофоз ва маркерлар керак бўлади.

Учрашув аввалида, ўзингиз таништиринг ва қатнашчиларга танишиб олишлари учун вақт ажратинг. Барча худудларнинг шу ерда эканини текширилганига амин бўлинг. Энди эса учрашув **мақсадларига** кўчинг:

ҚИРЛ Истиқбол режаси, Мақсади ва Тамойиллари, инфратузилма менюси, асосий манфаатдор тарафларнингвазифа ва мажбуриятлари, ижтимоий таҳлил ва ҚТР ни жамоадаги ёш хотин-қизлар билан ўртоқлашиш ва уларнинг ҳиссалари ва гояларидан умид қилиш. Уларнинг ташвишлари ва улар дуч келувчи муаммоларни ўрганиш. (Уларга бу З учрашувдан иборат бўлишини етказинг)

1-Учрашув:

1-Ҳаракат :ҚИРЛни ўрганиш, 1-қисм (30 дақиқа)

ҚИРЛ нинг Истиқбол режаси, Мақсади ва Тамойилларини тақдим этинг. Ҳар бир плакатни кўрсатиб чиққач, қатнашчилар ичидағи кўнгиллилардан ўзларини сўзлари билан бу ҳақида гапириб беришларини сўранг.

Изоҳ: Сиз МТГ ёш хотин-қизлар қанотидан, улар шу жараённинг бир қисми бўлганликлари учун ҳам, (агар уларда шундай қилиш истаги бўлса) ушбу материалларни тақдим қилишларини сўрашингиз мумкин. Бу уларнинг кўпчилик ичida чиқишлирини яхшилашга ҳисса қўшади.

2-Ҳаракат : ҚИРЛ ни ўрганиш, 2-қисм (20 дақиқа)

Инфратузилма Менюсини намойиш қилинг; саволлар учун имкон беринг

3-Ҳаракат : ҚИРЛ нинг Интеграция ва камбағалликни Қисқартиришга ёндошуви (30 дақиқа)

1-Қадам: Аёллардан ҳудудлараро тузишларини сўранг, маркер ва плакат қофози беринг, кейин эса камбағал, ногирон ва кексалар етарли маблағга эга кишиларга нисбатан хизматлардаги бўшлиқларни қандай яшаб ўтишларини муҳокама қилишларини илтимос қилинг. 15 дақиқа гурухларни мустақил ишлашларига қўйиб беринг(шунда ҳам тушунтириш ва саволларга жавоб беришга тайёр бўлинг). Улардан асосий фикрларини плакат қофозига ёзишларини сўранг.

2-Қадам: Берилган вақт тугагач , ҳар бир ҳудуддан бир киши чиқиб, муҳокаманинг энг асосий жиҳатларини айтишларини сўранг. Биринчи гурух нуқтаи назарлари билан ўртоқлашгач, кейинги гурух фақатгина ҳали таъкид қилинмаган жиҳатларнигина айтиб ўтиши жоиз.

Энди эса, ҳукумуат камбағаллик даражасидан ташвишга тушаётгани ва уни қисқартиришга интилаётгани, шу боисдан ҳам таҳлилга бўлган эътиборнинг кучлилига ва одамларни жаёнга жалб қилиш долзарблигига урғу бериб ўтинг.

4-Ҳаракат: ҚИРЛ ни ўрганиш, 3-қисм (30 дақиқа)

Асосий Манфаатдор Томонларнинг Вазифа ва Мажбуриятларини Намойиш этинг Ҳар бир плакатдан сўнг, қатнашчилар ичидаги кўнгиллилардан ўзларининг сўзлари билан қисқача мазмунни гапириб беришларни сўранг. Савол сўрашларига ижозат беринг ва жавоб қайтаринг.

5-Ҳаракат : Нихоялаш ва кейинги учрашувни режалаштириш (10 дақиқа)

Гурухга келгани учун раҳмат айтинг ва якунланг. Кейинги учрашув учун сана ва вақтни режалаштиришга ишонч ҳосил қилинг (учрашувлар орасида камидан 1 хафта қолдиринг)

Учрашув 2 (камидан 1 хафта ўтгач)

Учрашувни салом билан бошлашга, янги одамларни ва учрашув мақсадини таништиришга эътиборли бўлинг:

Учрашув мақсади ижтимоий таҳлил ва ҚТР бўйича фикр алмасиши.

1-Ҳаракат : Ижтимоий Таҳлилни Ўрганиш (1.5 соат)

- a) Манбалар Харитасини намойиш қилинг ва күнгиллилардан кўраётган нарсалари ҳақида умумий тушунча беришларини сўранг. Буни плакатларга туширинг. (улар ниманидир қўшишни истамайдими?)
- b) ФТ таҳлилини кўрсатинг ва аёллардан Жамоа тўғрисида нималарни ўрганганликларини умумийлаштириб айтишларини сўранг, уларни плакатларда акс эттиринг. (унда қандайdir муҳим жиҳатлар мавжудми— мисол учун, тушириб қолдирилган бирор бир мезон?)
- c) Саломатлик ва Таълим таҳлилини тақдим этинг ва аёллардан натижаларни умумийлаштириб кўришларини айтинг. Улар бу таҳлилларга қўшишни истаган бирор жиҳат бор ёки йўқлигини сўранг?

Изоҳ: Сиз МТГ ёш хотин-қизлар қанотидан, улар шу жараённинг бир қисми бўлғанликлари учун ҳам, (агар уларда шундай қилиш истаги бўлса) ушбу материалларни тақдим қилишларини сўрашингиз мумкин. Бу уларнинг кўпчилик ичida чиқишлирини яхшилашга ҳисса қўшади.

2-Ҳаракат : ҚТР (30 дақиқа)

ҚТР ни намойиш қилинг Кўнгиллилардан ўзларини сўzlари билан қисқача музмунни гапириб беришларини сўранг. Саволларга жавоб беринг ва муҳокама учун вақт ажратинг.

Изоҳ: Сиз МТГ ёш хотин-қизлар қанотидан, улар шу жараённинг бир қисми бўлғанликлари учун ҳам, (агар уларда шундай қилиш истаги бўлса) ушбу материалларни тақдим қилишларини сўрашингиз мумкин. Бу уларнинг кўпчилик ичida чиқишлирини яхшилашга ҳисса қўшади.

3-Ҳаракат : Мажлисни яқунлаб навбатдагиси учун вақт тайин қилинг.

Гурӯхга қатнашганлари учун миннатдорчилик билдиринг ва кейинги учрашув учун 2-3 хафталардан сўнг сана ва вақт борасида келишиб олинг.

3-Учрашув (2-3 хафтадан сўнг)

Учрашувни салом билан бошлашга, янги одамларни ва учрашув мақсадини таниширишга эътиборли бўлинг:

Жамоада ёш хотин-қизлар дуч келадиган муаммолар ҳақида кўпроқ билиш ва муҳокама ўтказиш ва уларнинг хаётидаги асосий муаммолар ҳал қилинишини яхшилаш учун жамоавий фаолиятларни шакллантириш.

1-Ҳаракат : Ёш хотин-қизлар дуч келадиган асосий мұаммоларни аниқланг (45 дақиқа)

Катта жамоани кичикроқ гурухларга бўлинишини илтимос қилинг: (худудлар бўйича) Уларга ўзлари дуч келган жиддий мұаммолар тўғрисида фаол мунозара қилишлари учун 30 дақиқа ажратинг: бу таълимнинг етарли эмаслиги, ёмон саломатлик, соғлом озуқанинг тақчиллиги, даромаднинг камлиги в.б. ни ўз ичига олиши мумкин). Ҳар бир гурухдан плакатларига энг асосий нұқталарни ёзишларини сўранг ва кейин уларни кўрсатишларини илтимос қилинг Сиз турли таҳлилларни аклингиздан бир-бир ўtkизишингиз керак (мисол учан, одамлар энг кўп тўқнаш келадиган хасталикнинг саломатлик таҳлили).

2-Ҳаракат : Асосий масалалар асосида Аёллар Ўзаро қўмак Гурухларини тузинг

Ҳар бир плакатни мухокама қилинг ва умумий гурухдан бу борада нима қилиниши мүмкинлигини сўранг. Сўрашни унутманг: Аёллар ичида қайси бирлари мутахассис бўла олишларини ва "маслаҳатчи" ёки устоз сифатида буни ҳал қилишга қодир эканини суриштиринг. Масалан, сиз сабзавотларни кам истеъмол қиладиган кам таъминланган уй хўжаликларини топсангиз, улар яхши сабзавот етиштирадиган дехқон фермер хўжалигига мурожат қилиши ва у эса уларга жўяли маслаҳат бера олиши мумкин; ёки агар сиз ўқиши ва ёзишда равон бўлиш учун етарлича билими йўқлигини ҳис қиладиган ёшларни топсангиз, бу ёшлар уларнинг ўқиши ва ёзиш маҳоратларини яхшилашга ёрдам бера оладиган, ёшлар учун очилган ўқув тўгаракларини бошқарадиган жамоатчилик ичидағи ўқитувчиларга мурожат қилишлари мумкин. Энг муҳим нуқта шуки, Жамоа тарафидан шу жамоада яшовчи эксперtlар ёрдамида ислоҳ қилиш мумкин бўлган баъзи масалалар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, мажлис сўнггида сизда гурухни қўллаб-қувватлаши ёки маслаҳат сўралиши мумкин бўлган асосий кишилар (номма-ном) ва муаммоли масалалар рўйхати бўлиши керак.

Унда, шунингдек, ресурслар талаб қилувчи мұаммолар ҳам бўлиши мумкин (мисол учун, кўпчиликда яроқли ичимли суви бўлиши мумкин, лекин жамоадаги айрим жойларда эса йўқ, гарчи бошқа инфратузилмаларга йўналтирилгани учун ҚИРЛ маблағлари ичимлик суви учун тақсим қилинмаган бўлсада/ кўпчиликни беҳузур қиладиган хизмат кўрсатишдаги бўшлиқлар). Бундай вазиятда, манбаларни қўлга киритишилари ва бу бўшлиқни тўлдиришилари учун ушбу жиҳатни МТГ эътиборига ҳавола қилишингиз лозим.

3-Ҳаракат : Ҳаракатларни режалаштириш (45 дақиқа)

Энди аёллардан улар аниқлаган мұаммолар бўйича биргаликда ишлайдиган гурух тузишни хоҳлашадими ёки йўқлигини сўранг. Агар сизда 3 муаммо мавжуд бўлса—ёш аёллар учун таълим, соғлом озуқа тақчиллиги, болалар боғчаларининг етишмаслиги—гурух ушбу масалалар устида ишлаши мумкин ва ўзаро қўмак гурухлари билан биргаликда ҳаракатларни йўналтириш мумкин. Ёдингизда бўлсин, ушбу ишнинг асосий жиҳатларидан бири ёш хотин-қизларни жамоавий тадбирларга ихтиёрий ҳолда жалб қилишдир. Таклиф киритишиларини сўранг

- Гуруҳ мақсадлари ва қўзланаётган натижа

- Ўзаро кўмак гурухларига киритиш учун ўзларининг ҳудудларида/жамоаларида худди шу муаммоларга дуч келган шахсларни аниқланг.
- Гуруҳга аъзо қилиш учун мутахассисларни аниқланг ва уларни қўникум, маслаҳат ёки ўргатиш ишлари орқали қўллаб-қувватланг.
- Учрашув Жадвали ва вақт жадвали
- Уларни ўз мақсадларига элтувчи ҳаракатлар

Гурух барча тадбирлар учун вақт жадвалига ва жавобгар шахсларни вамраб олган жадвал тузганига ишонч ҳосил қилинг. Кўнгиллилардан ўз ишларини намойиш қилишларини сўранг. МТГёшлар қути кенгаси аъзолари ушбу ишларнинг бир қисмини бошқаришга хоҳишлари бор ёки йўқлигини текширинг.

4-Ҳаракат : Ёпилиш ва навбатдаги мажлис учун вақт (10 дақиқа)

Гурухга миннатдорчилик билдиринг, улардан навбатдаги учрашув учун сана ва вақт тайин қилишларини сўранг. Кейинги учрашувгача нималар қилинишилиги зарурлиги ҳам ойдинлаштириб олиниши керак. (аёллар гурухлари билан учрашиб, уларни ишлари борасида қўллаб-қувватлаб/маслаҳат беришингиз керак бўладиган навбатдаги ташрифларингиз учун қуидаги 16-Иловага қаранг).

Илова №21: Ижтимоий Аудит

Қишлоқ Фасилитаторлари: 22Ташриф (12 ой ва 18 ойдан кейинги ташрифлар)

Кириш

Жамоатчилик Мониторинги Жамоаси (ЖМ) 6 ойдан сўнг Ижтимоий Аудитга ўз хиссасини қўшади. Бунда режалаштириш жараёни, МТГ лар ва ҚФ лари фаолият сифати нуқтаи назарида ёндашиш зарур. Иккинчи Ижтимоий Аудит 12 ойдан кейин бўлиб ўтади ва асосий эътиборни сублойиҳани амалга оширишга ҳамда у жамоатчилик кутган натижа бераётган ёки йўқлигига қаратади. Учинчи Ижтимоий Аудит МТГ сайловидан 18 ой ўтгач ташкил этилади ва якунланган ва топширилган сублойиҳалар сифатига асосий эътиборини қаратади. Якуний Ижтимоий Аудит ЭТХ келишувларига ҳам кўз ташлаб ўтади

Ижтимоий Аудитдан қўзланган мақсад Жамоа (барча ҳудудлардан) инфратузилма (ҚТР) нуқтаи назаридан ресурслар тақсимланиши ҳисоботини, МТГ инфратузилмаси жойлашган ўринларни (муайян инфратузилма ва хизматларга эга ёки эга бўлмаган ҳудудларни, қолаверса умумий ютуқларни (ҚТР га мувофиқ тарзда) белгиловчи харитага алоқадор равишда,) эшитиш имконига эга бўлиши, бундан ташқари инфратузилма сифати одамлар ишононичи оқлай оладими, инфратузилма тегишли вазирлик ёки Жамоа тарафидан қўллаб-қувваталанаяптими ёки йўқми қабилидаги саволларга жавоб беришдир (улардан қайси бири мувофиқ механизм). Ижтимоий аудит МТГ лар шаффофт ва ўзларини сайлаган одамлар қаршисида ҳисобдор эканликларини, қурилиш фирмалари ўз ишини мақсадли амалга ошираётганини кафолатлади.

Қуйидаги ўринларда Ижтимоий Аудит жараёни белгилаб берилган. ҚФ лар ЖМ га Ижтимоий Аудит ташкиллаштиришга ёрдам беришлари (3.12 шаклдан фойдаланинг) ҳамда ўтказиладиган кунда ҳозир бўлишлари керак. ҚФ лар МТГ га жамоатчилик учун ўз тақдимотларини тайёрлашда ҳам ёрдам бериши керак. Бу тўлиқ 1 ташрифни талаб қиласди (ЖМ тайёргарликлари (ЖМ натижалари туширилган плакатлар бўйича тақдимотлар) ва МТГ тайёргарликлари (қуйидаги плакатларга қаранг) 2 Ижтимоий Аудит муваффақиятли ўтказилгач, ҚФ лари топшириқни тўлиғича ЖМ га топшириши мумкин. Бироқ, ҚФ лар якуний ижтимоий аудитда ҳозир бўлишлари (агар зарурат бўлса жамоатчиликка кўмак беришлари ҳам) лозим. Инобатга олинг, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилиши ва 50 % иштирокчи аёллардан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир.

1-Ижтимоий Аудит жараёни (Мавзу: МТГ ва ҚТР)

1-Ҳаракат : Барча аъзолар ўз вафаларини аниқ тушунишлари учун, МТГ лар ва ЖМ билан Ижтимоий Аудит жараёни/босқичлари ва 3.12 шаклни ўртоқлашаш. (1 соат)

1-Қадам МТГ лар:

1. ўзларининг вазифа ва мажбуриятларини жамоатчилик ўртасида плакатдан фойдаланган ҳолда кўриб чиқади
2. ҚИРЛ маълумотларини тайёрлайдилар: мақсад, тамойиллар, бюджет ва менюни плакатлар орқали жамиятга тақдим этиш учун
3. ҚТР айни пайтгача бўлган Босқичлар ва ютуқларини ҚИРЛ нинг Ҳукумат Инвестиция Гранти ; ҚИРЛ нинг бошқа хомийлари грантлари; ҚИРЛ нинг жамоанинг мустақил ташабbusлари нуқтаи назаридан намойиш қиласди
4. қуидаги ахборотларни (жадвалда) одамлар билан ўртоқлашади:
 - тугалланган ишлар (сафарбарлик ишлари-хариталар, фаровонлик тахлили, саломатлик ва таълим тахлили ҳамда ҚТР); ҚТР хulosалар постерларидан тушунтириш мақсадида фойдаланилиши керак
 - ҚТР да танланган инфратузилма
 - Қурилиш бошланган сана

Қайд этиб қўйинг: ҚИРЛ доирасидан ташқари субвойиха бўлса, мисол учун, бошқа хомийлардан маблағ ажратилиниши, МТГ бу бўйича алоҳида жадвалда ҳисобот бериши керак.

5. камбағалларга кўмаклашиш ёки ҳимоясиз гурӯхларга қаратилган ташабbusлар ёки жамоавий ҳаракатлар бўйича иш суръатлари

2-Қадам:ЖМ ўзининг натижаларини намойиш этади (3.11 шаклга қаранг)

- ЖМ аввал жаоатчилик иштирокида ўтган муҳокамаларга асосланган натижаларини жамоатчиликни режалаштириш жараёнидан қониқиши, МТГ фаолияти нуқтаи назаридан тақдим этади. (муҳокама 3.12 шаклга асосланган бўлиши керак). ЖМ қисқача тақдимотни жамлаши керак.

3-Қадам: Жамоатчилик жавоблар ва саволлар беради

- Жамоа аъзолари ўзаро кенгашиб олишлари учун озрок фурсат берилиши лозим
- Кейин ҳудуд гурулари 15 дақиқи муҳокама ўтказиб, МТГ аъзолари учун саволларни тузиб олади.
- Савол бериши учун ҳар бир ҳудуд ўз вакилини тайин қиласди.
- МТГ аъзолари уларнинг саволларига жавоб бериши мумкин

4-Қадам: Асосий Масалалар Ечими Ҳаракат Режаси

- Ҳал қилиниши учун вақт талаб қилинувчи жиддий муаммолар МТГ томонидан ҳаракатлар режасига муддат ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда киритиб

күйилади, бошқача айтганда, МТГ томонидан бериладиган ҳар қандай ваъда хужжутлаштирилади ва ЖММТГ ушбу ҳаракатлар режасини амалга оширишини назорат қиласи.

- Ушбу Ҳаракат плакат шаклига жойланиб, жамоат жойига осилиши ва Масъуллар томонидан имзоланиши лозим бўлади (ва КХ ҚФ лари ёки ХТ ҚФ суратга туширади)

Кейинги Ижтимоий Аудит Учрашувида кўриладиган чоралар (6 ойда сўнг)

Кейинги ижтимоий аудит учрашувида (6 ойдан сўнг) ҳаракатлар режаси кўриб чиқилади ва МТГ аъзолари ўзларининг иш суръатлари билан ўртоқлашади ёки уларга нима тўсқинлик қилаётганини тушуниради.

2-Ҳаракат : МТГ ва ЖМ Жамоаси Ижтимоий Аудит Санаси, Вақти ва Жойи бўйича келишиб олади (15 дақиқа)

Ижтимоий Аудит жараёни бўйича фикрлар алмашиб олингач, ЖМ ва МТГ ижтимоий аудит учрашуви бўйича келишиб олиши керак: санаси, вақти ва ўрни.

Изоҳ: Бу учрашув жамоанинг барча аъзолари учун қулай бўлган оммабоп ерда ташкил этилиши лозим. Ижтимоий аудит хусусий жойларда ўтказилиши мумкин эмас.

3-Ҳаракат : ҚФ лари МТГ ларни Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради; ва яна ҚФ лари ЖМни Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради (2 соат)

МТГлар ва ЖМ билан тайёрланиш ишларини ўтказинг, лекин алоҳида учрашув шаклида Сиз уларга формат тузишда ёрдам беришингиз мумкин; лекин иложи борича форматни ўзлари, маълумотлар бўйича изоҳни тупага жойлаштирган ҳолда ўзлари тўлдиришлари керак

Ҳаракат 4: ЖМ Ижтимоий Аудит санаси, вақти ва ўрнини ҚФ ларисиз, ўзи чоп этади.

Ҳар бир МТГ аъзози ўз ҳудуди фуқаролари билан учрашувнинг қаочон ва қаерда бўлиши ҳақида гаплашиб олиши ва жамоат жойида маҳсус плакат осилиши, Оммавий Огоҳлантириш Доскасида қоғоз шаклида жойлаштирилиши керак.

Ижтимоий Аудит учрашуви кунида ЖМ аъзолари ҳар бир ҳудуддан камида 60 % уй хўжаликлари иштирок этаётганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Агар ундей бўлмаса ЖМ ва МТГ аъзолари ҳар бир ҳудудга чиқади ва одамларни қўшилишларини сўрайди.

5-Ҳаракат : Ижтимоий Аудит Кунида

Салоҳиятни ошириш бўлимида юқорида кўрсатилган 1-4 босқичларни В-МТГ тақдимоти, сўнгра ЖМ тақдимоти билан 3.12 шаклдан фойдаланиб бажаринг ва жамоа ахолиси саволлар беришади ва В-МТГ ҳаракатлар режасини тузади. (3.12-шакл ҳисобот бериш учун асос бўлиб, тўлдирилган шакл ҚФга тақдим этилиши керак.)

2-Ижтимоий Аудит Жараёни (Мавзу: МТГ, ТЛҚ ва ЯМХИК)

1-Ҳаракат : Ижтимоий Аудит Жараёни/Қадамларни ва 3.13 шаклни тўлдиришни МТГ, ТЛҚ, Пудратчилар ва ЖМ билан ўртоқлашинг Ижтимоий аудитнинг барча қатнашчилар ўз вазифаларини билиб олишлари учун (1 соат) . (Бош Тренер ТЛҚ га бориб, жараён билан ўртоқлашиши лозим, шу жумладан пудратчилар ҳам.) Ижтимоий Аудит МТГ лар томонидан ҚФ лар ва ҚИ лар кўмагида кенг кўламда ўтказилиши керак.

1-Қадам: МТГ:

1. ҚТР айни пайтгача бўлган Босқичлар ва ютуқларини ҚИРЛнинг Ҳукумат Инвестиция Гранти ; ҚИРЛ нинг бошқа хомийлари грантлари; ҚИРЛ нинг жамоанинг мустақил ташаббуслари нуқтаи назаридан намойиш қиласди
2. камбағалларга кўмаклашиш ёки ҳимоясиз гурӯҳларга қаратилган ташаббуслар ёки жамоавий ҳаракатлар бўйича иш суръатлари
3. қуидаги ахборотларни (жадвалда) одамлар билан ўртоқлашади:
 - ҚТР да танланган инфратузилма
 - Қурилиш бошланган сана

2-Қадам:ТЛҚ:

4. Лойиҳага алоқадор маблағларнинг ҳаражатларини тушунтиради(бу плакат иштироқида амалга оширилиши лозим)

3-Қадам: ЯБХИК:

5. Ҳозиргача бўлган ҳаражатлар бўйича тушунтириш беради
6. Ҳозиргача якунланган ва қолаётган ишлар
7. Ёлланган ишчилар (хизматчилар сони ва мансуб ҳудудлари), тўланган маош
8. Уларнинг ҳаққоний меҳнат амалиётларига нечоғлик амал қилганлигига аҳамият қаратади
9. Улар АМИС меъёrlарига қай даражада амал қилишган

Ахборот плакат шаклида тақдим этилиши керак

4-Қадам:ЖМ ўзининг натижаларини намойиш қиласди

ЖМжамоанинг у билан ўтказилган муҳокамалари асосида, жамоанинг МТГ (жамоавийлик, кенг қамровлилилк, шаффоффлик), ҳозиргача бўлган лойиҳа сифати, иш жараёнининг ҳолислиги, бошланиш кунининг ўз вақтида бўлганлиги нуқтаи назаридан қониқишилари бўйича натижаларини тақдим этади.

5-Қадам: Жамоатчилик жавоблар ва саволлар беради

- Жамоа аъзоларига (ЖМ жамоаси аъзолари билан биргаликда)кенгашиб олишлари учун бир неча дақиқа берилиши лозим.

- Кейин худуд гурулари 15 дақиқи мұхокама ўтказиб, МТГ аъзолари учун саволларни тузиб олади.
- Савол бериши учун ҳар бир ҳудуд ўз вакилини тайин қиласы.
- МТГ, ҚҲК аъзолари ва Пудратчилар уларнинг саволларига жавоб бериш имконига эга.

6-Қадам: Асосий Масалалар Ечими Ҳаракат Режаси

- Ҳал этилиши учун вакт талаб қилувчи жиддий масалалар, сана ва вакт бўйича хужжатлаштирилади ҳамда масъул шахслар/муассасалар белгилаб қўйилади. Булар МТГ аъзолари томонидан ҳаракатлар режасига муддат ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда киритиб қўйилади, бошқача айтганда, МТГ лар, ТЛҚ лар ёки қурилиш компаниялари томонидан бериладиган ҳар қандай ваъда хужжутлаштирилади ва ЖММТГ ушбу ҳаракатлар режасини амалга оширишини назорат қиласи, МТГ ва МФЙ эса ТЛҚ ва пудратчилар ўз вазифаларини бажарашига ишонч ҳосил қиласи
- Ҳаракатлар режаси плакат кўринишида жамоат жойига осиб қўйилади ва МТГ масъуллари (ҚҲ ҚФ лар ҲТ ҚФ суратга тушириб оладилар) томонидан имзоланади, кейин эса ҚҲК ўз ҳаракатлар режасини имзолайди ва Пудратчилар ҳам ўз ҳаракатлар режасини имзолашади.

Кейинги Ижтимоий Аудит Учрашувида кўриладиган чоралар (6 ойда сўнг)

Кейинги ижтимоий аудит учрашувида (6 ойдан сўнг) ҳаракатлар режаси кўриб чиқилади ва МТГ аъзолари ўзларининг иш суръатлари билан ўртоқлашади ёки уларга нима тўсқинлик қилаётганини тушуниради.

2-Ҳаракат : МТГ ва ЖМ Жамоаси Ижтимоий Аудит Санаси, Вақти ва Жойи бўйича келишиб олади (15 дақиқа)

Ижтимоий Аудит жараёни бўйича фикрлар алмашиб олингач, ЖМ ва МТГ ижтимоий аудит учрашуви бўйича келишиб олиши керак: санаси, вақти ва ўрни.

Изоҳ: Бу учрашув жамоанинг барча аъзолари учун қулай оммабоп ерда бўлиши лозим Ижтимоий аудит хусусий жойларда ўтказилиши мумкин эмас.

3-Ҳаракат : ҚФ лари МТГ ларни Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради; ва яна ҚФ лари ЖМ нинг Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради (2 соат)

МТГлар ва ЖМ билан тайёрланиш ишларини ўтказинг, лекин алоҳида учрашув шаклида Сиз уларга формат тузишида ёрдам беришингиз мумкин; лекин иложи борича форматни ўzlари, маълумотлар бўйича изоҳни тупага жойлаштирган ҳолда ўзлари тўлдиришлари керак ТЛҚлар ва пудратчилар ўзларининг плакатларини тайёрлашлари керак

Ҳаракат 4: ЖМ Ижтимоий Аудит санаси, вақти ва ўрнини ҚФ ларисиз, ўзи чоп этади.

Хар бир МТГ аъзози ўз ҳудуди фуқаролари билан учрашувнинг қачон ва қаерда бўлиши ҳақида гаплашиб олиши ва жамоат жойида маҳсус плакат осилиши, Оммавий Огоҳлантириш Доскасида қофоз шаклида жойлаштирилиги керак.

Ижтимоий Аудит учрашуви кунида ЖМ аъзолари ҳар бир ҳудуддан камидаги 60 % одам иштирок этаётганига ишонч ҳосил қилишлари керак (ярми аёллар бўлиши мақсадга мувофиқ). Агар унда бўлмаса ЖМ ва МТГ аъзолари ҳар бир ҳудудга чиқади ва одамларни қўшилишларини сўрайди.

5-Ҳаракат : Ижтимоий Аудит Кунида

биринчи қадам энг сўнгти аудитнинг ҳаракатлар режасини тақдим қилиш ва МТГ уларнинг кўтарилилган қандайдир масалаларни (агар шундай масала бўлса) ечишда қандай йўл тутгани бўйича ахборотлар билан ўртоқлашиши кераклигидир.

Кейин эса, Аудит юкоридаги 1-Ҳаракатда ажратиб кўрсатилган 5 қадам билан давом этади (Ижтимоий Аудит 2)

3-Ижтимоий Аудит жараёни (Мавзу: МТГ, ТЛҚ ва ЯМХИК)

**1-Ҳаракат : Ижтимоий Аудит Жараёни/Қадамларни ва 3.13 шаклни тўлдиришни МТГ, ТЛҚ, Пудратчилар ва ЖМ билан ўртоқлашинг Ижтимоий аудитнинг барча қатнашчилар ўз вазифаларини билиб олишлари учун (1 соат) . (Бош Тренер ТЛҚ га бориб, жараён билан ўртоқлашиши лозим, шу жумладан пудратчилар ҳам.)
Ижтимоий Аудит МТГ лар томонидан ҚФ лар ва ҚИ лар кўмагида кенг кўламда ўтказилиши керак.**

1-Қадам. МТГ:

1. ҚТР айни пайтгача бўлган Босқичлар ва ютуқларини ҚИРЛ нинг Ҳукумат Инвестиция Гранти ; ҚИРЛ нинг бошқа хомийлари грантлари; ҚИРЛ нинг жамоанинг мустақил ташабbusлари нуқтаи назаридан намойиш қиласи
2. камбағалларга кўмаклашиш ёки ҳимоясиз гуруҳларга қаратилган ташабbusлар ёки жамоавий ҳаракатлар бўйича иш суръатлари
3. қуидаги ахборотларни (жадвалда) одамлар билан ўртоқлашади:
 - ҚТР да танланган инфратузилма
 - Курилиш бошланган сана
 - Курилиш якунланган сана

2-Қадам:ТЛҚ:

4. Лойиҳага алоқадор маблағларнинг ҳаражатларини тушунтиради(бу плакат иштирокида амалга оширилиши лозим)
5. ЭТХ келишларини муҳокама қиласи

3-Қадам ЯБХИК:

6. Ҳозиргача бўлган ҳаражатлар бўйича тушунтириш беради
7. Иш қачон якунлангани
8. Ёлланган ишчилар (хизматчилар сони ва мансуб ҳудудлари), тўланган маош
9. Уларнинг ҳаққоний меҳнат амалиётларига нечоғлик амал қилганлигига аҳамият қаратади
10. Улар АМИС меъёрларига қай даражада амал қилишган

Ахборот плакат шаклида тақдим этилиши керак

4-Қадам: ЖМ ўзининг натижаларини намойиш қиласди

ЖМ лойиҳа сифати, иш жараёнининг холислиги, сублойиҳаларни бажарилганлик даражаси, ҳамда Эксплуатация ва техник хизмат нуқтаи назаридан Жамоа билан ўтказилган муҳокамаларга асосланган натижаларини тақдим қиласди.

5-Қадам: Жамоатчилик жавоблар ва саволлар беради

- Жамоа аъзоларига (ЖМ жамоаси аъзолари билан биргаликда) кенгашшиб олишлари учун бир неча дақиқа берилиши лозим.
- Кейин ҳудуд гурулари 15 дақиқи мухокама ўтказиб, МТГ аъзолари учун саволларни тузиб олади.
- Савол бериши учун ҳар бир ҳудуд ўз вакилини тайин қиласди.
- МТГ, ТЛҚ аъзолари ва Пудратчилар уларнинг саволларига жавоб бериш имконига эга.

6-Қадам: Асосий Масалалар Ечими Ҳаракат Режаси

- Ҳал қилиниши учун вақт талаф қилинувчи жиддий муаммолар МТГ томонидан ҳаракатлар режасига муддат ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда киритиб қўйилади, бошқача айтганда, МТГ томонидан бериладиган ҳар қандай ваъда хужжутлаштирилади ва ЖММТГ ушбу ҳаракатлар режасини амалга оширишини назорат қиласди, МТГ ва МФЙ эса ТЛҚ ва пудратчилар ўз вазифаларини бажарашига ишонч ҳосил қиласди.
- Ҳаракатлар режаси плакат қўринишида жамоат жойига осиб қўйилади ва МТГ масъуллари (КҲҚФ лар ХТҚФ суръатга тушириб оладилар) томонидан имзоланади, кейин эса КҲҚ ўз ҳаракатлар режасини имзолайди ва Пудратчилар ҳам ўз ҳаракатлар режасини имзолашади.

Кейинги Ижтимоий Аудит Учрашувида кўриладиган чоралар (6 ойда сўнг)

Кейинги ижтимоий аудит учрашувида (6 ойдан сўнг) ҳаракатлар режаси кўриб чиқилади ва МТГ аъзолари ўзларининг иш суръатлари билан ўртоқлашади ёки уларга нима тўсқинлик қилаётганини тушунтиради.

2-Ҳаракат : МТГ ва ЖМ Жамоаси Ижтимоий Аудит Санаси, Вақти ва Жойи бўйича келишиб олади (15 дақиқа)

Ижтимоий Аудит жараёни бўйича фикрлар алмасиб олингач, ЖМ ва МТГ ижтимоий аудит учрашуви бўйича келишиб олиши керак: санаси, вақти ва ўрни.

Изоҳ: Бу учрашув жамоанинг барча аъзолари учун қулай оммабоп ерда бўлиши лозим Ижтимоий аудит хусусий жойларда ўтказилиши мумкин эмас.

3-Ҳаракат : ҚФ лари МТГ ларни Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради; ва яна ҚФ лари ЖМ нинг Ижтимоий Аудитга тайёрланишига ёрдам беради (2 соат)

МТГлар ва ЖМ билан тайёрланиш ишларини ўтказинг, лекин алоҳида учрашув шаклида Сиз уларга формат тузишда ёрдам беришингиз мумкин; лекин иложи борича форматни ўзлари, маълумотлар бўйича изоҳни тупага жойлаштирган ҳолда ўзлари тўлдиришлари керак ТЛҚлар ва пудратчилар ўзларининг плакатларини тайёрлашлари керак

4-Ҳаракат: ЖМ Ижтимоий Аудит санаси, вати ва ўрнини ҚФ ларисиз, ўзи чоп этади.

Хар бир МТГ аъзози ўз ҳудуди фуқаролари билан учрашувнинг қаочон ва қаерда бўлиши ҳақида гаплашиб олиши ва жамоат жойида маҳсус плакат осилиши, Оммавий Огоҳлантириш Доскасида қоғоз шаклида жойлаштирилиги керак.

Ижтимоий Аудит учрашуви кунида ЖМ аъзолари ҳар бир ҳудуддан камида 60 % уй хўжаликлари иштирок этаётганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Агар ундей бўлмаса ЖМ ва МТГ аъзолари ҳар бир ҳудудга чиқади ва одамларни қўшилишларини сўрайди.

5-Ҳаракат : Ижтимоий Аудит Кунида

биринчи қадам энг сўнгги аудитнинг ҳаракатлар режасини тақдим қилиш ва МТГ уларнинг кўтарилиган қандайдир масалаларни (агар шундай масала бўлса) ечишда қандай йўл тутгани бўйича ахборотлар билан ўртоқлашиши кераклигидир.

Ушбу аудит кейинроқ 1-Ҳаракат да ургу берилган 5 та қадам билан давом эттирилади (Ижтимоий Аудит 3). 3.14 шакли ҳисобот учун асос бўлиб, тўлдирилган шакл ҚФга топширилиши керак.

Илова №22: МТГларни; ЖМ Шикоятларни кўриб чиқиш қўмитасини; Ўзаро қўмак гурухларини кузатиб бориш/кўллаб қувватлаш

Қишлоқ Фасилаторлари: 23, 24, 25-Ташриф

3-4 соат

Маслаҳатлар:

1. Учрашувни ҳеч қачон турар уй-жойда ўтказманг
2. Учрашув жойи Жамоанинг барча гурухлари ва аъзолари учун бирдай қулай бўлишига ишонч ҳосил қилинг
3. Учрашувдан қўзланган мақсадни аниқ етказишга ҳаракат қилинг. Қишлоқнинг бирор вакилидан тушунган мақсадларини ўз сўzlари билан такрор қилишини илтимос қилинг
4. Қатнашчиларга ушбу машғулотга сарфланадиган вақт ҳақида айтиб қўйишга эътиборли бўлинг
5. Ишни якунлашдан аввал иштирокчилар келишуви ва розилигига эришиш учун, якуний натижалар билан қониққан кишилардан қўлларини кўтаришларини сўранг Агар норози кишилар ҳам бўлса, улар билан муҳокама юритинг ва вазиятни ўнглашга урининг. Фойда бермаса, кўпчилик фикри билан қаноатланинг.
6. Жамоатчилик ичida овқат ёки ичимлик қабул қилиб олманг; бу нарса қоидаларга зид эканини самимият билан тушунтиринг
7. Ҳар бир кишига ҳудди ўз оила аъзоларингизга қиладиган **мумомала кўрсатинг** ;
8. Жойни белгилашга эътибор қаратинг (барча учун ўтириш ёки ўзини қулай ҳис этиш мумкин бўлган, қишлоқнинг хамма иштирокчилари бир-бирини кўриб, муҳокамага кириша оладиган яхши жой)
9. Бошқаларнинг фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиладиган аҳоли учун бирор кишини қолдиришни унутманг (бехуда аралашиб, ҳалақит беришни ёқтирувчилар учун). Уларни мажлисдан четроққа тортинг ва ўзларидаги қишлоққа оид маълумотларни сиз билан баҳам кўришларини сўранг.
10. Болаларни ташқарига олиб чиқиб улар билан ўйнаб туриши (агар шовқин соладиган бўлсалар) учун кимнидир тайин қилганингизга ишонч ҳосил қилинг
11. Мажлисни тугатишдан аввал кўпчилик маъқуллаган энг муҳим жиҳатларни яна бир бор такрор қилинишига ва кўпроқ кишиларнинг хайриҳоҳлик билдиришларига эришинг.

Бир йил ичida, ҚФ лар ҳар бир жамоага тақрибан 30 та ташриф амалга оширади. Жипс яшовчи жамоалар ҳудудларида ҚФ лар 2 та жамоада бир кун ичida бўлиши ҳам мумкин, бу ҳолатда эса, уларнинг ҳар бир Жамоа учун кўпроқ бўш кунлари қолади. Ҳар бир ҚФ жуфтлигидан камида 4 кунни (Нисбатан жипс яшовчи жамоалар ҳудудларида ҚФ лар 2 та жамоада бир кун ичida бўлиши ҳам мумкин) ёки 5 кунни ташқарида ўтказишлари кутилади

(Агар жамоалар бир-биридан олисроқ жойлашган ва ҚФ лар бир кунда фақат битта жамоага улгурушадиган бўлса).

МТГ сайлангач, таҳлил якунлангач, ҚТР лар ҚФ ларининг ҳар бир жуфтликларини (эркак ва аёл) шакллантиргач, улар ўзларининг жамоаларида ишлашда давом этадилар ва МТГ, ЖМ/Шикоятлар Гурухи, Ўзаро Кўмак Гурухларига ва бошқа ҳар қандай ўтказилиши керак бўлган учрашувларга мунтазам ташриф буюриб туради.

Максад: МТГ лар, ЖМ ва Ўзаро Кўмак Гурухлари учун давомий ташрифлар

Давомий ташрифлар ўта муҳим ва керак қўйидаги харакатларда МТГ лар, қўмиталар ҳамда Шикоятлар ва ЖМ Гурухи иштирокидаги ташрифлар қай тариқа амалга оширилиши кераклиги кўрсатиб берилган. Айниқса, Ўзаро кўмак гурухари ёрдамга эҳтиёж сезади.

Изоҳ: ҚФ лар жамоатларга ҳар бир қилинган ташрифлар ёзиб борилувчи тартибли ҳафталиқ жадвал тутишлари шарт. Ташрифларга рисоладагидай ҳозирлик кўрилган, яхши тизимлаштирилган ва тренинг қўлланмасида урғу бериб ўтилган характларга мос бўлиши лозим. Нима бўлган тақдирда ҳам ҚФ бир жамоага ҳафтада 2 мартадан кўп бўлмаслиги лозим (фақатгина ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва турли манфаатдор тарафлар иштирокидаги мажлислар бундан мустасно)

Хозирлик: Фоялар карточкалари, Қаламлар ва Плакат Қоғозлари олиб келишга эътиборли бўлинг МТГ Раҳбарига боғланиб ўзингиз учун учрашувлар белгилашини сўранг МТГ Раисидан ва идоранинг бошқа ходимларидан келишларини ҳам сўранг

Такрорий ташрифлар қандай харакатларга эҳтиёж боригини кўриб чиқиши керак.

МТГ

1-Ҳаракат: МТГ аъзолари томонидан ўзларининг ишлари ривожи тўрисидаги тақдимотда уларни кузатинг/кўмаклашинг. (1 соат)

МТГ аъзоларидан ишларидаги силжишларни тақдим этишларини ва дуч келган муаммолари тўғрисида сўранг. Ҳар бир тақдимот 5 дақиқа давом этиши ва муҳокама учун 10 дақиқа берилиши лозим. Агар МТГ аъзоси ёки жамоаси тўсиқларга дуч келган бўлса (сиз улар билан жамоаларни шакллантиришда ишлаганингизни эсланг ва асосий фаолиятлар учун масълиятни ўз зиммангизга олинг), умумий аудиториядан бу тўсиқларни қандай енгиш бўйича фаол мунозараага киришишларини сўранг. Бунинг учун вақт ажратишга эътиборли бўлинг.

2-ҳаракат: ЖМ жамоасини кузатиб бориш/кўллаб қувватлаш (1.5 соат)

ЖМ

Улардан қайси ЖМ шаклини тўлдирганликларини сўранг (бу сиз жараённинг қайси босқичида бўлишингизга боғлик(3.13, 3.14, 3.15). Шаклни кўриб чиқинг ва тўғри тўлдирилган эканига ишонч ҳосил қилинг. Зарурат туғилса, ЖМ Гурухига биринчи шаклни

тўлдириш учун ЖМ жараёнинида қўмак беринг. Вақт ўтиб, ЖМ ўзи мустақил монитор қила оладиган бўлади.

Ўзаро Кўмак Гурухлари

3-Ҳаракат : Ўзаро Кўмак Гурухларига ва уларнинг ишлари ривожи асосидаги Тақдимотларини қузатинг/кўмак беринг. (1,5 соат)

Ҳар бир ўзаро қўмак гурухларидан ишларидаги силжишларни тақдим этишларини ва дуч келган муаммолари тўғрисида сўранг. Ҳар бир тақдимот 10 дақиқа давом этиши ва мухокама учун ҳам 10 дақиқа берилиши керак. Агар ўзаро қўмак гурухлари мураккаб тўсиқларга дуч келса, ҳаммани ўзаро фаол мунозарага киришиб, уни енгиб ўтиш йўлларини излашни сўранг. Бунинг учун вақт ажратишга эътиборли бўлинг.

Ёш хотин-қизлар

4-Ҳаракат : Ёш хотин-қизлар билан учрашинг ва улардан ишларининг ривожи бўйича ҳисоб беришларини илтимос қилинг. (1,5 соат)

Аёллардан ишларидаги силжишлар ва дуч келган муаммолари ҳақида сўранг. Тақдмиот 10 дақиқа бўлиши керак ва мухокама учун ҳам 10 дақиқа берилади. Агар гурух қийин вазиятга тушиб қолса, ҳаммани ўзаро фаол мунозарага киришиб, уни енгиб ўтиш йўлларини излашни сўранг. Бунинг учун вақт ажратишга эътиборли бўлинг.

Илова №23: Институционал Етуклик Индекси

Қишлоқ Фасилитаторлари: 26-Ташриф 2 соат

Кириш

Институционал Етуклик Индекс (ИЕИ) механизми МТГ ларнинг ўсишини (етуклигини) баҳолайди

ҚИРЛ нинг ИЕИ нафақат МТГ ларни ўз- ўзини баҳолаши учун ишлаб чиқилган механизм, балки **ўқув жараёни** ҳамдир. Унинг ёрдамида сайланган аъзолар ўз фаолиятлари ва муносабатларини кўриб чиқиши учун ўз-ўзини англашда қатнашади.³ МТГ лар ташкил топғанларидан (сайланганларидан) б ой ўтиб, кейин эса дастур ёпилгунича бир йилда бир марта ўз-ўзини баҳолаш жараёнидан ўтиши керак.

МТГ ларни ИЕИ жараёнидан олиб ўтиш КХ ва Ҳукумат Ташкилотларининг ҚФ лари зиммасидадир.

ИЕИ изчиллиги, жалб қилинган манфаатдор тарафлар ва зарур бўладиган Вақт Тўғрисида

МТГ лар учун тадбирлар таҳминан 2 соат талаб қиласди. КХ ҚФ лари ИЕИ мажлисларини бошқа ташрифларнинг бир қисми ўлароқ амалга оширишлари керак. Улар у ерда қолган фаолиятларни (кун тартибидаги ташрифлар, масалан) ҳам амалга оширишади.

Мукаммаллик учун, МТГ нинг 100 % аъзолари (эркаклар), (аёллар) ҳозир бўлиши мақсадга мувофиқ ва камида 80 % и ҳозир бўлиши шарт.

ИЕИ Механизмини Ижросини таъминлаш тўғрисида (ҚФ лар учун)

Учрашувлар ва Режалаштириш: Илтимос МТГ Раисига камида 1 ҳафта олдин қўнғироқ қилиб қўйинг (учрашувдан бир кун олдин телефон орқали алоқани ушлаб туринг) ва МТГ нинг сиз билан учрашишига 2 соат ажратса олиши мумкин бўлган куни ва вақти ҳақида сўранг.

Қўйида келтирилган механизм МТГ ларга ўз ишларини ва амалиётларини тизимли равишда баҳолашга мўлжалланган (3.17 шакл). Ҳар бир мавзу/савол ва саволлар тўплами жавоблар беришда гурух улар бўйича ўзаро бир тўхтамга келишини талаб қиласди. Ҳар бир мавзу муҳокамаси ва жавоблар мобайнида, қатнашчилар нега ушбу жавоб энг ўринлиси эканини

³ ИЕИ Норман Ухофнинг "Аҳолини Жамоавий Ўзини ўзи Баҳолаш Соҳа Методологияси" Жамоавий Дастури ва Гурухларо Ассоцасияси Ижросининг мослаштирилган талқинидир. Қаранг: Ухов.Н. 1989 Инсон ресурслари ва Қишлоқ Хўжалиги Испоҳоти Бўлинмаси, (ОАТ)

яққол мисолларда кўрсатиб бериши керак. Ҳар бир иккиламчи мавзу саволи бир хил шаблонда келувчи 4 жавобдан иборат:

- 3=энг қониқарлиси бўлиб, мукаммаллаштириш учун айрим жиҳатларга эга,
- 2=қониқарли бўлиб, мукаммаллаштириш керак бўлган жиҳатлари талайгина,
- 1=қониқарсиз бўлиб, такомиллаштирилиши керак ўринлар кўп
- 0=мутлоқ қониқарсиз, такомиллаштирилиши керак ўринлар ниҳоятда кўп.

Рақам ва рейтинглар анчайин муҳим саналсада, ушбу рақамларга келиниши учун кенгаш ёки субқўмита томонидан ўтказилувчи **муҳокама** ҳам шу қадар катта аҳамиятга эга. Мисол келтиришларини ҳар гал сўрашни назардан қочирманг. Шундай қилиб, агар МТГ учрашувга қатнашганлик учун 3 балл қўйишни истаса, у ҳамма қатнашган ёки қатнашмаган учрашувлардан мисоллар келтириши, ёки бор йўғи бир неча киши иштирок этган учрашувлар тўғрисида ҳам эслатиб ўтиши керак. Агар энг юқори бўлган 3 балл ўзини оқламаётган бўлса, унда "кўпчилик" ёки "баъзилар" каби балларни камайтирувчи иборалар ишлатилиниши мумкин. Агар келишув амалга ошмаса, ушбу гурӯх овоз беришни ташкиллаштиради ва қўпчиликнинг овози қайд қилиб қўйилади. Бу ҳар бир савол учун бажарилиши керак

Тизимлантирилган бўлишга эътиборли бўлинг.

ИЕИ механизмини МТГ аъзоларига таништиринг, ИЕИ машғулотини бошлар экансиз, қуидагиларни МТГ аъзолари билан ўртоқлашинг:

"Биз ва сизнинг ўкув жараёнингизнинг бир қисми сифатида, биз сизни сайланганингиздан 6 ой ўтгач ўз-ўзини баҳолашга жалб этмоқчимиз. Ўз-ўзини баҳолаш бизга сизни қандай қилиб яхшироқ тушуниш ва натижада қўллаб-куватлашимизда ёрдам беради ва сизларга эса МТГ нинг яхши фаолият олиб бориши нуқтаи назаридан қайси даражада эканингизни аংглашингизга ҳисса қўшади. Ўз-ўзини баҳолаш таҳминан 2 соат вақт олади ва биз сиздан ўзаро муҳокама уюштириб қуидаги соҳа (мавзуларда) рейтинг бўйича бир тўхтамга келишларингни сўрашимз мумкин":

- Учрашувлар, қарор қабул қилиш, режалаштириш ва кейинги фаолиятлар
- Ҳисобдорлик ва Кенг жамоатчилик билан Ҳамжиҳатлик
- Манбалар Сафарбарлиги, камбағалларга ёрдам ишларидаги Ютуқлар
- МТГ доирасида Шаффофлик
- Эксплуатация ва техник хизмат

Ҳар бир оstmавзу баҳоланади, бунинг натижасида уларга топширилган ишнинг қайси ерида қандай кетаётганини МТГ лар кўра олиши мумкин. Тугатгандан сўнг, МТГ қайси субмавзуни яхши бажараётганини ва қайсиниси яхши бажармаётганини муҳокама қилиши керак. Машғулот заиф кўрсаткичларни қандай ошириш/яхшилаш борасидаги амалий чоралар билан якунланиши керак.